

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ



МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШДА ТЬЮТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСЛАРИ

2020 йил

Ибраймов Асқар Есбосынович

МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШДА ТҶУТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСЛАРИ



УДК 37.018.43
ББК 74.4

А.Е.Ибраймов. Масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятини ташкил этишнинг асослари. // Услубий қўлланма. – Тошкент: “Lesson press”, 2020, 181 бет.

УДК 37.018.43
ББК 74.4

Мазкур “Масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятини ташкил этишнинг асослари” номли услубий қўлланмада тьюторлик фаолиятининг келиб чиқиш тарихи ва ривожланиш тенденциялари, тьютор ҳақида асосий тушунчалар, ўқитувчи ва тьютор фаолиятининг фарқлари, тьюторлик фаолиятини ташкил этиш босқичлари, шакллари, моделлари, тамойиллари, функциялари, ўқитиш технологиялари ёритилган.

Услубий қўлланма масофавий ўқитиш тизимида фаолият юритадиган тьюторлар ва бошқа мутахассислар учун мўлжалланган.

Тузувчи-муаллиф:

А.Е.Ибраймов – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, Бош прокуратура Академияси, Электрон таълим бўлими катта прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси

Такризчилар:


Ё.С.Эргашев – физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий методик марказ бўлим бошлиғи.

М.У.Ахмедов – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, кафедра мудири.

ISBN 978-9943-6939-3-7

Ушбу услубий қўлланма Бош прокуратура Академиясининг 2020 йил 29 августдаги 9-сонли қарори билан тасдиқланган.

© Бош прокуратура Академияси, 2020



**Агар одамни бир марта тўқ бўлишини истасанг — унга балиқ бер.
Агар бир умр тўқ бўлишини истасанг — унга балиқ овлашни ўргат.**

МУНДАРИЖА

Кириш	5
-------------	---

I БОБ. ТЬЮТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УМУМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	7
--	----------

1.1. Жаҳон ва Ўзбекистонда тьюторлик фаолиятининг келиб чиқиш тарихи ва ривожланиш тенденциялари	8
1.2. Тьютор ҳақида асосий тушунчалар	26
1.3. Ўқитувчи ва тьюторнинг фарқлари	31

II БОБ. МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШДА ТЬЮТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСЛАРИ	42
---	-----------

2.1. Масофавий ўқитиш моделлари асосида тьюторлик фаолиятининг ўрни ва аҳамияти	43
2.2. Масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятини ташкил этишнинг асосий тамойиллари ва ёндашувлари	54
2.3. Масофавий ўқитишда тьюторлик фаолияти функциялари.....	66

III БОБ. МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШДА ТЬЮТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ БОСҚИЧЛАРИ	73
--	-----------

3.1. Масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятини ташкил этишда педагогик дизайн моделлари	74
3.2. Масофавий ўқитишни ташкил этишда дастлабки таҳлил ўтказиш ва унда тьюторлик фаолияти	79
3.3. Масофавий ўқитиш курслари ўқув-методик материалларини ишлаб чиқишда тьюторлик фаолиятининг ташкил этилиши	85
3.4. Масофавий ўқитиш машғулотларида тьюторлик фаолиятининг ташкил этилиши	96
3.5. Масофавий ўқитишнинг дидактик воситалари ва ундан фойдаланиш	111
3.6. Масофавий ўқитиш методлари ва уларни амалиётда қўллашда тьюторлик фаолияти	119
3.7. Масофавий ўқитишда назорат ишларини ўтказишда тьюторлик фаолияти	129

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	136
Иловалар	143

КИРИШ

XXI асрда жаҳон миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида "... барча учун бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш" долзарб вазифа сифатида белгиланди [12]. Бу узлуксиз таълим тизимини, жумладан, масофавий ўқитиш тизимини ривожлантириш ва унда тьюторлик фаолиятини самарали ташкил этиш имкониятларини кенгайтирди.

Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларнинг вазифаларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Сабаби, жаҳон тажрибаларидан кўриш мумкин, масофавий ўқитиш тизимида асосан тьюторлик фаолияти ташкил этилиши юзасидан ўқитувчиларнинг фаолиятини тьюторлик ёрдам кўрсатиш фаолиятига ўтказиш масаласининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу қўлланмада юқорида илгари сурилган фикрлар атрофлича ёритилган. Жумладан, қўлланма биринчи бобида тьюторлик фаолиятининг келиб чиқиш тарихи ва асрлар давомида ривожланиш тенденцияси, тьютор сўзига берилган таърифларнинг таҳлили, тьюторлик фаолиятининг амалиётда мавжуд тажрибалари ҳамда ўқитувчилик ва тьюторлик фаолиятининг фарқли жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинди.

Иккинчи бобида масофавий ўқитишда тьюторлар кўникмасига қуйиладиган талаблар, тьюторлик фаолияти функциялари, тамойиллари, моделлари таҳлили жаҳон ва маҳаллий тажрибалар асосида таҳлил қилинди ва муаллифлик фикрлари билан тўлдирилди. Шунингдек, масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятини ташкил этишнинг босқичларисифатида жаҳон стандартлари асосида педагогик дизайн моделлари асосида масофавий ўқитиш курсларини ташкил этишдан олдин дастлабки таҳлил ўтказиш, таҳлил натижаларига кўра масофавий курсларнинг нафақат ўқув дастурларини, балки масофавий ўқитишни лойиҳалаштириш, курс мазмунини таълим олувчиларнинг эҳтиёжлари ва бошқа ўрнатилган талаблар асосида ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш, таълим олувчининг ўзлаштириш даражасини ва умумий жараёнини комплекс баҳолаш усуллари ёритилган.

Мазкур услубий қўлланмада тьюторлик фаолияти ўқитувчи фаолиятдан фарқли равишда асосан таълим олувчиларни **қўллаб-қувватлаш, кўмаклашиш, ҳамроҳлик қилиш, йўл-йўриқлар кўрсатиш** масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, **қўллаб-қувватлаш** (субъектнинг муаммоларни ҳал этишда мустақиллик ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг алоҳида тури) ва таълимда субъектлик муаммосини ҳал этиш; **кўмаклашиш** (индивидуал таълим дастурлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш ишларига кўмаклашиш); **ҳамроҳлик қилиш** (индивидуал таълим дастурлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш жараёнида ҳамроҳлик қилиш); **йўл-йўриқлар кўрсатиш** (таълим жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни мустақил енгиб ўтишга ўргатиш ва йўл-йўриқ кўрсатиш) каби ишларни амалга ошириши назарда тутилади.

Масофавий ўқитишда тьюторнинг роли асосан таълимда индивидуаллаштиришни кучайтириш билан боғлиқ функцияни ажратиб кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан тьютор фаолиятида жиддий педагогик восита – таълимнинг индивидуал таълим дастури пайдо бўлади. Айнан шу педагогик восита тьюторнинг таълим жараёнидаги функцияларини яққоллаштириш имконини беради.

Шунинг учун, масофавий ўқитишда компетентли тьютор бўлиши учун ўқитувчилик касбидан фарқли равишда алоҳида кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Компетентли тьюторлик фаолиятини эса махсустай ёргарлик кўрган профессионал – тьютор амалга ошириши мумкин.

I.БОБ.

**ТЪЮТОРЛИК
ФАОЛИЯТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
УМУМИЙ НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИ**

1.1. Жаҳон ва Ўзбекистонда тьюторлик фаолиятининг келиб чиқиш тарихи ва ривожланиш тенденциялари

“Тьюторлик фаолияти ҳозирги кунда кўпчиликка янги тушунча сифатида кўринмоқда, аслида тьюторлик фаолияти янги тушунча ёки касб эмас.

Тарихий манбаларга назар ташлайдиган бўлсак, тьюторлик фаолияти бир нечта асрлардан буён таълим бериш маданияти билан биргаликда алоҳида маданият сифатида шаклланиб келган ва асрлар давомида ривожланишида унинг таълим-тарбия жараёнидаги роли ҳам ўзгариб борган.



Мавжуд адабиётларда тьюторлик фаолиятининг ривожланиши асосий босқичларга ажратилган [46], бу босқичларни қуйидаги чизма шаклида акс эттириш мақсадга мувофиқ (1-расм):

... – XVI асрлар

тьюторлик фаолияти таълим олувчиларнинг мустақил ўқишларига кўмаклашувчи сифатида;

XVI-XIX асрлар

тьюторлик фаолияти инглиз университети тизимида расмий тан олинган қисми сифатида;

XIX-XX асрлар

тьюторлар ва китобларни асосий билим манбаи деб билиш мумкин бўлган вақтлар;

XXI аср

тьютор янги касб сифатида: ўқитувчи функциясини ўзгартириш, кенгайтириш ва янги лавозим мажбуриятини белгилаш.

1- расм. Тьюторлик фаолиятининг ривожланиш босқичлари

Мазкур расмда акс эттирилган тьюторлик фаолиятининг асрлар давомида ривожланиш босқичларининг айрим жиҳатларини қисқача кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу борадаги мавжуд адабиётларда тьюторлик фаолияти XII асрдаги Европа университетлари, жумладан Оксфорд, Кембриж университетлари тарихи билан чамбарчас боғлиқлиги ва Буюк Британияда шаклланганлиги таъкидланган [39].



Оксфорд университети



Кембриж университети

Тьюторлик фаолияти тахминан XIV асрда инглиз университетлари Оксфорд ва бироз кейинроқ Кембрижда шаклланган ва бу бўйича мавжуд тажрибаларнинг таҳлилларига кўра, шу даврдан бошлаб тьюторликнинг университет мураббийлиги сифатида тарихий ривожланганлигини кўриш мумкин.

Будаврда университетларга дастлаб ўқитувчилар ва талабаларнинг уюшмалари сифатида қаралган ва талабалар бир хилдаги муайян курсларда иштирок этиши талаб этилмаган, қайси профессорни тинглашни ёки қайси фанларни ўрганишни талабанинг ўзи ҳал қилиши лозим бўлган. Ҳар бир профессор ўзининг китобини ўқиган ва шарҳлаган. Шунинг учун талабалар нафақат ўзининг, балки бошқа таълим муассасалар профессорлари маърузасини тинглашлари мумкин бўлган. Университет эса, ўз талабаларини фақат битирув имтиҳонларига қўйган. Бунда талабаларга курс якунида тегишли даражани олиши учун зарур бўлган билимларни эгаллашда, ўз йўлини танлаш жараёнида тьюторлар ёрдам кўрсатишган [39]. Бу вақтлари ўқишнинг биринчи йилида барча талабалар тьюторлар консультацияларига қатнашиш мажбурий бўлган ва улар ҳар ҳафтада бажарилган ишлари тўғрисида тьюторга ҳисобот бериб туришган [24]. Талабаларнинг тьюторлар билан учрашувлари жадвал бўйича

ва дарсдан ташқари вақтда ўтказилган ва бундай учрашувлар, мулоқотлар талабалар учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган.

“
 Ўша замондаги университетнинг рад қилиб бўлмайдиган жиҳати :
 ўқитиш ва ўқишнинг эркинлиги бўлгани учун, тьюторлар профессор :
 ва талаба ўртасида **воситачилик функциясини** бажарган. ”

Таълим олиш эркинлиги талабанинг мустақил ўқиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бунда тьюторнинг асосий вазифаси талабанинг мустақил билим олиш жараёнини академик ғоялар билан боғлашдан иборат бўлган. Мустақил ўқиш жараёни университетда билим олишнинг асосий қисми ҳисобланган ва тьютор ушбу мустақил ўқиш жараёнига қўмаклашиш функцияларини бажарган [39].

XVI асрнинг охирида университет ўқув жараёнида тьюторлар ўз қаровидагилар тарбиясига жавобгар сифатида асосий шахсга айланган. Бу борада М.И.Попова тадқиқотларида шундай ёзилган. Бизлар ... фақат билим беришимиз эмас, тарбиялашимиз керак: билим билан биргаликда ахлоқий ва диний жавобгарлик ҳиссини сингдиришимиз лозим; Талаба бу ерда ҳар хил қоидаларга бўйсунди ва тьюторлар назорати остида бўлади, улар ... ҳам оталарча, ҳам хизмат ҳуқуқига эга, ҳар қадамда ўзини тийишни ва ўзини идора қилишни талаб қилади ва шундай қилиб, унинг учун ҳаётга тайёрловчи ҳақиқий мактаб бўлиб хизмат қилади. Аксинча, университетни ушбу тузилмадан маҳрум қилинса, талабаларнинг академик фаолиятлари ўша заҳоти на чеклашларни, на жавобгарликни билмайдиган, тийиб бўлмайдиган эркинлик даврига айланади ...» [39]. Бу фикрлар билан тадқиқотчи тьюторлик фаолияти, талабаларнинг индивидуал таълим олиш ҳолати бўйича ўз қарашларини келтириб ўтган.

XVII асрга келиб тьюторлик фаолияти соҳаси кенгайди, унинг фақат таълимга оид эмас, тарбиявий функциялари ҳам борган сари кўпроқ аҳамиятга эга бўла бошлади. Тьютор талабага қайси маърузалар ёки амалий машғулотларда иштирок этиш энг маъқул эканлиги ва у ўзининг ўқув режасини қандай тузиши кераклиги бўйича маслаҳат берган, ўз талабаларининг яхши ўқишлари ва имтиҳонларга тайёр бўлишларини назорат қилган. Тьютор уша даврларда талабанинг энг яқин маслаҳатчиси ва унинг барча қийинчиликлари, муаммоларининг

ечимини топишда ёрдамчи бўлиб ҳисобланган [39].

Мавжуд адабиётларда [27, 34] уша даврлардаги инглиз университетларидаги тьюторлик фаолиятининг **учта асосий йўналиши** ажратиб кўрсатилган (1-жадвал).

1- жадвал

Инглиз таълим тизимида тьюторлик фаолиятининг асосий йўналишлари

Фаолият йўналишлари		
Ўқув фаолияти	Тарбиявий фаолияти	Бўш вақтда фаолият
Тьютор ҳар бир талабанинг имтиҳон топшириши учун индивидуал равишда тайёрланишига жавобгар бўлиб, уларга билимни ўзлаштириш, кенгайтириш, чуқурлаштиришига йўл-кўрсатган.	Тьютор талабаларнинг университетдаги маърузаларда иштирок этиш, ётоқхонада яшаш тартиб-қоидаларига риоя қилиши ва унинг хулқи, ташқи кўриниши, кийиниши талаб даражасида бўлишини назорат қилган.	Тьютор турли хил машғулотлар, тадбирлар, спорт ўйинлари ва бошқа кўнгил очишларда (пойгалар, шахмат, футбол ва бошқа) талабалар билан биргаликда фаол иштирок этган.

Бу фаолиятларнинг ичида аҳамиятли жиҳати шундаки, тьюторлар талабаларнинг мустақил равишда билимларини чуқурлаштириш, кенгайтириш ва индивидуал таълим олиш траекториясини тузишида кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратган ва ўз қаровидаги талабалар имтиҳонларда биринчи ўринларни эгаллашлари учун интилган.

XVII асрда тьюторлик тизими инглиз университети тизимининг профессорлик (немис) моделини аста-секин сиқиб чиқариб бораётган бир қисми деб расмий равишда тан олинган [39]. 1700 йилдан 1850 йилгача даврда инглиз университетларида оммавий курслар ва кафедралар умуман бўлмаган. Талабаларни имтиҳонларга фақат тьюторлар тайёрлаган. XVII асрга келиб Оксфорд ва Кембриж университетларида тьюторлар ўз атрофига уни ўз устози деб танлаган 1-2 талабани тўплаб, таълим жараёнида асосий шахсга айланган ва у ўз талабалари оладиган билимлар доирасини белгилаган, ўзи таклиф қилган материалларни ўзлаштириш натижалари бўйича улардан имтиҳонлар олган.

Бошқачасига айтганда, тьютор «**доналаб тайёрланадиган**» ҳеч қандай стандартлар билан ўлчаш мумкин бўлмаган ва умуман олганда, бошқа тьютор томонидан худди шундай ишлаб чиқариб бўлмайдиган таълим маҳсулотини ишлаб чиқарувчи шахсни ифодалаган.

XIX асрнинг охирида университетларда эркин кафедралар (хусусий маърузалар) ва коллегиял маърузалар пайдо бўлганида ҳам, барибир талабанинг профессорлар ва курсларни шахсан танлаш ҳуқуқи сақланиб қолган.

“ XVIII–XX асрлар давомида Англиянинг эски университетларида :
 тьюторлик тизимининг мавқеи пасаймаган, аксинча, таълимда :
 асосий ўринни эгаллаган: маърузалар тизими фақат унга **қўшимча** :
бўлиб хизмат қилган ва ҳозиргача шундай хизмат қилмоқда. ”

“ Оксфорд ва Кембрижда тьюторлар ҳозиргача таълим-тарбия :
 ишида муҳим ўрин эгаллайди ва **бу лавозим штат бирликлари** :
ҳисобланади ”

Тьюторлик фаолиятининг тарихий ривожланиш тенденциялари сифатида 2008 йилда Удмуртия давлат университети томонидан Эдвард ва Элейн Гордонларнинг «**Тьюторликнинг юз йиллиги:** Америка ва Ғарбий Европада муқобил таълимнинг тарихи» номли китоби нашр қилинганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу китобда муаллифлар кундалик дафтардаги ёзувлар, архив материаллар, буюк шахсларнинг ўсиб етилиши ва тарбияси мисолларидан фойдаланиб тьюторнинг функцияларини шарҳлаган ва индивидуал таълим ҳар қандай замонавий педагогик муассасадан кўра қадимийроқ эканлигини кўрсатиб берган [39].

Шунингдек, МДҲ давлатларида тьюторлик фаолияти бир мунча кечроқ шаклланганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Россияда тьюторлик фаолияти узоқ вақт давомида унчалик маълум бўлмаган, тьюторлик ғоялари асосан Россияда фақат қайта қуриш даврида тарқала бошлаган. 1989 йилда П.Г.Щедровицкий раҳбарлигида Москвада тьюторларнинг биринчи конкурсини ўтказган. Кейинчалик П.Г.Щедровицкий турли ҳудудлардан бўлган ёш педагоглар учун «Артек»да янги педагогик фаолият – тьюторлик тўғрисида туркум маърузалар ўқиган. Шуватқдан бошлаб аста-секин Россияда тьюторлик амалиёти ташкил топа бошлаган. П.Г.Щедровицкий вариантыдаги

тьюторлик фаолияти ўқувчининг таълимга оид мотивлари ва қизиқишларини аниқлаш ва ривожлантириш, индивидуал таълим дастурини яратиш учун таълим ресурсларини излаш, оиланинг таълимга оид буюртмаси билан ишлаш, ўқувчининг ўқув ва таълимга оид рефлексиясини шакллантиришга йўналтирилган таълимни индивидуаллаштириш бўйича педагогик фаолият тушунилган [39].

Шундай қилиб, тьюторлик фаолияти – бу тарихда ўқитиш ва ўқиш маданияти билан ёнма-ён шаклланган алоҳида маданият ҳисобланади. Ҳозирги даврларда тьюторлик таълими масофавий ўқитишда оммавийлашиб бормоқда ва бу кундузги ўқитиш шаклларида бир мунча фарқ қилади.

Масофавий ўқитишда тьюторлик фаолияти

XXI асрда таълим жараёнида масофавий ўқитиш технологияларидан кенг фойдаланаётган бир вақтда, тьюторлик фаолияти ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Сабаби, “синф-дарс” шаклида таълим олувчилар бевосита ўқитувчи раҳбарлигида таълим олади ва асосан ўқитувчи томонидан ўргатилган билимларни ўзлаштиради. Масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим олиш эса, бу асосан индивидуал таълим олишга олиб келади ва бу ерда албатта индивидуал таълим олувчига маслаҳатчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи зарур бўлади. Бу вазифани эса, албатта **тьютор бажаради.**

Масофавий ўқитишда тьюторлар тегишли модуллар доирасида ўқув-методик материаллар ишлаб чиқиши ва асинхрон, синхрон режимларда ўқув жараёнини ташкиллаштириш, таълим олувчилар томонидан самарали ўзлаштирилишини назорат қилиш, семинарлар ўтказиш, консультациялар бериш, ёзма топшириқларни текшириш ва уларга изоҳлар ёзиш ва шу каби ишларни амалга оширади.

Жаҳонда масофавий ўқитиш ва унда тьюторлик фаолиятини ташкил этиш бўйича етарлича тажрибалар мавжуд ва жуда кўп илмий тадқиқот ишлар олиб борилган [13, 18, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 25, 30, 36, 38, 39, 40, 41, 46, 56, 57, 59, 61, 62, 65, 66, 67 ва бошқа].

Юқоридаги каби адабиётлар орқали жаҳонда масофавий ўқитиш ва унда тьюторлик фаолиятини ташкил этиш бўйича маълумотлар билан танишиб чиқиш мумкин. Шунинг учун биз Республикамизда масофавий ўқитиш ва унда тьюторлик фаолиятини ташкил этиш бўйича айрим тажрибаларни ёритиб берамиз.


**Ўзбекистонда
мавжуд айрим
тажрибалар**

Ўзбекистон Республикасида масофавий ўқитиш ва унда тьюторлик фаолиятини ташкил этилиши бўйича мавжуд тажрибалар, яъни Республикамизда илк бор жорий этилган **масофавий ўқитиш ва унда тьюторлик фаолиятининг 10 йиллик тарихи** ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик.

Ўзбекистонда 2003 йиллардан бошлаб, масофавий ўқитиш марказларини кенг қўламда ташкил этиш ва уларни техник воситалар, ўқув-жиҳозлар билан таъминлаш бўйича ишлари амалга оширилган ва қуйидаги муҳим ҳужжатлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 февралдаги “Таълим секторини ривожлантириш дастури” лойиҳасини Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисидаги 92-сонли ва 2007 йил 30 июндаги Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Таълим секторини ривожлантириш дастури” лойиҳасининг техник-иқтисодий ҳисобларини тасдиқлаш тўғрисидаги 134-сонли қарори асосида республикамизда таълим тизимида, шу билан бирга Халқ таълими тизимида 85 та масофавий ўқитиш марказлари қуйидаги тузилишда ташкил этилди.

Жумладан, А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти қошида 1 та Масофадан ўқитишни ривожлантириш маркази (МЎРМ), ҳудудлардаги Халқ таълими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари қошида 14 та Масофадан ўқитишнинг ҳудудий мувофиқлаштириш марказлари (МЎҲММ) ва ҳар бир ҳудудда 5 тадан, республика бўйича жами 70 та пилот мактаблар қошидаги Масофадан ўқитишнинг таълим-ресурс марказлари (МЎТРМ) каби бўғинлардан иборат халқ таълими тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини масофадан ошириш тизими барпо этилди (2- расм).



2 - расм. Масофадан ўқитиш марказлари

Ушбу 85 та масофадан ўқитиш маркази, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг масофадан малакасини ошириш жараёнини таъминлайдиган компьютер жиҳозлари, асбоб-ускуналар, тегишлича жиҳозланган предмет кабинетлари ва ўқув лабораториялари, ўқув жиҳозлари, турли воситалар ва мебеллар билан таъминланди. Бу марказларнинг ҳар бири бевосита ўзига тегишли ҳудуд ўқитувчиларини масофадан малакасини ошириш билан шуғулланиши назарда тутилган.

Хўш, бу тизим орқали масофадан малака ошириш қачондан бошланди ва қайси фанлар бўйича курслар ташкил этилди ва қанча тингловчи малака оширди? Қайси ҳужжатлар асосида?


Бу тизим асосида масофадан малака ошириш тизимини ташкил этиш ва амалиётга жорий этиш учун 240 нафардан ортиқ таълим тизими ходимлари 2009 йили Германияда махсус малака ошириш курсида иштирок этишди. Шу жумладан, ушбу қўлланма муаллифи ҳам фан эксперти сифатида иштирок этди.

Шундан сўнг, халқаро мутахассислар билан биргаликда **2009 йили** А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида умумий ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатадиган **11 та** фан (математика, информатика, физика, химия, биология, география, иқтисодий билим асослари, инглиз, немис, француз тили ва бошланғия таълим) ўқитувчилари учун масофавий курсларнинг ўқув-методик таъминотларини ишлаб чиқилди (кейинчалик 14 тага етказилди) ва илк бор дастурий таъминот сифатида танланган MOODLE платформаси ўзбек тилига таржима қилинди.

2010 йилдан бошлаб ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар MOODLE платформаси орқали амалиётга жорий этилди. Бунда дастлаб **2010 йили 4 та ҳудудда** Тошкент шаҳар, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятларида масофадан малака ошириш курслари тажриба-синов тариқасида жорий этилди. Шундан сўнг, **2011 йилдан** бошлаб, республика бўйича ҳудудий Халқ таълими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари қошидаги **14 та** Масофадан ўқитишнинг ҳудудий мувофиқлаштириш марказларида масофадан малака ошириш курслари ташкил этила бошланди.

Бу жараёнда масофавий малака ошириш курсларини самарали ташкил этиш мақсадида халқаро мутахассислар билан биргаликда фанлар бўйича **тьюторлар тайёрланди**. Жумладан, 2010-2012 йилларда 14 та малака ошириш институтларидан 11 та фан бўйича жами 150 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар масофавий малака ошириш курсларини юритиш учун **тьютор** сифатида тайёрланди ва амалиётга йўналтирилди.

Кейинчалик масофадан малака ошириш жараёнини кенгайтириш мақсадида **2013 йилдан** бошлаб, Марказий институт негизида ҳам халқ таълими тизими раҳбар, методист, мутахассис ходимлар учун 6 та тоифа бўйича масофавий курслар амалиётга жорий этилди. Мазкур масофавий курслар дастлаб www.avloniymtk.uz (3-расм) орқали ва кейинчалик www.masofa.uz (4-расм) портали билан биргаликда амалиётга жорий этилди. (эски телеграм канал [avlony-masofa.uz](https://t.me/avlony-masofa))



3- расм. Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчилари учун www.avloniymtk.uz масофавий малака ошириш портали



4- расм. Халқ таълими тизими ходимлари ва умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчилари учун www.masoafa.uz масофавий малака ошириш портали

Мазкур масофавий курслар ўқув-методик материаллари порталга жойлаштирилиши ва амалиётга жорий этилишидан мисоллар (5-расм).



Мазкур тизим асосида 2010–2018 йиллар орасида 35 999 нафар умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари, 2 629 нафар раҳбар, методист, мутахассис ходимлар жами **38 628 нафар** халқ таълими ходимлари асосан **асинхрон режимда** ва **аралаш шаклда 2+2, 3+1 схемалари** бўйича масофадан малака оширди. Мазкур ҳолат бўйича асосий кўрсаткичи қўйидаги диаграммадан кўриш мумкин (6-расм).



6-расм. Халқ таълими тизимида масофадан малака оширган тингловчилар сони (2010–2018 йиллар)

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг малакасини ошириш 2018 йилдан бошлаб Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги тизимига ўтказилганлиги сабабли асосан халқ таълими тизими раҳбар, методист, мутахассисларнинг 2000 нафар ходимлари учун масофадан малака ошириш курслари ташкил этилди ва бу жараён узлуксиз давом эттирилди, лекин орадан 1–2 йил ўтиб яна умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини малакасини ошириш халқ таълими тизимига қайтарилди ва масофавий малака ошириш курслари ҳозирги кунларда ҳам замонавий ёндашувлар асосида амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқий асослар

Маъмур масофавий малака ошириш курсларини амалиётга жорий этиш ва унда тьюторлик фаолиятини тартибга солиш бўйича бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган.

Жумладан, масофавий малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича Халқ таълими вазирлигининг 2009 йил 3 августдаги 202-сонли, 2012 йил 10 апрелдаги 111-сонли, 2013 йил 3 январдаги 1-сонли, 2013 йил 19 апрелдаги 139-сонли, 2014 йил 3 январдаги 1-сонли, 2015 йил 3 январдаги 1-сонли, 2016 йил 4 январдаги 1-сонли, 2016 йил 10 декабрдаги 281-сонли, 2016 йил 30 декабрдаги 308-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 августдаги 234-сонли қарори ҳамда курслар мазмуни “Ўзстандарт” агентлигида 2013 йил 5 мартда O’zDSt 2767:2013 3523-қайд рақами билан рўйхатга олинган Давлат талаблари асосида амалиётга жорий этилган.

Бу ҳужжатларнинг айримларини кўриб чиқадиган бўлсак, Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 10 апрелдаги «Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида масофавий ўқитиш орқали малака ошириш ишларини жадаллаштириш тўғрисида»ги 111-сонли буйруғи билан “Худудий ПКҚТМОИлар профессор-ўқитувчиларининг масофавий таълим жараёнини олиб боришдаги ўқув юкламаларини ҳисоблаш тартиби” яъни **тьюторларнинг ўқув юкламаларини ҳисоблаш тартиби** тасдиқланди.

Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 19 апрелдаги «Халқ таълими тизимида масофадан ўқитиш орқали раҳбар ва педагог кадрлар малакасини ошириш ишларини такомиллаштириш тўғрисида»ги

139-сонли буйруғида **“Ўқитувчи-консультант (тьютор) ларнинг масофадан малака ошириш курслари жараёнидаги ўқув юкламаларини ҳисоблаш тартиби”** ва унда тьюторларга қўйиладиган талаблар ва уларнинг вазифалари ҳам тасдиқланди.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 234-сон Қарори билан масофавий малака ошириш талаблари Давлатимиз миқёсида тасдиқланди.

Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 10 декабрдаги 281-сонли буйруғи билан **“Халқ таълими ходимларининг масофадан малакасини ошириш тўғрисида Низом”** ва 2017 йил 26 декабрдаги 393-сонли буйруғи билан **“Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларининг масофадан малакасини ошириш Тартиби”** тасдиқланди ва масофавий малака ошириш курслари узлуксиз амалга оширилди.

Бу каби ҳужжатлар ва масофавий малака ошириш курсларини асинхрон ва синхрон режимларда ташкил этишнинг ташкилий-педагогик, илмий-методик жиҳатлари бўйича М.Яхъяев, М.Абдуллаева, А.Асқаров, А.Ибраймовлар томонидан бир қатор ишланмалар ишлаб чиқилган, шунингдек, А.Асқаров томонидан “Халқ таълими ходимлари малакасини масофадан ошириш тизимини такомиллаштириш” мавзусида, А.Ибраймов томонидан “Умумтаълим мактаби физика ўқитувчилари масофавий малака оширишларининг илмий-методик асосларини такомиллаштириш” мавзусида докторлик ишлари ҳимоя қилинган. Юқорида таъкидланган масофавий ўқитиш тизимининг самарали амалга оширилишида М.Юлдашев, Н.Раҳманқулова, А.Баҳрамовларнинг сифатли раҳбарлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда, халқ таълим тизимида масофавий малака ошириш ва тьюторлик фаолиятининг ташкил этилиши бўйича 10 йилдан ортиқ тажрибалар мавжуддир ва бу каби ишлар ҳозирги кунда халқ таълими тизимида замонавий талаблар, жаҳон стандартлари асосида давом эттириляётганлигин кўриш мумкин. Айниқса, масофавий ўқитишнинг моделлари сифатида телевидение орқали ўқитиш йўлга қўйилганлиги, бу масофавий ўқитиш ривожланишида янги босқичларга олиб чиқилди.


Мавжуд тажрибалардан прокуратура органлари ходимларининг малакасини масофавий ошириш курсларининг ташкил этилиши ва унда тьюторлик фаолиятининг юритилиши бўйича тажрибалардан ҳам қисқача ёритиб берамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5438-сон Фармони билан Бош прокуратура Академияси ташкил этилди ва унинг моддий-техник базаси замон талабларига мос жиҳозлар билан таъминланди ҳамда ўқув жараёнига педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, масофавий таълим, интерфаол тренинглар ҳамда муаммоли вазиятли услубларини кенг жорий этиш вазифаси қўйилди. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қисқа муддат ичида масофавий курс портали янгидан ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан рўйхатдан ўтказилди (7 - расм).



7-расм. Масофавий малака ошириш портали

Мазкур портал орқали масофавий малака ошириш курслари жаҳон стандартлари асосида синхрон (масофадан туриб реал вақт режимида машғулотларни олиб бориш) ва асинхрон (масофадан туриб электрон ўқув ресурсларини мустақил ўзлаштириш) ўқитиш режимларда ҳамда аралаш, MOOK ва бошқа шаклларда ташкил этилди (8-расм).



8-расм. Масофавий малака ошириш курслари

Масофавий курс ўқув-методик материаллари “**Масофавий малака ошириш курсларининг ўқув-методик материаллари, методик тавсиялар ва кўрсатмаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишга қўйиладиган МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР**” асосида назария ва амалиёт интеграциялашган ҳолда мустақил таълим олиш учун

мультимедиа студиясида электрон ўқув материаллари водкаст, подкаст, Flipped Class шаклида ишлаб чиқилган ҳамда мустақил ўрганган билимларини имитацион суд мажлисларини ўтказиш, криминалистик полигон, моделлаштириш ва симуляциявий амалий машғулотларда амалда қўллаш орқали мустаҳкамлаш қаратилади.

Масофавий малака ошириш курслари машғулотлари малакали **тьюторлар** тегишли тармоқлардан амалиётчи мутахассислар ва хорижий мутахассислар томонидан синхрон ва асинхрон режимида ўқитиш тегишли модуллар бўйича ишлаб чиқилган ўқув материаллари, видео, аудио материаллар ва бошқа электрон ўқув ресурсларини мустақил ўзлаштириш асосида амалга оширилади

Мазкур масофавий малака ошириш курслар тингловчиларга қонунчиликдаги янгиликлар мазмун-моҳиятини етказиш, касбий кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, прокурор-тергов ишининг илғор ютуқларини ўргатиш, ходимларнинг фаолиятидаги тизимли камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган ҳолда амалга оширилади. Ушбу курсларнинг самарадорлигини оширишда ҳар бир йўналиш, модул бўйича тьюторларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Тьюторлар фаолиятини тартибга солиш мақсадида **“Масофавий ва аралаш малака ошириш курсларда тьюторлар фаолиятини ташкил этиш бўйича НИЗОМ”** ишлаб чиқилган ва бунда **тьютор** кўникмасига қўйиладиган талаблар, **тьюторлик** фаолияти мақсади ва вазибалари, **тьюторлик** фаолиятини ташкил этиш тамойиллари, тьюторнинг асосий функциялари, **тьюторнинг** ҳуқуқлари, **тьюторлик** фаолиятини ташкил этиш ва бошқа масалалар ёритилган.

Тьюторлар ўз фаолиятини аралаш шаклда — 1+1, 2+1, 2+2, 3+1 схемаси (курснинг маълум бир қисмини масофавий, қолган қисмини таълим муассасасида ўтказиш), шунингдек, тўлиқ масофавий шаклда — 1+0, 2+0, 3+0, 4+0 схемасида (курс давомийлигининг тўлиқ қисмини масофавий мустақил равишда ўқиш) ташкил этилган курсларда фаолият юритишади.

Шунингдек, замонавий таълим технологияси, “синф-дарс тизими” билан электрон таълимнинг бирлашуви концепциясидан иборат бўлган — аралаш ўқитиш (Blended learning) технологиясидан кенг фойдаланилади. Бу электрон таълим, ахборот-коммуникация технологиялари ва замонавий ўқув воситалари тақдим қиладиган

янги дидактик имкониятларга асосланади.

Мазкур малака ошириш тизими орқали 2018 йили 637 нафар, 2019 йили 2237 нафар, 2020 йил 8 ойлигида 2000 нафардан ортиқ тингловчилар масофадан малака оширишди.

Тьюторлар томонидан тегишли модуллар доирасида масофавий курслар мазмунини шакллантиришда ҳуқуқни қўллаш ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, қонунбузилишлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан прокуратура органлари ходимларининг касбий билимларни чуқурлаштириш ва амалий кўникмаларни ривожлантириш борасидаги эҳтиёжлари ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, масофавий курс ўқув жараёнида ва тингловчиларнинг хизмат фаолияти давомида касбий ривожланиши мониторинги уларнинг ўқиш давомида эгаллаган билим ва кўникмалари, шахсий ва ишчанлик сифатлари ҳақидаги зарур маълумотларни ўзида акс эттирувчи электрон портфолио юритиш орқали амалга оширилади. Тингловчиларнинг тўлиқ резюмесини шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқ соҳалари бўйича билимлари, юридик ёзма кўникмаси, таҳлилий фикрлаш, коммуникация, интеллектуал, жисмоний ва психологик тайёргарлиги, хорижий тилларни билиши, компьютер саводхонлиги, ўқотиш ва саф тайёргарлиги кўникмалари диагностика қилиниб, тегишли маълумотлар “Тингловчининг электрон портфолиоси”га киритилади.

Мазкур масофавий қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслар прокуратура органларини ходимлари касбий фаолиятини амалга ошириш учун зарур касбий билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиш бирга ҳар томонлама интеллектуал ривожланиш, мантиқан ва ижодий фикрлаш ҳамда таҳлилий қобилиятга эга бўлиш, психологик барқарорлик, коммуникативлик ва профессионал мулоқот олиб бориш қобилиятига эга бўлишига хизмат қилади.

Умуман олганда, Республикамизда кейинги вақтлари юқорида таъкидланганлардан бошқа тажрибалар ҳам жуда қўплаб шаклланган, айнан пандемия даврида барча узлуксиз таълим тизимининг барча турларида масофавий ўқитиш технологиялари кенг жорий этилди.

Бунда энг муҳими масофавий ўқитиш шароитида тьюторлик фаолиятини самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

1.2. Тьютор ҳақида асосий тушунчалар

Тьюторлик фаолиятининг келиб чиқиш тарихи ва ривожланиш тенденциялари бўйича бир қатор таҳлилий маълумотлар юқорида ёритилди, шу жараёнда **“тьютор”** сўзининг маъноси ва унга берилган таърифларни ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.



Мавжуд изоҳли луғатларда **“тьютор”** сўзига қуйидагича турли хил таърифлар берилган ва улар асосида тьюторлик фаолиятининг маъносини ҳам турлича тушуниш мумкин:

тьютор (ингл. “tutor” — репетитор, куратор, таълим муассасасидаги тарбиячи). Таълим олувчиларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишларига умумий раҳбарликни амалга оширувчи педагог, айрим университетларда ўқитувчилик лавозими [52; 390 б.];

тьютор (лот. “tutor” — ҳимоячи, васий). Ўқитувчи-консультант ёки ўқувчига индивидуал ўқишини ташкил қилишда ёрдам берувчи ва муайян ўқув дастур доирасида ўқув жараёнига ўқув-методик раҳбарликни амалга оширувчи куратор [48];

тьютор (ингл. “tutor” — репетитор, мураббий). Талабаларга таълим олиш жараёнини энг яхши натижа берадиган даражада ташкил қилишга ёрдам берувчи ўқитувчи, мураббий [17];

тьютор — гуруҳ раҳбари лавозимида мос келадиган, лекин ўқувчиларнинг қобилиятларини тест синовлари орқали аниқлаш асосида касб танлашга тайёрлаш мақсадида ҳар бир ўқувчи учун қулай фаолият шароитларини яратиш функцияларига эга бўлган лавозим ҳисобланади [53; 152 б.].

Айрим электрон луғатларда тьюторнинг мавқеи интернет-муҳити нуқтаи назаридан қаралган, бу ерда тьютор ўқитувчи-маслаҳатчи сифатида курсни самарали ўрганишни ташкил қилиш, семинарлар ўтказиш, ёзма топшириқлар бўйича шарҳлар бериш, ўз-ўзининг мустақил ўрганиш жараёнини тартибга солиш, тажриба алмашиш учун юзма-юз машғулотлар ўтказиш ва фаол ўқитиш усуллардан кенг қўлланилиши назарда тутилган [16].

Изоҳли луғатларда юқоридаги каби умумий таърифлар билан биргаликда масофавий таълимга мос таърифлар ҳам келтирилган.

тьютор (ингл. “to tutor” — ўқитмоқ, таълим бермоқ, хусусий дарслар бермоқ, раҳбарлик қилмоқ, васийлик қилмоқ, кураторлик қилмоқ). **Тьютор** масофавий таълимда асосий шахс, бошқаларнинг фикрлашини мувофиқлаштирувчи, йўналтирувчи ҳисобланади. Андрогогика, педагогика ва психологиянинг назарий қоидаларига асосланади [51];

тьютор сўзининг маъноси малака ошириш тизимига оид луғатларда — «ўқитувчи-консультант» деб изоҳланган ва у тингловчиларнинг малака ошириши жараёнида ҳамроҳ сифатида фаолият юритиши таъкидланган [15].



Изоҳли луғатлардан ташқари, соҳанинг бир қатор олимлари ва бошқа мутахассислари томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида тьютор сўзига қуйидагича таърифлар берилган:

Ю.Л.Деражне томонидан «**тьютор** очик таълим тизимида мураббий, методист, консультант функцияларини бажарадиган муҳим компонент ҳисобланиши» [22];

Т.И.Конянина томонидан «**тьютор** — бу мустақил билим олиш жараёнига, якка тартибдаги таълимга оид изланишга қўмаклашувчи, қўллаб-қувватловчи, индивидуал таълим лойиҳалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни қўллаб-қувватловчи» [36];

П.Г.Щедровицкий томонидан **тьютор** — бу «ўқувчига индивидуал таълим дастурини ишлаб чиқишда, унга таълим жараёнининг ўзига ва унинг алоҳида элементларига мослашишида ёрдам бера оладиган консультант ...» [63];

С.А.Щенников томонидан «**тьютор**» ўқитувчи-консультант сифатида — таълим ва мустақил таълим олишни ташкил этувчи мутахассис» [65];

Л.Рылова томонидан “**тьютор** позицияси таълим олувчининг билим олишини ўзи белгилаш жараёнини қўллаб-қувватлашнинг махсус шакли (мақсадни белгилаш, ҳаракатни рефлексив таҳлил қилиш ва ўзини-ўзи баҳолаш, таълим йўлида ўзини-ўзи назорат қилиш ва бошқа) ва индивидуал таълим траекториясини (дастури) яратиш учун ресурсларни қидиришни белгилаш;

Н.Жевакина томонидан **тьютор** фаолияти масофавий ўқитиш шароитида ўқитувчининг касбий фаолиятининг ихтисослашуви сифатида қаралади. Ушбу турдаги ўқитувчиларни тайёрлаш учун уларнинг коммуникатив, аналитик, рефлексив кўникмаларини ривожлантириш, виртуал муҳитда ишлашга психологик тайёрлиги, кўмаклашиш кўникмаларини ривожлантириш (масофавий таълим тизимининг талаблари ва бошқа иштирокчилари орасида ахборот алоқаларини ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш, турли муаммоларини тартибга солиш, низоларни ҳал қилиш), ўқувчиларни янги таълим шаклига мослаштириш [26].

Т.М.Ковалева томонидан «**тьютор** — бу индивидуаллаштириш тамойили асосида ишловчи ва индивидуал таълим дастурини тузиш ва амалга оширишга кўмаклашувчи алоҳида педагог» [38] деган фикрлар билдирилган.

Олимлар ва соҳа мутахассислари томонидан тьютор ҳақида турлича таърифлар берилганлигига қарамасдан, кўпчилик мутахассислар томонидан ҳозирги кунда жаҳон миқёсида ҳамда амалиётда кенг тарқалган Т.М.Ковалёвнинг **тьюторлик — бу педагогик кўмаклашишнинг алоҳида тури — уочиқ таълим жараёнида ўқувчини индивидуаллаштириш жараёнига кўмаклашишдир**, деган фикрини қўллаб-қувватлаш мумкинлиги алоҳида қайд этилганлигини [62, 65] кўриш мумкин.



Тьютор тушунчаси бўйича республикамізда ҳам бир қатор тажрибалар мавжуд бўлиб, илмий тадқиқот ишлар ва давлатимиз томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатларда қуйидагича таърифлар берилган:

Жумладан, давлатимизда ушбу соҳа бўйича тадқиқот олиб борилган илмий тадқиқотчи олимлар сифатида А.Асқаров, А.Ибраймовишларида “**Тьютор** (ўқитувчи-консультант) — масофадан малака ошириш ўқув жараёнида тегишли ўқув модули бўйича тингловчилар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва бошқарувчи, методик ёрдам кўрсатувчи, ўқиш ва билиш назоратини амалга оширувчи ҳисобланиши” ҳамда тьюторлар масофавий малака оширишда **4 та** ўқитиш шакли бўйича фаолият олиб борилиши таъкидланган [14, 29]. Жумладан, **биринчи** — ўқув материалларини мустақил ўқиш ва мавзуларга оид ижодий топшириқларни бажариш, **иккинчи** — тармоқ орқали машғулотларда

иштирок этиш, **учинчи** — тармоқ орқали оралиқ назорат ишларини бажариш, **тўртинчи** — контакт-сессия машғулотларида иштирок этишдан иборат.



Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатларда тьюторлик фаолияти бўйича қуйидаги таърифлар берилган ва вазифалар белгиланган:

масофавий шакл бўйича ўқитиш жараёнида тингловчилар фаолияти, таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва бошқариш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибидан таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан бириктириладиган **тьютор (ўқитувчи-консультант)** томонидан амалга оширилади [2, 3];

–тингловчилар билан доимий алоқа боғлаш, тингловчиларга зарур методик ёрдам бериш, якка тартибдаги машғулотни бажариш юзасидан назоратни амалга ошириш ва тингловчилар билимларини баҳолаш **тьюторнинг** вазифаларига киради. **Тьютор** якка тартибдаги топшириқнинг тингловчи томонидан бажарилиши холисона баҳоланиши учун жавоб беради [3];

–**тьютор (педагог ўқитувчи-консультант)** — масофавий малака ошириш таълим жараёнида тегишли ўқув модули бўйича тингловчилар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва йўналтирувчи, методик ёрдам кўрсатувчи, ўқиш ва билиш назоратини амалга оширувчи субъект [4, 6].

–фан соҳалари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг касбий мулоқот майдончаларини яратиш, таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни кенг жалб этиш ҳамда «тьюторлик» ташкилий-методик ёрдам тизимини жорий этиш орқали талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантириш [7].


Республикамиздаги мавжуд тажрибаларда тьюторлик фаолияти асосан педагог ўқитувчи-консультант сифатида масофавий малака ошириш таълим жараёнида тегишли ўқув модул бўйича тингловчилар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва йўналтирувчи, методик ёрдам кўрсатувчи, ўқиш ва билиш назоратини амалга ошириш ишларини бажарадиган субъектлиги ҳамда талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини ривожлантиришга қаратилганлиги таъкидланган.

Юқорида таъкидланганлардан, хорижий, маҳаллий тажрибаларни таҳлил қилиш натижаларига кўра, «тьютор» сўзига репетитор, куратор, таълим муассасасидаги тарбиячи, ҳимоячи, васий, мураббий, тьютор (ўқитувчи-консультант), ўзини-ўзи ривожлантириш учун индивидуал таълим траекториясини тузишда консультантлик қилиш, ташкилий, методик функцияларини акс эттирувчи субъект сифатида таърифлар берилганлигини кўриш мумкин.

Умуман олганда, масофавий ўқитиш шароитида тьютор таълим олувчига онгли равишда билим олиш усулини танлашда ёрдам кўрсатиш, фикрлари ва ғояларини мувофиқлаштириш, бошқариш, мустақил ўқиб билим орттириш жараёнида юзага келадиган муаммолар ва қийинчиликларни муҳокама қилиш, ечимини топишда кўмаклашиш, таълим олишни индивидуаллаштириш учун шароитлар яратиш, таълим олувчиларнинг масофавий курс ўқув порталида ўқув материалларини мустақил ўқиш ва мавзуларга оид ижодий топшириқларни бажариш, тармоқ орқали машғулотларда иштирок этиш, тармоқ орқали оралиқ назорат ишларини бажариш, контакт-сессия машғулотларида иштирок этиш каби йўналишларда фаолият юритиши назарда тутилади.


1.3. Ўқитувчи ва тьюторнинг фарқлари

Маълумки, ҳозирги кунда давлатимизда тьюторлик фаолияти тўлақонли алоҳида касб сифатида қайд этилмаган ва таълим муассасаларда бу фаолиятни юритадиган алоҳида расмий мақомга эга бўлган тьюторлар мавжуд эмас. Шунинг учун исталган таълим муассасада бу вазифани ўқитувчи бажаради ва ўз навбатида ўқитувчи зиммасига тьюторлик фаолиятини юритиш кўникмаларига оид айрим алоҳида вазифалар, функциялар юкланишига тўғри келади. Бу борадаги масалаларга аниқлик киритиш мақсадида ўқитувчининг тьюторлик ёрдам кўрсатишга тайёргарлиги бўйича мавжуд тажрибаларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.



Мавжуд адабиётларда тьюторлик ёрдам кўрсатишга тайёргарлик – мотивацион, когнитив, операцион, рефлексив компонентлар ўзаро муносабати ифодаланадиган сифатли, тизимли, динамик ҳолатидир деб таъкидлаган [50].

Ўқитувчининг тьюторлик ёрдам кўрсатишга тайёргарлиги компонентлари ва унинг мазмун-моҳиятини қуйидаги расм ва унга берилган қисқача изоҳларда кўриш мумкин (9-расм).



9-расм. Ўқитувчининг тьюторлик ёрдам кўрсатишга тайёргарлиги компонентлари

Мазкур компонентларнинг мазмун-моҳияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

Мотивацион компонент ўқитувчининг тьюторлик фаолиятини бажаришга онгли равишдаги муносабати, ўз касбий фаолиятдан қониқиши, тьюторлик ёрдам кўрсатишнинг ижтимоий аҳамиятини англашини ўз ичига олади.

Когнитив компонент тьютор ролини бажараётган ўқитувчининг касбий-педагогик билимларини ўз ичига олади. Уларни тьюторлик ёрдам кўрсатишнинг методологияси, спецификаси ва хусусиятлари сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Операцион компонент ўқитувчининг тьюторлик фаолиятини бажариши бўйича кўникма ва малакалар комплексини ўз ичига олади, тьютор ҳатти-ҳаракати йўналиши, мақсадларга эришиш учун усуллар ва йўллар йиғиндисидан иборат бўлади.

Рефлексив компонент тьюторлар ўз фаолиятини таҳлил қилиш ва натижаларини англаш жараёни. У якуний натижада муаммонинг моҳиятини ўз нуқтаи назаридан англаш, юзага келадиган бирорта муаммони ҳал қилиш билан изоҳланади.

Ушбу компонентларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларидан кўриш мумкинки, **тьютор ўқитувчидан фарқ қиладиган** янги турдаги ўқитувчи бўлиб, масофавий курсларда ўқув материалларини мустақил ўқиш ва мавзуларга оид ижодий топшириқларни бажариш, асинхрон ва синхрон режимлар орқали машғулотларда иштирок этиш, тармоқ орқали назорат ишларини бажариш, контакт-сессия машғулотларида иштирок этиш жараёнида малакали ёрдам кўрсатиш, ўқув жараёнини мониторинг қилиш ва қайта кўриб чиқиш кўникмаларига эга бўлиши керак бўлади.



Тьюторлик ёрдам кўрсатишнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари акс эттириладиган асосий компонентлар сифатида қуйидагиларни кўриш мумкин [57; 40 б.]:

таълим олувчига индивидуал таълим дастурини шакллантириш ва амалга оширишга кўмаклашиш;

–ҳар қандай юз берадиган муаммоли вазиятларда мустақил ишлаш кўникмасини шакллантириш ва унга шароитлар яратиш;

–таълим олувчининг иқтидорини намоён қилиш ва ижодий ишлари орқали ўзини кўрсатишга бўлган эҳтиёжини қондириш учун шароитлар яратиш;

–тьюторлик фаолиятини амалга ошириш шакллари ва воситаларини тўғри танлаш;

–таълимий натижа ва тьюторлик ёрдам кўрсатишнинг сифатини тегишли мезонлар асосида баҳолаш.

Булар тьюторлик ёрдам кўрсатишнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган компонентлар ҳисобланади.

Тьютор билан ўқитувчи нимаси билан фарқ қилади?

Мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш [21, 39, 43] жараёнида тьюторлик фаолиятининг ўқитувчиликдан фарқли жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари аниқлаштирилди. Бир сўз билан айтганда ўқитувчи ёшлар ва катта ёшдагилар жамоасига белгиланган талаблар асосида фундаментал билим бериш ва уни ривожлантириш ҳамда тарбиялаш ишлари билан шуғулланади. Тьютор эса — фундаментал билим бериш билан шуғулланмайдиган ўқитувчи-консультант ҳисобланади.

Бу масалага кенгроқ аниқлик киритиш мақсадида ўқитувчилик ва тьюторлик фаолияти вазифалари ва функциялари қиёсий таҳлил қилинди (2-жадвал).

2- жадвал

Ўқитувчи ва тьютор вазифалари ва функцияларининг қиёсий таҳлили


Ўқитувчи	Тьютор
Ўқитувчи ДТС, малака талаблари ва бошқалар талаблар асосида таълим олувчиларнинг билим, кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлайди.	Тьютор белгиланган талаблар ва таълим олувчининг қизиқишлари, эҳтиёжлари, муаммолари асосида индивидуал, мустақил таълим олишини қўллаб-қувватлайди.
Ўқитувчи таълим олувчиларнинг белгиланган давлат таълим стандартлари ва бошқа талаблар асосида таълим олиш натижалар учун жавобгар ҳисобланади.	Тьютор таълим олувчининг билим, кўникмаларини индивидуал ривожлантириш ва натижаларга эришишда биргаликда жавобгар ҳисобланади.
Ўқитувчи таълим олувчиларнинг ДТС ва бошқа талабларга мувофиқ билим, кўникмаларга эришишини талаб қилади.	Тьютор таълим олувчиларга индивидуал дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қўмаклашади.

Ўқитувчи таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилишда фанлараро алоқадорлик асосида таълимий натижаларга эришишни таъминлайди.	Тьютор таълим олувчиларга билим олиш стратегиясини онгли равишда танлаш, ўзини ўзи ривожлантириш, муаммоларни енгишида ёрдам беради.
Ўқитувчи таълим олувчиларнинг имкониятлари ва муваффақиятини баҳолашда индивидуал ақлий ривожланишининг нотекислигини ҳисобга олади.	Тьютор таълим олувчиларга индивидуал таълим дастурини реал индивидуаллаштирилган ҳолда амалга оширилиши учун шароит яратади.
Ўқитувчи ўқув фаолиятини мониторинг қилиш асосида ўқув жараёнини қайта кўриб чиқади ва тузатишлар киритади.	Тьютор индивидуал таълим олиш траекториясини мониторинг қилиш натижасида тузатишлар киритишга тавсиялар беради.
Ўқитувчи асосан синф-дарс шаклда реал вақт режимида бевосита юзма-юз фаолият юритади.	Тьютор танланган моделлар асосида реал ва эркин вақт режимда масофадан туриб фаолият юритади
Ўқитувчи таълим воситалари билан биргаликда курснинг асосий манбаси ҳисобланади.	Тьютор курсда асосий мазмунни ўзлаштиришни методик бошқаради.
Ўқитувчи таълим олувчилар билан дарс жадвалда белгиланган соатларда бирга бўлади.	Тьютор таълим олувчилар билан модулни ўзлаштириш давомида мунтазам бирга бўлади.
Ўқитувчи фақат курснинг ўқув материали билан ишлайди.	Тьютор курс материали ва таълим олувчининг муаммолари билан ишлайди.
Ўқитувчи таълим олувчилар билан иерархия (биладиган-билмайдиган) муносабатларини ўрнатади.	Тьютор таълим олувчилар билан шериклик (биргаликда ривожланувчи) муносабатларини ўрнатади.

Мазкур қиёсий жадвалдан кўриш мумкин, ўқитувчи асосан Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, давлат таълим талаблари ва бошқа ўрнатилган талаблар асосида таълим ва тарбия бериш бўйича фаолият юритади, тьютор эса ўзини-ўзи билиш ва ўзини-ўзи ривожлантириш жараёнини ташкиллаштириш, қўллаб-қувватлаш функцияларини бажаради, очиқ таълим учун шароит

яратади, таълим учун индивидуал жавобгарликни шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашади.

Ўқитувчи ва тьютор фаолияти фарқларининг қиёсий таҳлилларига кўра тьюторлик фаолиятининг асосини ташкил қилувчи “калит” сўзларни қуйидагича ажратиш мумкин.



Бунда **қўллаб-қувватлаш** (субъектнинг муаммоларни ҳал этишда мустақиллик ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг алоҳида тури) ва таълимда субъектлик муаммосини ҳал этиш; **қўмаклашиш** (индивидуал таълим дастурлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш ишларига қўмаклашиш); **ҳамроҳлик қилиш** (индивидуал таълим дастурлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш жараёнида ҳамроҳлик қилиш); **йўл-йўриқлар кўрсатиш** (таълим жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни мустақил енгиб ўтишга ўргатиш ва йўл-йўриқ кўрсатиш) каби ишларни амалга ошириши назарда тутилади.

“..... Масофавий ўқитишда тьюторнинг роли асосан таълимда : индивидуаллаштиришни кучайтириш билан боғлиқ функцияни : ажратиб кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан : тьютор фаолиятида жиддий педагогик восита — таълимнинг : индивидуал таълим дастури пайдо бўлади. Айнан шу педагогик : восита тьюторнинг таълим жараёнидаги функцияларини : яққоллаштириш имконини беради.”

“..... Масофавий ўқитишда тьютор таълим олувчи эгаллаши зарур : бўлган билимлар режасига аввалдан эга бўлмаслиги мумкин.”

Ўқитувчилик фаолиятдан фарқли равишда тьюторлик фаолиятида учрайдиган “индивидуал таълим дастури”, “индивидуал таълим маршрути”, “тьюторлик ҳамроҳлик” тушунчаларининг айрим жиҳатларини мавжуд тажрибалар асосида кўриб чиқамиз.

Индивидуал таълим дастури

Индивидуал таълим дастури асосида тьютор томонидан таълим олувчининг «мавжуд бўлган» ва «кутилаётган», ижтимоий ишлаб чиқилган ва субъектли тажрибаси **мувофиқлаштирилиши** назарда тутилади [66].

Индивидуал таълим дастурини амалга ошириш алгоритими куйидагилардан иборат:

- таълим олувчиларнинг эҳтиёжлари, муаммолари, қизиқишларини аниқлаш;

- аниқланган эҳтиёжлар, муаммолар, қизиқишлар ва бошқа омиллар асосида тегишли вазифаларни қўйиш;

- таълим олувчининг индивидуал таълим олиш имкониятлари, шароитларини аниқлаштириш ва амалга ошириш бўйича реал ҳолатни баҳолаш;

- индивидуал таълим траекториясини ташкил қилувчи муайян қадамларни лойиҳалаштириш;

- индивидуал таълим дастури асосида таълим олиш жараёнини амалга ошириш ҳамда умумий жараёни комплекс баҳолаш, тегишли хулосалар чиқариш ва истиқболли таклифлар шакллантириш.


Шундай қилиб, тьютор ёки тьюторлик функцияларини исталган педагог ўзига хос **«ривожлантириш бўйича консультант»** ролини бажаради [67]. Тьюторлик ёрдам кўрсатиш шароитида ўқув жараёнини ташкил қилиш фақатгина таълим олувчиларнинг билим ва кўникмалари сифатини ҳолисона баҳолаш имконини бериб қолмай, таълим жараёнининг муваффақиятли бўлиши томонидан мустақил таълим олиш фаолиятини эгаллашга ҳам кўмаклашади.

Индивидуал таълим маршрути

Индивидуал таълим маршрути тушунчаси масофавий ўқитиш жараёнида тьюторлар фаолиятида фойдаланилади. Бунга мавжуд адабиётларда бир қатор олимлар ва бошқа мутахассислар томонидан изоҳли тушунтиришлар келтирилган.

Жумладан, М.Л.Соколова талаба томонидан таълим дастурини ўзлаштиришда унинг таълим олиш тажрибаси ва имкониятларига таянган ҳолда таълимий вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган жараён сифатида таъкидланган [54; 68 б.]. Шу нуқтаи назардан, «индивидуал таълим маршрути»ни бутун таълим жараёни доирасида ҳам ва алоҳида олинган ўқув модули доирасида ҳам қараш мумкин.

Индивидуал таълим маршрутининг **структураси қуйидаги компонентларни ўз ичига олади** [62]:



10-расм. Индивидуал таълим маршрути компонентлари

Мазкур индивидуал таълим маршрути компонентларининг мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат:

–**диагностик компонент**да таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларидаги бўшлиқлар ва унга кўмаклашиш керак бўлган жиҳатлари аниқланади;

–**мақсадли компонент**да давлат таълим стандартлари ва таълим олувчининг мотивлари, эҳтиёжлари асосида ифодаланадиган таълим олиш мақсадлари қўйилади;

–**ташкилий-педагогик** компонентда педагогик мақсадларга эришиш шартлари ва йўллари белгиланади;

–**мазмунли компонент**да ўқув фанлари тузилишини асослаш ва мазмунини танлаш ва уларни тизимлаштириш, гуруҳлаштириш ҳамда ўқув цикллари, ўқув фанлари, модуллари орасидаги ички боғлиқликларини ўрнатиш ишлари амалга оширилади;

–**технологик компонент**да фойдаланиладиган педагогик технология, методика, шакллар, таълим ва тарбия тизимлари белгиланади.

Мазкур компонентларнинг ўз ўрнида тўлақонли бажарилиши индивидуал таълим маршрутини сифатли амалга оширилишига хизмат қилади.

Тьюторлик ҳамроҳлик

Тьюторлик фаолиятида **ҳамроҳлик** тушунчаси мавжуд бўлиб, унга мавжуд адабиётларда «Ҳамроҳлик қилиш – ким биландир йўлдош ёки кузатувчи сифатида биргаликда ёнма-ён боришдан иборат»лиги таъкидланган [49].

«**Ҳамроҳлик**» атамасининг этимологик маъносини сақлаган ҳолда тьюторлик ҳамроҳлик — индивидуал таълим дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш жараёнида таълим олувчи билан ёнма-ён ҳаракат қилиш ва зарурий ёрдам кўрсатиш, таълимий эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширишда кўриш мумкин.

Тьюторлик ҳамроҳлиги бўйича фикрлар бир қатор олимлар ва бошқа мутахассислар илмий тадқиқот ишларида ёритилган ва унинг **асосий концептуал қоидалари** куйидагича ажратиб кўрсатилган [39]:

- таълим олувчининг шахсий қизиқишлари, муаммолари ва бошқа эҳтиёжлари бўйича мустақил билим олиш зарурлигини тан олиш ва у бўйича индивидуал таълим дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифати учун барча жавобгарликни қабул қилиш;

- тьютортаълимолувчигаиндивидуалтаълимолиштраекториясини танлашда ёрдам кўрсатади ва қўллаб-қувватлайди ҳамда унга ўз фикрини мажбурлаш орқали ўтказмайди, балки йўналишларни белгилашига кўмаклашади.

Тьютор фаолиятининг юқорида баён қилинган концептуал қоидаларидан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, **тьюторлик фаолияти** — бу таълимни индивидуаллаштириш бўйича таълим олувчининг таълим олишга оид мотивлари ва қизиқишларини ойдинлаштиришга, индивидуал таълим дастурини яратиш учун ресурсларни излашга, таълим олувчининг билим ва кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган буюртмаси билан ишлашга йўналтирилган педагогик фаолият ҳисобланади.

Замонавий таълим тенденцияларидан бири тьюторнинг таълим жараёнининг тўлақонли иштирокчиси сифатида мавқеини мустақамлашдир. Бу ҳозирги кунда таълим тизимини индивидуаллаштириш жараёни бўйича тенденциялар билан боғлиқ ҳисобланади. Таълим жараёнини индивидуаллаштириш тьюторларни ва умуман таълим муҳитида таълим олувчиларнинг индивидуал

психологик, билим ва физиологик хусусиятларига йўналтиришни ўз ичига олади. Таълим олувчи ўзининг таълим фаолиятини ташкил этишда тобора кўпроқ мустақилликка эришмоқда ва таълим муассасаси олдида унинг салоҳиятини бошқаришни таъминлаш вазифаси турибди. “Инсон салоҳиятини бошқариш муаммоси таълим соҳасидаги инновацион тенденцияларини акс эттириш, жамият ва педагогика фанидаги модернизация жараёнларига мос келади” [64; 44 б.].

Шу нуқтаи назардан, тьюторлик фаолияти “тьютор ва унинг субъектлари томонидан қабул қилинадиган ва таълим муассасасида таълим олувчилар ривожланишининг индивидуал траекториясини бошқариш воситаси сифатида хизмат қиладиган таълим, тарбия ва ривожлантириш чоралари тизими” деб тушунилиши мумкин [25; 99 б.].

.....
Компетентли тьюторлик фаолиятини махсус тайёргарлик кўрган профессионал – тьютор амалга ошириши мумкин.

Мавжуд адабиётларда тьюторлик фаолиятини масофавий таълимга жорий этишга **кўмаклашувчи омиллар** сифатида таълим олувчиларда мустақил фаолият кўникмалари, мақсадли ҳаракат, мустақил ташкил қилиш ва режалаштириш кўникмалари йўқлиги, ахборот-хабардорлик компетентлиги даражаси етишмаслиги таъкидланган [18].

Шунинг учун, масофавий ўқитишда компетентли **тьютор бўлиши учун ўқитувчилик касбидан фарқли равишда қуйидаги каби алоҳида кўникмаларга эга бўлиши лозим:**

ташхислаш кўникмаси сифатида таълим олувчининг эҳтиёжлари, қизиқишлари, муаммолари ва бошқаларни ўрганиш орқали ўқув дастур тузиш, ўқув материаллар ишлаб чиқиш, талаб ва таклифларга кўра мунтазам такомиллаштириб бориш кўникмасига эга бўлиши;

ташкilotчилик кўникмаси сифатида масофавий курсларнинг модуллари бўйича ўқув режа, дастурлар ва машғулотлар жадвалларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, синхрон ва асинхрон ҳамда ҳамкор муассасаларда сайёр машғулотларни интерфаол шаклларда ташкил этиш чораларини кўриш, таълим олувчининг назорат топшириқларини бажариши ва якуний назоратга тайёргарлик кўришларини таъминлаш;

башоратчилик кўникмаси сифатида курсларни ташкил этиш ва ўқув жараёнини амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлар, муаммоларни аввалдан тасаввур қилиш, курсни муваффақиятли тугатиш омилларини инобатга олган ҳолда тўғри режалаштириш учун таклифлар ва ғояларни олға суришни билиш;

лойиҳалаштириш кўникмаси сифатида курс мазмунини масофадан ўқитишнинг хусусиятларига мос равишда ва таълим олувчи учун ўз имкониятини «синаб кўриш»га қаратилган ҳолда лойиҳалаш, ахборот-коммуникация технологиялари воситалари имкониятларидан кенг фойдаланишни билиш;

амалга ошириш кўникмаси сифатида масофавий ва аралаш малака ошириш курсларида синхрон, асинхрон ва бошқа амалий машғулотларни олиб бориш, таълим олувчининг ўқув фаолиятини мунтазам кузатиб бориш ва натижаларини таҳлил қилиш ҳамда тегишли хулосалар чиқаришни билиш;

коммуникативлик кўникмаси сифатида ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ва Интернет тармоғида ахборот билан ишлаш, саралаш ҳамда уларни педагогик вазифаларни ҳал қилиш учун амалда қўллашни билиш, шунингдек, барча субъектлар билан ўзаро интерфаол мулоқотни ташкил қилиш, электрон алоқа дастурлари билан ишлаш кўникмасига эга бўлиши;

маслаҳатчилик кўникмаси сифатида таълим олувчига модул бўйича қўйилган мақсадлар ва натижаларга эришишда методик ёрдам кўрсатиш, ўқув материалларни ўзлаштириш ва назорат ишларини бажариш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиш, мунтазам қайта алоқа ўрнатиш, гуруҳлар кесимида ва индивидуал равишда консультациялар бериш, савол-жавоблар ўтказиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини амалга ошириш, таълим олувчининг индивидуал таълим олиш дастурларини тузишга кўмаклашиш;

аналитик-рефлексив кўникмаси сифатида таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва унга ўз вақтида муносабат билдириш, қўйилган таълим мақсадларни қайта таҳрирлаш, билим ва кўникмаларни ривожлантириш бўйича зарурий қарор қабул қилишни билиш;

техник воситалар билан ишлаш кўникмаси сифатида ахборот-коммуникация технологиялари воситалари, турли хил дастурлар, мультимедиа воситалар билан ишлашни билиш;

шахсий ривожланиш кўникмаси сифатида мустақил ўқиб билим орттирувчи шахс бўла олиш, таълимга оид вазифаларни амалга ошириш учун ахборот-коммуникация технологияларидаги ва ўз фани, модули бўйича энг янги ютуқларни кузатиб бориш ва уларни амалда қўллашни билиш керак.

Тьюторлик фаолиятини юритишда юқоридаги каби кўникмаларга эга бўлиши профессионал тьюторлик фаолиятини юритишга хизмат қилади.

Ў.Б.БОБ.

**МАСОФАВИЙ ҚИТИЩДА
ТЪЮТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
АСОСЛАРИ**

2.1. Масофавий ўқитиш моделлари асосида тьюторлик фаолиятининг ўрни ва аҳамияти.

Масофавий ўқитиш жараёнида ўқитишнинг барча компонентлари мақсад, мазмун, метод, шакл, воситалар ҳамда энг асосийси ўқитиш моделлари амалиётда қўлланилиши назарда тутилади. Шунинг учун ҳам масофавий ўқитиш моделларини аниқлаштириш ва улардан узлуксиз таълим тизими турларида таълим олувчиларнинг ўзига хос хусусиятларига мос равишда тўғри фойдалана олиш зарур.

Бу фикрларнинг нақадар тўғрилигини масофавий ўқитиш соҳаси бўйича етакчи мутахассис Е.С.Полат “Фанлар спецификаси ўқитиш мазмуни ва структурасини белгилабгина қолмай, балки ўқитишнинг танланган моделида ҳам ўз аксини топади” деб билдирган [23; 14-6.] фикрлар билан асослаш мумкин.

Маълумки, мавжуд адабиётларда масофавий ўқитиш моделлари етарлича ёритилган, бунда айнан масофавий ўқитиш моделлари асосида тьюторлик фаолиятини ташкил этишнинг ўрни ва аҳамиятини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Изданишлар жараёнида масофавий ўқитишда алоҳида тьюторлик фаолиятини ташкил этиш, тьюторлик ёрдам кўрсатиш модели бўлиши мумкинми деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилинди. Агар мавжуд бўлса, бу тьюторлар ва таълим олувчилар ўқув фаолиятини максимал даражада тизимлаштириш ва тартибга солишга хизмат қилиши мумкин. Бу масала юзасидан халқаро ва маҳаллий адабиётларни таҳлил қилинади.



Мавжуд адабиётларда масофавий ўқитиш бўйича олимлар ва мутахассислар томонидан тьюторлик ёрдам кўрсатиш моделлари классификация қилинганлиги ва унга қисқача изоҳлар берилганлигини кўриш мумкин [59 б].

Жумладан, тьюторлик ёрдам кўрсатиш моделлари методологик, технологик, ташкилий-педагогик, функционал моделлар сифатида **классификация** қилинган (11- расм).



11-расм. Тьюторлик фаолияти моделлари классификацияси

Мазкур моделларнинг мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат:

методологик моделлар — тьюторлик фаолиятида ёрдам кўрсатиш тизими ва унинг элементларининг мавжудлиги ва ривожланиши асосида ётадиган таянч фалсафий тушунчалар, тамойилларни аниқлайди ва белгилаб беради;

технологик моделлар — тьюторлик фаолиятида ёрдам кўрсатишнинг методологик моделини амалиётга жорий қилиш босқичларини ва уларнинг кетма-кетлигини аниқлайди ва белгилаб беради;

ташкилий-педагогик моделлар — таълим жараёнида тьюторлик ёрдам кўрсатиш йўллари ва усулларини аниқлайди ва белгилаб беради;

функционал моделлар — тьюторлик ёрдам кўрсатиш бўйича илмий концепциялар ва уни таълим жараёнига самарали жорий қилиш тажрибалари ҳамда бошқа педагогик фаолиятдан фарқланадиган функциялар назарда тутилади.

Бу моделлар айнан тьюторлик ёрдам кўрсатишнинг мазмун-моҳияти, умумий тузилиши, амалга оширилиши ва бошқа жиҳатларини акс эттиришда концептуал қоидалар ҳисобланади. Шу ўринда савол тўғилади, тьюторлик фаолиятини ташкил этиш моделлари билан масофавий ўқитиш моделларининг фарқи борми? Бу саволга жавоб топиш мақсадида мавжуд адабиётларнинг таҳлил қилинганида ҳам аниқ бир фарқланадиган моделларни кузатиш қийин. Фақат масофавий ўқитиш моделлари асосида тьюторлик фаолиятининг ўрни ва аҳамиятларини кўриш мумкин ва бу ўз навбатида ҳар иккала ҳолатда ҳам катта фарқлар сезилмасдан, масофавий ўқитиш ва тьюторлик фаолияти моделлари ўзаро чамбарчас эканлигини

кўриш мумкин. Шунинг учун масофавий ўқитиш моделлари ва унда тьюторлик фаолиятининг амалга оширилиши ҳолатларини кўриб чиқамиз.

Масофавий ўқитиш моделлари бўйича бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилган [13, 23, 30, 44, 47, 56] ва уларда модел хусусиятлари, афзалликлари ва бошқа моделлардан фарқлари ва уларни интеграциялаш имкониятлари, амалиётда қўллаш орқали эришиладиган самарадорлик даражалари ва бошқа масалалари бўйича етарлича маълумотлар берилган. Жумладан, масофавий ўқитиш соҳасида етакчи мутахассислардан бири И.Ибрагимов моделлар бевосита ўқитишда қўлланиладиган қуйидаги технологик, ташкилий-педагогик **компонентларга** боғлиқлигини таъкидлайди [30].

Биринчи компонент бевосита ўқув материалларни ишлаб чиқиш, узатиш, тизимлаштиришда қўлланиладиган ахборот технологияларини ўз ичига олади. Уларни шартли равишда иккита тоифага бўлиш мумкин:

- интерфаол (электрон дарсликлар, ўргатувчи дастурлар, маълумотлар, билимлар базаси, web-сайтлар, аудио, видео воситалар ва бошқалар);

- ноинтерфаол (босма материаллар, аудио, видео файллар ва бошқалар).

Бу компонентда тьютор ўзига тегишли модул бўйича электрон дарсликлар, ўргатувчи дастурлар, аудио, видео воситалар, босма материаллар ва бошқа шу каби электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиши ёки ишлаб чиқишда фаол иштирок этиши ёки тегишли мутахассис, муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган электрон таълим ресурсларини амалиётга жорий этишда иштирок этиши мумкин.

Иккинчи компонент ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган усул ва услубларни қамраб олади. Масофавий ўқитишда қўлланиладиган услубларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тьютор иштирокисиз ўқитиш методикаси ёки мустақил ўқиш (ўқитишда тьютор фаолиятини минималлаштириш ёки электрон таълим ресурсларидан мустақил фойдаланиб ўқитиш методикаси);

- индивидуаллаштирилган ўқитиш ва ўқиш методикаси (якка таълим усулида ўқитиш: тьютор — таълим оловчи ёки таълим оловчи — таълим оловчи);

- тьютор ёки эксперт ёрдамидан фойдаланиб ўқитиш методикаси

(ўқитишда асосий вазифани ўқув материалларини етказиб берувчи ахборот технологиялари бажаради);

–ўқув жараёнида иштирок этувчиларнинг фаол ҳамкорлигига асосланган ўқитиш методикаси (ҳамкорликда ўқитиш: тьютор — таълим олувчилар ва таълим олувчилар — таълим олувчилар).


Бу компонентда тьюторлик фаолиятининг ўрни ва аҳамияти етарлича ёритилганлигини кўриш мумкин.

Учинчи компонент эса, таълим муассасаси тузилмасининг ўзига хослиги билан тавсифланади. Жумладан, университетда ташкил этилган масофавий ўқитиш бўлимлари, университетлар конкорциуми, очиқ университетлар, виртуал университетлар ва бошқалар. Бу компонентда ҳам тьюторлик фаолиятининг ўзига хос ўрни ва аҳамият мавжуд бўлиб ҳисобланади.


Мазкур компонентлардан кўриш мумкинки, масофавий ўқитишда моделлар турлича бўлиб, таълим жараёнида турли мақсадларга эришиш учун фойдаланиш мумкин. Шунингдек, кейинги вақтлари масофавий ўқитиш моделлари билан анъанавий ўқитиш моделлари интеграциялашган ҳолда амалга ошириш самарали ҳисобланмоқда. Шундай бўлса ҳам масофавий ўқитиш тизимига оид моделларни амалда мавжуд бўлган тажрибалар асосида қуйидагича батафсил кўриб чиқиш мумкин.



Анъанавий ўқитиш модели кундузги ўқитиш машғулотларига қатнаб ўқиладиган синф-дарс тизими назарда тутилади. Синф-дарс шаклининг ўқув жараёни қатъий ўрнатилган дарс жадвал, назорат, мунтазам давомат асосида олиб борилиши бизга маълум.



Масофавий ўқитиш модели тьютор билан таълим олувчилар орасидаги муносабатлар масофадан туриб ташкил этиладиган ва ўқув жараёни ўзига хос специфик интерфаол ўқитиш технологиялари асосида амалга ошириладиган таълим шакли ҳисобланади.



Аралаш ўқитиш модели юқоридаги иккита моделнинг аралашмаси ҳисобланади. Бунда таълим олувчилар бирламчи билимни масофавий курсларда мустақил олади, синф-дарс шаклида эса олинган билимини тьютор билан биргаликда амалда қўллашни ўрганади.



Оммавий очик онлайн курслар (МООС) масофавий ўқитиш моделининг бошқа кўриниши бўлиб, бу жаҳон таълим тизимидаги оммалашган тенденциялардан ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, юқорида таъкидланган анъанавий, масофавий, аралаш ва очик шаклда ўқув жараёнини ташкил этишга оид моделларни таълим тизимида қўйилган мақсадга эришиш йўлида жуда кенг фойдаланиш мумкин.

Шунинг учун биз анъанавий ўқитиш моделидан ташқари, масофавий, аралаш ва оммавий очик онлайн курслар моделларини амалиётда қўлланилиши ва унда тьюторлик фаолиятининг ўрни ва аҳамиятини кўриб чиқамиз.

Масофавий ўқитиш модели

Масофавий ўқитиш модели сифатида мавжуд адабиётларда корреспондентлик, кейс, телевидение, тармоқли, мобилъ ўқитиш моделлари ҳамда синхрон ва асинхрон режимларда ўқитиш бўйича маълумотлар етарлича ёритилган.

Ушбу масофавий ўқитиш моделларининг (бу моделлар айрим манбаларда технологиялар деб ҳам юритилади) ҳар бирини алоҳида амалиётда қўлланилишини ва унда тьюторлик фаолиятининг ўрни ва аҳамиятини атрофлича муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ.

Корреспондентлик таълим. Тьюторлар ва таълим олувчилар орасидаги ўзаро фаолият тўлиғича почта орқали ёзишмалар воситасида ўтади ва юзма-юз мулоқот ҳам ва видео ёки аудио алоқа воситалари ёрдамидаги мулоқот ҳам ўтказилиши назарда тутилмайди.

Корреспондентлик таълим масофавий ўқитишнинг энг бошланғич усулларида бири бўлиб, ўқув жараёнида тьютор билан таълим олувчи орасидаги ўзаро фаолиятни тўлиқ анъанавий почта орқали ёзишмалар асосида амалга ошириш назарда тутилади ва бу усулдан ҳозирги кунда деярли фойдаланилмайди, лекин имконияти чекланган ўқувчиларни соғлом ўқувчилар билан биргаликда ўқишини ташкил этиш мақсадида ушбу ўқитиш усулидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин.



Кейсли ўқитиш. Бу ўқув-методик материалларнинг махсус тўплами “кейс” кўринишида таълим олувчига мустақил ўрганиш учун берилади ва унга тьютор томонидан вақти-вақти билан маслаҳатлар бериб, ўзлаштирилган билим, кўникма белгиланган жадвал асосида назорат қилиб борилади.

Тьюторлар билан юзма-юз учрашув белгиланган кунларда амалга оширилади, бошқа вақтларда эса керакли маслаҳатни турли алоқа воситалари орқали олиши мумкин. Курс якунида имтиҳонлар юзма-юз ёки тегишли алоқа воситалари орқали амалга оширилади.



Телевизион ўқитиш. Таълим жараёнини ташкил қилиш учун телевидение қувватлари, имкониятлари ва ресурс потенциалидан фойдаланиш орқали масофадан ўқитиш назарда тутилади.

Таълим беришнинг анъанавий усулига қараганда телевидение орқали таълим бериш қатор афзалликларга эга. Биринчидан, таълим бериш сифати анча юқори, чунки машғулотлар юксак малакали педагоглар томонидан тайёрланади. Иккинчидан, телевидение орқали маъруза вақтида анча кўп кўргазмали воситалардан фойдаланиш имкони туғилади. Учинчидан, телевизор орқали берилган маърузаларни айти бир вақтнинг ўзида минглаб таълим олувчилар кўриши мумкин.

Бу усул узоқ туманларда яшагани боис тажрибали тьюторлар маърузасидан ва янги ўқув дарсликлардан фойдаланиш имкони кам бўлганлар учун қўл келади. Анъанавий ўқитиш усулига таққослаганда телевизион таълимнинг камчилиги шундан иборатки, бунда шахсий мулоқотлар, тьютор ва таълим олувчи ўртасида ўзаро алоқа мавжуд эмаслиги, ушбу ўқитиш усулининг камчилиги сифатида қайд этилади.



Тармоқли ўқитиш. Тармоқли технология таълим олувчиларни локаль ва глобал тармоқлар орқали ўқув-методик материаллар билан таъминлаш ҳамда турли хил интерфаол алоқалар воситасида тьютор билан таълим олувчининг ўзаро ўқув фаолиятини ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Бу бугунги кунда истиқболи порлоқ ва ривожланиб бораётган масофавий ўқитиш технологияси ҳисобланади. Чунки у масофавий курсни ташкил қилиш учун, ахборот-коммуникация технологиялари воситалари, Интернет тармоғининг имкониятларидан кенг фойдаланиш имконини яратади.



Мобиль ўқитиш. Бунда тьютор ва таълим олувчиларнинг алоқаси ва таълим олиш жараёни мобиль телефон орқали амалга оширилиши назарда тутилади. Бу усулдан ҳозирги кунда кичик ҳажмдаги масофавий курсларни жорий этишда фойдаланиш мумкин.

Шуни аниқлаштириш керакки, албатта, масофавий курслар тегишли ўқув режалар асосида ташкил этилади. Мобиль ўқитишда эса таълимга оид маълум бир парчаларни ўқиш билан тегишли фанлар ўқув режаси билан барча компонентлар (мазмун, шакл, метод, восита, назорат) асосида ташкил этиладиган курсларни аралаштириб юбормаслик керак.

Шунингдек, юқорида танланган моделлар асосида масофавий ўқитиш курсларини синхрон ва асинхрон режимда амалга ошириш мумкин.



Синхрон ўқитиш — реал вақтда режимда масофавий ўқитиш ҳисобланади. Бундай ўқитишни ташкил этиш воситаларига видеоконференция, чат, вебинар ва бошқа алоқа воситалар асосида реал вақтда маълумотлар олиш, алмашишлар киради.

Синхрон ўқитишда тегишли модуллар бўйича масъул тьюторлар томонидан реал вақт ичида масофавий машғулотлар олиб бориш ва унда турли хил педагогик технологиялардан фойдаланиш назарда тутилади.



Асинхрон ўқитиш — ҳар бир таълим олувчининг ўзи учун қулай бўлган турли вақтларда мустақил ўқиш шаклида амалга оширилади. Бундай ўқитишда таълим олувчилар мустақил равишда ўқув-методик материаллар асосида таълим олади.

Бунда тьюторлар томонидан таълим олувчиларнинг ўқув материалларни ўзлаштириши назорат қилинади ва консултациялар бериб борилади.

Масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятининг асосий мақсади таълим олувчиларга асинхрон, синхрон режимлар ва бошқа ўқитиш моделлари асосида ўқув-методик материалларни талаб даражасида ўзлаштириш, интерфаол машғулотларда иштирок этиш, ўзини ўзи ривожлантириш, индивидуал таълим дастурини лойиҳалаштириш ва амалга оширишда кўмаклашиш, касбий ривожланишида ёрдам кўрсатиш ва олинган назарий билимларни амалиётда қўллаш жараёнини қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Масофавий ўқитишда тьюторнинг асосий вазифаси — масофавий ўқитиш жараёнида тегишли ўқув модули бўйича таълим олувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва мақсадга йўналтириш, методик ёрдам кўрсатиш, ўқув жараёнини кузатиб бориш, қайта алоқани ўрнатиш, консултациялар ўтказиш, ўзлаштиришини назорат қилиш, курснинг охирига қадар ўқишга бўлган қизиқишни қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзига бириктирилган модул бўйича ўқув-методик материаллар

ишлаб чиқиш ҳисобланади. Шунингдек, таълим оловчиларга сифатли таълим олиш учун қулай ижтимоий-психологик ва психологик-педагогик шароитлар яратиш, уларнинг шахсий имкониятлари, қобилиятлари очилишида, ўзини ўзи ривожлантириши, ўзини намоён қилишида ёрдам кўрсатишдир.

Аралаш ўқитиш модели

Аралаш ўқитиш модели масофавий ва анъанавий ўқитиш шакллари интеграция қилиш орқали ўқитишдир. Бу моделнинг самарадорлиги масофавий ва анъанавий ўқитиш технологияларининг энг мақбул бирикувини таъминлаш билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Ҳозирда аралаш ўқитиш энг оммалашган модель ҳисобланмоқда. Унинг афзаллиги шундаки, таълим оловчилар бирламчи (таянч) билимлар ва кўникмаларни электрон курсларда оладилар, аудитория машғулотларида улар қўшимча, янада чуқурроқ билимлар олиш ҳамда олинган билимларини тьютор раҳбарлигида қўллашга ўрганиш имконига эга бўлади.

Аралаш ўқитиш курслари — малака оширишнинг бир қисми масофавий шаклда, иккинчи қисми таълим муассасада ташкил этиладиган машғулотлардан иборат бўлади. Таълим муассасада машғулотлар йўналтирувчи, мустаҳкамловчи хусусиятга эга бўлган амалий машғулот, семинар-тренинг ва интерфаол машғулотлар шаклида ташкил этилади.

Ушбу моделни амалиётда қўллашда тьютор томонидан таълим оловчиларнинг мустақил ўрганишлари учун ўқув модуллар мазмунини ишлаб чиқиш ва уларни ўзлаштиришини назорат қилиш тизимини батафсил ўйлаб чиқиш лозим, чунки, масофавий шаклда мустақил ўзлаштирган билимларини таълим муассасасида мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш жараёнини ўқув курсини режалаштириш жараёнида инobatга олиш зарур.

Масалан, аралаш малака ошириш курсларида таълим муассасасида қуйидагилар контакт-сессия машғулотлари сифатида ўтказилади.

Йўналтирувчи машғулотлар — малака ошириш курси бошланишида йўналтирувчи хусусиятга эга бўлган маъруза, амалий машғулот, семинар-тренинг, лаборатория иши, кучма (сайёр) машғулот ва бошқа интерфаол машғулотлар шаклларида олиб борилади.

Мустаҳкамловчи машғулотлар — малака ошириш курси охирида таълим муассасасида мустаҳкамловчи хусусиятга эга бўлган амалий машғулот, семинар-тренинг, лаборатория иши, кучма (сайёр) машғулот ва бошқа интерфаол машғулотлар шаклларида олиб борилади.

Агар гуруҳдаги барча тингловчиларнинг иш ва яшаш жойлари битта ҳудудда жойлашган бўлса, унда кўчма (сайёр) контакт-сессия машғулотларини ташкил этиш ёки бундай машғулотларни видео алоқа воситалари орқали амалга ошириш мумкин.

МООС

Оммавий очик онлайн курслар (MOOC–Massive open online courses) масофавий таълим моделининг бошқа кўриниши бўлиб, жаҳон таълим тизимидаги оммалашган тенденциялардан бири бўлиб ҳисобланади.

Оммавий очик онлайн курсларнинг асосий мақсади таълимнинг очиклигини таъминлаш орқали кўп сонли таълим олувчиларнинг бепул таълим олишлари учун имконият яратишдан иборат.

Оммавий очик онлайн курсларда таълим олувчи мустақил равишда, яъни тьюторнинг иштирокисиз ўқув материални ўзлаштиришга қодир бўладиган электрон ахборот-таълим муҳити мавжуд бўлиши жиддий шарт ҳисобланишидан келиб чиқадиган бўлсак, шундай таълим айнан оммавий очик онлайн курсларни ўзлаштиришга мисол бўлади. Бу анъанавий курслардан қуйидаги иккита асосий белгиси билан ажралиб туради:

- 1) очиклик — исталган таълим олувчи онлайн курс иштирокчиси бўлиши мумкин;
- 2) масштаб — курсда чекланмаган сондаги таълим олувчилар иштирок этиши мумкин.

Оммавий очик онлайн курслар исталган фан ва соҳани қулай вақтда ва таълим олувчи учун мос жадалликда ўрганиш имконини беради.

Бу моделда таълим олувчи билан тьютор юзма-юз алоқада бўлмайди, аммо бу камчиликни таълим олувчилар жамоаси билан электрон ахборот-таълим муҳитидаги мулоқот тўлдиради. Шунинг учун бу моделдан малака ошириш, мустақил таълим олиш учун фойдаланиш қулай ҳисобланади.

Оммавий очиқ онлайн курслар шартли равишда иккита синфга ажралади: сОООК (коннективистик курслар) ва хОООК (кўринишидан, “Х” авлод билан туғилганлар учун курслар).

сОООК бошқа йўналишга эга. Масалан, таълим олувчилар (тьютор эмас) таълим мақсадларини қўядилар, индивидуал ўқув йўналишини белгилайдилар. Уларнинг биргаликдаги фаолияти, албатта, янги таълим лойиҳасини яратиш билан давом этади. Бундай лойиҳа, эҳтимол, тьюторга ҳам номаълум бўлиши мумкин.

хОООК кундузги таълим фаолиятдан Интернет муҳитидаги айрим хусусиятлари билан нусха кўчиради (имитация қилади). Масалан, хОООК машғулотларининг асосий турлари бу — маърузалар, семинарлар, мустақил ишлаш учун топшириқлар ва бошқалар. Дастурлар курснинг муаллифи томонидан тузилади, унинг ўзи таълим мақсадлари (натижалари)ни белгилайди. Умуман олганда, бу анъанавий кундузги таълимга ўхшаш бўлади.

Бунда тьюторлик фаолияти сОООК, хОООК ўқитиш курсларини амалга ошириш усуллари ва тартиб-қоидалари асосида ташкил этилади.

Шундай қилиб, масофавий ўқитишнинг моделлари турлича бўлиб, улардан масофавий ўқитишни ташкил этишнинг мақсад ва вазифаларига кўра исталган бир модел ёки бир вақтнинг ўзида бир нечта моделдан паралел равишда фойдаланиш мумкин. Бунда масофавий курсларнинг самарали ташкил этилишида тьюторлик фаолиятининг ўрни ва аҳамияти муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятини юритиш алоҳида тайёргарликни талаб этади ва бу таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш ишларини сифатли амалга оширишда зарурдир. Сабаби, анъанавий ўқитишга нисбатан масофавий ўқитиш жараёнида таълим олувчилар асосан мустақил ўқув фаолиятида тьюторнинг ёрдамига ва қўллаб-қувватлашига кўпроқ муҳтож бўлади. Масофавий ўқитишда таълим олувчиларнинг мустақил равишда эркин ёки машғулотлар жадвалларида белгиланган вақтларда таълим олиши назарда тутилади.


2.2. Масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятини ташкил этишнинг асосий тамойиллари ва ёндашувлари

Масофавий ўқитиш жараёни замонавий таълимнинг очиқлиги, билим олишнинг ҳаммага мумкинлиги, жойни ўзгартириш эркинлиги, ахборот жамиятидаги кўникма ва малакаларни мустақил эгаллаш имконияти, таълимнинг узлуксизлиги, ўқитишнинг индивидуаллиги, таълим дастурларининг асослилиги каби демократик ўзига хос хусусиятлари асосида амалга оширилиши назарда тутилади. Бунда тьюторлик фаолиятини ташкил этиш тамойиллари масофавий ўқитишда тьютор ва таълим олувчининг ўқув фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади.



Мавжуд адабиётларда тьюторлик фаолиятини ташкил этишга оид тамойиллар ёритилган ва уларга соҳа олимлари, мутахассислари томонидан атрофлича изоҳлар берилган [39].

Мазкур адабиётларда тьюторлик фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган очиқлик, вариативлик, мослашувчанлик, узлуксизлик, индивидуал ёндашув, индивидуаллаштириш тамойилларини кўриш мумкин (12-расм).



12- расм. Масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятини ташкил этиш тамойиллари

Ушбу расмда акс эттирилган масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятини ташкил этиш тамойилларининг мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат.

Очиқлик тамойили таълим олувчиларнинг таълим-тарбия жараёнига қўйилган талабларга, компетенциялар ва эҳтиёжлари, қизиқишлари, муаммолари, талаб, таклифлари асосида ташкил этиладиган масофавий ўқитиш маконининг очиқлигини таъминлаш назарда тутилади.

Вариативлик тамойили турли хил ўқув дастурлар асосида масофавий курслар яратишни назарда тутати ва ундан таълим олувчилар ўзлари исталган бирини танлаш орқали ўз эҳтиёжини қондириш, энг асосий ва керакли билим ва кўникмаларни ўзлаштиришига имконият яратиш ҳисобланади.

Мослашувчанлик тамойили масофавий ўқитишда таълим олувчи индивидуал таълим дастурининг исталган йўналишида тьюторлик ёрдам кўрсатишга қаратилишида ва утомондан ўзининг таълим олиш усуллари, суръатлари, шакллари танлашдаги исталган ташаббусини қўллаб-қувватлашда намоён бўлади.

Узлуксизлик тамойили узлуксиз таълим тизимида масофавий ўқиш жараёнида таълим олувчиларга тьюторлик ёрдам кўрсатиш ва мустақил равишда таълим олишнинг изчиллиги ва узлуксизлиги таъминланади.

Индивидуал ёндашув тамойили масофавий ўқитишда тьюторлар томонидан ҳар бир таълим олувчининг алоҳида муаммоларини ўрганиш ва уларга индивидуал методик ёрдам кўрсатилиши назарда тутилади.

Индивидуаллаштириш тамойили таълим олувчиларнинг мақсадлари, эҳтиёжлари, қизиқишлари, муаммолари, тажрибаси, тайёргарлик даражаси, ўқиш муддатлари, жойи, вақти ва бошқа омиллари асосида индивидуал таълим олиш дастурларини тузишга кўмаклашиш ишлари амалга оширилиши назарда тутилади.

Шунингдек, индивидуаллаштириш тамойилига асосланганда таълим олувчининг дастлабки билимлари даражаси паст бўлса, бу ҳолда индивидуал дастур амалда базавий дастурни такрорлайди. Агар таълим олувчининг дастлабки билимлари даражаси етарлича юқори бўлса, бу ҳолда индивидуал дастур базавий дастурнинг фақат ўрганилмаган бўлимлари ва мавзулари қисмини ўз ичига олади. Бу

тамойилни реал ўқув жараёнида бажариш учун масофавий ўқитиш тизимида кириш ва жорий назорат турлари ўтказилади. Кириш назорати кейинчалик фақат ўқишнинг индивидуал режасини тузиш эмас, зарур бўлса, таълим олувчининг дастлабки тайёргарлик даражаси паст бўлган ҳолларда унинг муваффақиятли ўқиш имкониятига эга бўлиши учун етишмайдиган билим ва кўникмаларини тўлдириш мақсадларида қўшимча тайёргарлик ўтказиш имконини беради.

Таъкидлаш лозимки, индивидуал ёндашув тамойилини ҳозирги кунда педагогик адабиётларда ва амалиётда кўпинча индивидуаллаштириш тамойили билан **аралаштириб юборилади. Аммо, индивидуаллаштириш ва индивидуал ёндашув тамойиллари** бир-биридан фарқ қилади.

Жумладан, индивидуаллаштириш тамойилида ҳар бир таълим олувчи мақсадлари эҳтиёжлари, имкониятлари, қизиқишлари, мотивациялари асосида ўқув материалларни индивидуал ўзлаштирилиши назарда тутилади. Бу тамойилда тьюторнинг мақсади ҳар бир таълим олувчига индивидуал таълим олиш траекториясини белгилашда ёрдам кўрсатиш ва индивидуал таълим дастурини тузишга кўмаклашишдан иборат бўлади. Индивидуал ёндашув тамойилида эса, ҳар бир таълим олувчининг алоҳида муаммоларини ўрганиш ва уларга индивидуал методик ёрдам кўрсатиш ишларини амалга ошириш назарда тутилади.

Мазкур тамойиллар мавжуд адабиётларда тьюторлик фаолиятини ташкил этишда асос сифатида қайд этилган, лекин биз муаллифлик фикри сифатида масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятини ташкил этиш учун қуйидаги умумий ва хусусий дидактик тамойиллар ҳам зарур деб ҳисоблаймиз.

Масофавий ўқитишда дидактик тамойиллар — умумий мақсад ва қонунларга мувофиқ ўқув жараёнининг мазмунини, ташкилий шакллар ва услубларини белгилаб берувчи асосий қоидалар ҳисобланади.



Халқаро тажрибаларда масофавий ўқитишнинг умумий ва хусусий тамойиллари ва уларнинг мазмун-моҳиятини анъанавий ўқитишдан фарқли равишда очиб бериш бўйича етарлича тадқиқотлар олиб борилган [13, 19, 23, 47, 56, 65].

Бу тажрибалар асосида масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятини ташкил этишда зарур бўладиган тамойиллар ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берамиз.

Кўргазмалилик тамойили масофавий ўқитишда анъанавий ўқитишдан фарқли равишда муҳим аҳамият касб этади, бу ерда у визуализация тамойили кўринишига ўтади. Масофавий ўқитишда кўргазмалилик (визуализация)ни амалга ошириш ўрганувчига тақдим этилган ахборотни яхшироқ тушуниш ва эслаб қолишга ёрдам беради ҳамда миянинг мураккаб нарсани яхлит сифатида идрок этиш бўйича имкониятларини кенгайтиришга имкон беради.

Тьютор ўз фаолиятида масофавий курсларнинг ўқув-методик материаллари ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий этилишида таълим олувчиларнинг мотивациясини ошириш мақсадида ушбу кўргазмалилик тамойилига амал қилинганлигига алоҳида эътибор қаратиши талаб этилади.

Биргаликдаги фаолият тамойили масофавий ўқитишда ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, режалаштириш, амалга ошириш, баҳолаш ва коррекциялаш жараёнида таълим олувчи билан тьюторнинг биргаликдаги иши назарда тутилади.

Тьютор ўз фаолиятида масофавий ўқитиш жараёнида нафақат таълим олувчиларни мақсадга йўналтириш, уларнинг ўқув фаолиятини мувофиқлаштириш, бошқариш, балки улар билан биргаликда фаолият юритиш, ҳамроҳлик қилиш орқали умумий ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган омилларни аниқлаши ва таълим олувчиларнинг салоҳияти, имконияти, шароитига мос келадиган илғор усулларни мунтазам равишда жорий этиши лозим.

Фасилитация тамойили инглизча «facilitate» сўзидан олинган бўлиб ёрдамлашмоқ, енгиллаштирмоқ, имкон, шароит яратмоқ маъноларини билдиради. Бу тамойилни мутахассислар томонидан педагогик категория — таълим олувчилар томонидан ўз индивидуаллик, мустақилликларини англашлари, ўзларини ўз ҳаётий вазиятларининг муаллифи ва ижодкори сифатида идрок этишларига шароитлар яратиш учун меъёрий қоида сифатида қаралади.

Бунда тьюторнинг асосий вазифаси масофавий ўқитиш шароитида таълим олувчининг ижодий имкониятларига таяниши, ўзини ўзи долзарблаштириши ва ўзини намоён қилишга интилишини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Рефлексивлик тамойили (рефлексия — лот. reflexio — орқага ўгирилиш, акс этиш) таълим олувчилар томонидан масофавий ўқитиш жараёнининг барча параметрлари, фаолият усуллари, энг асосийси — ўзларидаги ўзгаришларни англаб етишларини назарда тутди.

Тьютор масофавий ўқитиш шароитида таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ва унга ўз вақтида муносабат билдириш, қўйилган таълим мақсадларини таҳрир қилиш, билим ва кўникмаларни ривожлантириш бўйича зарурий қарор қабул қилиш ҳамда таълим олувчиларга тегишли тавсияларни бериш лозим. Шунинг учун тьютор мунтазам равишда таълим олувчилар билан биргаликда тескари алоқани ўрнатиши талаб этилади.

Таълимни ташкил қилишда шахсий-фаолиятли ёндашув тамойили. Муваффақиятли таълим бериш учун таълим олувчининг хусусиятлари, мотивлари, мақсадларини ва унинг бетакрор психологик тузилишини атрофлича ҳисобга олиш зарур ҳамда буларни иноватга олган ҳолда тьютор ўқув мақсадларини белгилаши, ўқув жараёнини шакллантириши, йўналтириши ва қайта кўриб чиқиши лозим. Бунда фаолият компонентининг ҳам аҳамияти кам эмас, чунки масофавий таълимнинг муваффақияти таълим олувчининг мақсадга йўналтирилган ва мустақил ишлаш кўникмаларини эгаллаганлиги даражасига бевосита боғлиқ. Таълим олувчи фақат тьютор томонидан таклиф этилган тайёр билимларни ўзлаштирибгина қолмасдан, балки уларни излашда фаол иштирок этиши, ахборотлар билан ишлаш усуллари эгаллаши талаб этилади.

Мавжуд тажрибалар таҳлили шуни кўрсатадики, юқорида таъкидланган умумий тамойиллар масофавий ўқитишни сифатли ташкил этиш учун етарли эмас. Мавжуд тажрибаларни янада кенгроқ ўрганиш натижаларида масофавий ўқитиш тизимига хос бўлган хусусий тамойилларни ҳам аниқлаштириш мумкин.

Хусусий тамойиллар масофавий ўқитишни ташкил этиш ва унда тьюторлик фаолиятини юритишнинг **концептуал асосини** ташкил этади. Булар масофавий ўқитиш қонуниятларини акс эттирадиган ва ўқув жараёнининг мақсади, вазифаларини қўйиш, мазмунини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, унинг умумий самарадорлигини аниқлаштириш учун қўйиладиган талабларни белгилайдиган умумий қоидалар ҳисобланади. Масофавий ўқитишнинг ўзига хос хусусий тамойиллари ва унда тьюторлик фаолиятининг ўрни сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин.

Масофавий ўқитишни лойиҳалашда педагогик ёндашувнинг устуворлиги тамойили. Бунинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, масофавий ўқитиш муҳитини лойиҳалашни унинг назарий концепцияларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва кўзда тутилган ишларнинг дидактик моделларини яратишдан бошлашдир.

Бунда тьюторнинг вазифаси масофавий ўқитиш жараёнига техник воситаларни жорий этишга қараганда, кўпроқ ўзига тегишли бўлган модул бўйича илғор методикаларни жорий этиш, мавзуларни замон талаблари асосида ёритиб бериш, таълим олувчиларнинг билим олишга бўлган эҳтиёжларини мавзулар кесимида қондириш каби педагогик жиҳатларини ўзига устувор вазифа сифатида белгилганида ва уни амалга оширганида, масофавий ўқиш жараёни самаралироқ кечади, деб таъкидлаш имконини беради.

Масофавий ўқитишнинг мавжуд таълим олиш шаклларига зид эмаслиги тамойили. Лойиҳаланаётган масофавий ўқитиш муҳити зарур ижтимоий ва иқтисодий самара берадиган бўлиши учун яратиладиган ва амалга татбиқ қилинадиган ахборот технологиялари анъанавий таълим тизимида ёт элемент бўлиб қолмаслиги, балки унга табиий равишда интеграциялашуви зарур.

Тьютор масофавий ўқитиш шароитида фаолият юритишида, албатта анъанавий ўқитишда мавжуд бўлган ўқитиш усуллари, шакллари, методлари ва бошқаларга оид тажрибаларга асосланиши лозим.

Ўқитиш мақсади билан мазмуннинг боғлиқлиги тамойили. Бунда масофавий ўқитиш тизими фаолияти ва ўқув курслар мазмуни Давлат таълим стандартлари ва бошқа ўрнатилган тартиб-қоидалар, талабларга мувофиқ бўлиши зарур.

Тьютор таълим олувчиларнинг билим олишига қўйилган талабларни таҳлил қилиши ва уларнинг дастлабки билим ва кўникмалари даражасини аниқлаши, бирламчи эҳтиёжлар, қизиқишлар, мойилликлари ва келажақда эришишни истаётган ҳаёт тарзини аниқлаш ишларини амалга ошириши мумкин, лекин натижада таълим олувчилар учун ишлаб чиқилган ўқув материаллар аввалдан белгиланган мақсадларга мослигини назорат қилиши ва бу бўйича мувозанатни ушлаб туриши зарур бўлади.

Ахборот коммуникация-технологиялари воситаларини амалда қўллашнинг педагогик мақсадга мувофиқлиги тамойили. Бу етакчи педагогик тамойил бўлиб, масофавий ўқитишни ташкил этиш, лойиҳалаштиришнинг ҳар бир қадамига педагогика нуқтаи назаридан баҳо бериб боришни талаб қилади. Масофавий ўқитишда кенг миқёсда фойдаланиладиган ахборот технологиялари воситалари ўқитиш тизимининг барча компонентларига, яъни ўқитишнинг мақсади, мазмуни, воситалари, шакли ва методларига ўз таъсирини кўрсатади.

Шунинг учун тьютор таълим олувчига билим ва кўникмаларни эгаллаш борасидаги мустақиллик, ижодий имкониятлар, аналитик ва танқидий фикр юритиш, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш каби мураккаб ва педагогикада ўта долзарб вазифаларни ҳал этишда турли ахборот манбалари билан ишлай олишга ёрдамлашиши зарур.

Коммуникатив маконининг очиқлиги тамойили. Ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида амалга ошириладиган масофавий ўқитиш, долзарб ўқув объектлари билан боғлиқ таълим олувчилар фаолияти натижаларини очиқдан-очиқ муҳокама қила олиш ва уларнинг ишларини ўз вақтида тузатиш имконини беради.

Шунинг учун тьюторлар масофавий ўқиш жараёнида тегишли модуллар бўйича турли хил воситалардан (графика, анимация, товуш ва ранглар, махсус эффектлар, гиперматнлар) фойдаланиш, мустақил ижодий ёндашувларни кучайтиришга имконият яратишда фаол иштирок этиши лозим.

Таълимнинг регламентлилиги тамойили. Шундай фикр борки, масофавий ўқитишда таълим вақти қатъий регламентланмаган ва таълим олувчи учун мустақил ишлаш графигини киритиш мақсадга мувофиқ эмас. Лекин амалиёт бунинг аксини, яъни қатъий назорат ва режалаштириш бўлиши кераклигини кўрсатади.

Тьютор масофавий ўқитиш жараёнини тасдиқланган ва аниқ муддатлар белгиланган машғулотлар жавдали асосида олиб борилишини таъминлаши ва унга таълим олувчилар томонидан риоя қилинишини назорат қилиши лозим. Бу масофавий курсда мавзуларнинг ўз вақтида ўзлаштирилишини ва умумий ўқув жараёнини тартибга солишига ёрдам беради.

Модуллилик тамойили. Масофавий ўқитиш курси мазмунини ишлаб чиқишда модулли тамойилга асосланиш талаб этилади. Модул

— бу бирор мақсадга қаратилган функционал қисм бўлиб, унда ўқув мазмуни ва уни эгаллаш технологиясининг бирлашмаси акс этади. Модуллар ўқув дастурда шакллантирилади. Ҳар бир алоҳида модул ўқув фанининг маълум бир соҳасига оид тушунча ва тасаввурларни қамраб олади. Ўқитиш мазмуни эса, мақсадга мувофиқ равишда ўзлаштиришни амалга оширадиган ва ниҳоясига етган мустақил яхлит маълумотлар тўпланган блокдан иборат бўлади.

Масофавий курс ўқув материалларини тьютор томонидан ёки бошқа профессор-ўқитувчилар, мутахассислар томонидан ишлаб чиқилганда модулли тамойилга асосланиши лозим.

Мустақил ўқишнинг устуворлиги тамойили. Бу тамойил таълим муассасаси учун анъанавий бўлган мустақил ўқиш амалиёти сифатида эмас, балки таълим жараёнини ва ундаги таълим олувчининг ролини қайта ўзгартириш сифатида тушунилади. Шу муносабат билан тьюторнинг роли ҳам, мажбуриятлари ҳам ўзгаради. Бошланишида тьютор курсни ишлаб чиқишга, ахборот манбаларини танлашга, топшириқларни шакллантиришга ва бошқаларга жиддий ёндашуви керак. Кейинчалик у малакали консультант вазифасини бажариши лозим.

Албатта, бундай фаолият тури таълим олишга нисбатан, **айнан таълим олишга, ўрганишга эмас**, юқори мотивацияга эга бўлишни назарда тутди. Биз бирор нарсани ўрганишни бошлаганимизда бизнинг онгимизда маълум вазифа, якуний мақсад бўлади, биз таълим олаётганимизда эса, ахборотни ишлаб чиқамиз ва ўзимизнинг ҳаётий қисмимизга айлантираемиз. Таълим олиш — ҳодиса эмас, амалда ҳар ким бутун ҳаёти давомида жалб қилинадиган бўлиши лозим бўлган давомли жараёндир.

Бошланғич билимлар тамойили. Масофавий ўқитишни муваффақиятли амалга ошириш учун таълим олувчи масофавий ўқитишда зарур бўладиган замонавий воситаларидан фойдаланиш ва уларни ишлатиш бўйича бошланғич билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак. Масалан, масофавий шаклда таълим олувчи компьютерда мустақил ишлашига, локал ва глобал тармоқлар орқали тегишли маълумотларни қабул қилиб олиш ёки юбориш каби амалларни бажаришига тўғри келади. Бунинг учун эса ундан маълум даражадаги компьютер саводхонлиги ҳамда локал ва глобал тармоқларда ахборот алмашувини амалга ошириш кўникмасига эга бўлиши талаб этилади. Таълим олувчиларнинг бундай бошланғич

билим ва кўникмага эгаллиги ёки эга эмаслиги масофавий ўқитишнинг умумий самарадорлигига таъсир кўрсатадиган омиллардан бири ҳисобланади.

Бу масала курс бошланишидан аввал ҳал этилиши лозим, шунинг учун тьютор курс ташкилотчилари билан биргаликда масофавий курсга жалб этилиши режалаштирилган таълим олувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларини амалда қўллаш бўйича билим ва кўникмаларини аниқлаштириш ишларида фаол иштирок этиши зарур.

Интерфаоллик тамойили. Бу тамойил масофавий ўқитишнинг етакчи талабини очиб беради. Бу талабга кўра таълим олувчи курсда ўқиш даврининг бутун давомида ўзининг ўқув фаолияти тьюторнинг тегишли фаолияти билан биргаликда ўтаётганлигини, агар тьютор билан бевосита ўзаро ҳамкорлик кўзланмаса, унда сезиларли тескари алоқа билан, таълим олувчининг ҳаракатларига дастурий воситаларнинг жавоби билан биргаликда ўтаётганлигини реал ҳис қилиши лозим.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, масофавий ўқитиш жараёнида таълим олувчилар орасида ўзаро маълумотлар алмашиш уларнинг тьютор билан боғланишларидан ҳам кўра кўпроқ амалга оширилар экан. Шунинг учун ҳам тьютор ушбу тамойилга мувофиқ масофавий ўқитишда интерфаолликни таъминлашга хизмат қиладиган ўқув элементлардан кенгроқ фойдаланиши зарур.

Идентификациялаш тамойили. Бу тамойил таълим олишнинг мустақиллигини назорат қилиб бориш зарурлигидан иборат. Таълим олувчиларни идентификациялаш хавфсизлик бўйича умумий тадбирларнинг бир қисми ҳисобланади. Ҳар турли кўринишдаги топшириқларни бажаришдаги мустақилликни назорат қилиш юзма-юз контактдан ташқари турли хил техник алоқа воситалари ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Бунда тьютор масофавий ўқитиш курсларини амалиётга жорий этишга масъул бўлган техник ходимлар билан ҳамкорликда фаолият юритиши керак бўлади.

Шундай қилиб, айтилиши мумкин, масофавий ўқитишнинг бир қатор асосий тамойиллари шаклланган ва унинг хусусиятлари аниқланган бўлиб, терминологик базаси ва тушунчалари ҳам ишлаб чиқилган ҳамда ҳозирги кунда масофавий ўқитиш тизимини ташкил этиш ва жорий этиш учун етарлича илмий-назарий база мавжуд ҳисобланади.



Масофавий ўқитишда таълим оловчиларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантиришда **замонавий ёндашувларни тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади [32].**

Масофавий ўқитишда замонавий ёндашувлар сифатида синергетик, фаолиятли-компетентли, амалиётга йўналтирилган, эвристик, кластерли, акмеологик, футуралли каби илмий-методик ёндашувларга асосланиш мумкин ва буларнинг мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат.

Синергетик ёндашув масофавий ўқитишда таълим оловчиларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириш жараёнида узлуксиз ҳамкорлик ўрнатиш, бир-бирига кўмаклашиш ва ёрдам бериш, ўқув материаллардан биргаликда фойдаланишни билдиради. Шу билан бирга, бир мавзунини тушунириш ёки битта мақсадга эришиш учун фойда берадиган бир нечта воситалардан фойдаланиш синергетик ёндашувнинг муҳим компонентлари ҳисобланади.

Бунда тьюторлар масофавий ўқитишда тегишли модуллар доирасида таълим оловчилар билан интерфаол ҳамкорлик ўрнатиш, уларнинг машғулотлар жараёнида бир-бирига кўмаклашиш, ёрдам бериш, тегишли модуллар бўйича қўйилган топшириқларни бажариш мақсадида ўқув материаллардан биргаликда фойдаланиш ҳамда бир нечта методлар ва воситаларни биргаликда қўллаш жараёнларини шахсан ўзи амалга ошириши ёки ташкиллаштириши керак бўлади.

Фаолиятли-компетентли ёндашув масофавий ўқитишда тьюторнинг таълим оловчиларга назарий билимларни бериш, амалий машғулотларни ўтказиш, ўзлаштириш бўйича назоратни олиб бориш ва бошқа ишларни юқори компетентликда бажаришни билдиради.

Компетентли ёндашувда тьютор ўз соҳасини чуқур билиши, масофавий ўқиш жараёнларини ташкил этиш, самарадорликни таъминлаш йўналишидаги билим, кўникмаларни амалиётда тўлиқ қўллаш маҳоратига эга бўлишини назарда тутлади. Бунда фаолият турининг ҳар бири бўйича таълим-тарбиявий омилларни комплекс ҳолда ҳисобга олиш, мавжуд таълим муҳитининг имконият даражасида ўқитиш фаолиятли-компетентли ёндашув ҳисобланади.

Амалиётга йўналтирилган ёндашув масофавий ўқитишни амалиёт билан боғланган ҳолда амалга ошириш, дарслар мавзуси бўйича ҳаётий мисоллар, фактлардан кенг фойдаланиш, таълим олувчиларнинг ўрганаётган билимларини турли ҳаётий вазиятларда амалда қўллай оладиган бўлишларини таъминлаб боришга хизмат қиладиган ёндашув ҳисобланади.

Ушбу ёндашувга асосланган ҳолда масофавий ўқитишни амалга ошириш учун курс ўқув материалларини, назорат топшириқларини ишлаб чиқишда назария билан амалиёт интеграциялашувига тьютор томонидан алоҳида эътибор қаратилиши лозим, бунда нафақат ўқув материалларни ишлаб чиқиш жараёнини, балки ўзлаштирилган билимларни амалиётдаги бирор бир муаммолар, вазиятларда қўллаш ҳолатларини қўллаб-қувватлаши керак бўлади.

Эвристик ёндашув масофавий ўқитишда жуда самарали ёндашувлардан бири бўлиб, йўналтирувчи саволлар бериш йўли билан топқирлик, фаолликни ривожлантиришга ёрдам берувчи ўқув-изланишдан иборат таълим методи, оптималлаштирилган тафаккурни ривожлантиради.

Тьютор ёрдами асосида масофавий ўқитиш жараёнини эвристик ёндашув орқали амалга оширилиши бутун ўқув жараён давомида таълим олувчиларнинг компетентлигини, фаолликларини ошириш, ижодкорлик қобилиятини, танқидий тафаккурини ривожлантириш имконини беради.

Кластерли ёндашув туркумларга ва боғлиқликларга ажратган ҳолда ўргатиш. Бу турли воқеа, ҳодиса, жараёнларни ва уларнинг таркибига тегишли атамалар билан боғлиқ тушунчалар тизимлари, гуруҳларини мантиқий боғлиқликда ўрганиш усули бўлиб, турли хил нуқтаи назарлардан таҳлил қилиш, фикрлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш имконини беради.

Масофавий ўқитишда тьютор ўқув жараёнини кластерли ёндашув асосида амалга ошириши таълим олувчилар учун турли хил модуллар, йўналишларга оид тушунчаларни атрофлича кенг ва самарали ўрганиш имкониятини беради.

Акмеологик ёндашув таълим олувчи ўз фаолиятида биринчи навбатда, ўз имкониятларига ичониши, мустақил тайёргарлиги, ўзини рўёбга чиқариши туфайли юқори натижаларга эришади.

Тьюторнинг ёрдами асосида масофавий ўқитишни акмеологик

ёндашув асосида амалга оширилиши таълим оловчиларнинг истиқболдаги мақсадларини белгилашлари ва бу мақсадларга бирмунча тезроқ, самаралироқ ва ҳаёт йўлида ўзларини нималар кутаётганини билган ҳолда эришишлари имкониятини яратишга хизмат қилади.

Футуралли ёндашув бу келажакка йўналтирилган ёндашувни билдиради. Бунда турли даражадаги яқин ва узоқ келажаклар назарда тутилиши мумкин. Масалан, келгуси ҳафта, келаси ой, чорак, ўқув йили учун нималарнидир мўлжаллаб ишлаб чиқиш, режалаштириш, тадбирлар ташкил қилиш кабилар шулар жумласидандир. Футуралли ёндашув таълим оловчига фақат бугунги кундаги билимлардан фойдаланиш эмас, балки уларни келажакда янада ривожлантириб бориш мақсадида амалда қўллаш орқали ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Масофавий ўқитиш курсида тегишли мавзу бўйича мавжуд ахборотларни жамлаган ҳолда фойдаланиш кўникма ва малакаларини яхши эгаллаш таълим оловчининг ўзини-ўзи баҳолашини оширади, уни энг такомиллашган янги ўқитиш усулларини яратишга ундайди. Бундай футуралли ёндашув бор имкониятларни концентрациялаш, ўқитишнинг замонавий жамият ривожланиши тенденцияларига мослигини таъминлаб бориш имкониятини беради.

Шунингдек, тьюторлик фаолиятини ташкил этишда **антропологик** ёндашув — албатта мутлақо фаолиятга ориентир ҳисобланади [40].

Шундай қилиб, замонавий ёндашувлар масофавий ўқитишда таълим оловчиларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантиришни тизимли амалга оширишга, илғор усул ва услубларни қўллашга хизмат қилади. Масофавий ўқитишнинг умумий ва хусусий тамойилларига ҳамда замонавий ёндашувларига амал қилган ҳолда ташкил этилган масофавий курслар орқали қўйилган мақсадга самарали эришиш мумкин.

2.3. Масофавий ўқитишда тьюторлик фаолияти функциялари

Тьюторлик фаолиятини **кўп функцияли** деб ҳисоблаш мумкин. **Масофавий ўқитишда** тьюторлик фаолияти функцияси ўқитувчи функциясидан фарқли равишда таълим олувчига индивидуал таълим дастурини тузишда методик ёрдам кўрсатиш, мустақил билим олиш жараёнида мақсадга йўналтириш, ҳамроҳлик қилиш, қўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширади.

Тарихий манбалар таҳлилидан маълумки, бир нечта асрлар давомида тьюторлар фаолияти анъанавий шаклларда олиб борилган бўлса, масофавий ўқитишда тьюторлик фаолияти электрон ахборот-таълим муҳити, мобиль иловалар, телеканаллар орқали асинхрон ва синхрон режимлар асосида амалга оширилишига асосланади.



Мавжуд адабиётларда соҳанинг бир қатор олимлари ва бошқа мутахассислари томонидан тьюторлик фаолияти бўйича турли хил функциялар ёритилган ва уларга турлича таърифлар берилган [20, 39, 41].

Жумладан, Е.Н.Васильева, Т.М.Ковалева, Е.И.Кобыща, С.Ю.Попова, Е.В.Гайманова, И.Б.Храпков, Н.Г.Конова, Т.Б.Корнеева ва бошқалар томонидан тьюторлик ёрдам кўрсатиш фаолиятининг ахборот-мазмунли, лойиҳалаштириш, назорат-ташхислаш, ташкилий-фаолиятли, рефлексив, технологик, мотивацион, консультантлик, ахборот-консультация, аналитик, билимларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш, ташкилий, коммуникатив, мониторинг ва назорат функциялари ва инвариант функциялар сифатида бошқарувчилик, диагностика, мақсадга йўналтирувчилик, мотивациялаштирувчилик, режалаштирувчилик, коммуникатив, назорат, рефлексия, методик функциялари ёритилган ва уларга турлича изоҳлар берилган.

Бундан кўришимиз мумкинки, ҳозирги вақтда масофавий ўқитишда тьюторнинг функциялари муҳокамалар марказида ҳисобланади ва турли таълим муассасаларида ўзининг турлича хусусиятларига эга.

Юқорида қайд этилган ва бошқа халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, тьюторлик фаолияти функциялари бўйича турли хил фикрларни умумлаштириш, оптималлаштириш натижаларига кўра масофавий ўқитишда тьюторлик фаолияти функцияларини қуйидагича акс эттириш мумкин (13-расм).



13-расм. Масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятининг функциялари

Мазкур расмда акс этирилган масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятининг функциялари мазмун-моҳиятини қисқача кўриб чиқиш мумкин.

Бошқарувчилик функцияси — тьюторлар масофавий ўқитишда бошқарувчилик функцияси бўйича қуйидагиларни бажариши мумкин:

- модулар бўйича асинхрон, синхрон ва аралаш машғулотларни олиб боришда таълим олувчилар ўқув фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш;

- таълим олувчиларнинг ўзаро ва бошқа иштирокчилар билан интерфаол муносабатларини мувофиқлаштириш;

- тегишли модулар бўйича олинган назарий билимларини амалиётда қўллаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

- тегишли модул бўйича назорат ишларини бажариш ва якуний имтиҳонларга тайёргарлик кўриш жараёнларини мувофиқлаштириш ва бошқариш.

Диагностик функцияси — тьюторлар томонидан таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларини диагностика қилиш мақсадида қуйидагилар бажарилади:

- диагностика ўтказиш орқали таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларидаги бўшлиқларни аниқлаш;

- таълим олувчиларнинг қизиқишлари, кутувлари, муаммолари, эҳтиёжларини аниқлаш;

- таълим олувчиларнинг индивидуал хусусиятлари сифатида таълим олиш стили, фикрлашининг устун томонлари, қобилиятининг ривожланганлик даражаси ва бошқаларни аниқлаш.

Мақсадга йўналтирувчилик функцияси — тьюторлар томонидан масофавий ўқитишда мақсадга йўналтириш бўйича қуйидагилар бажарилади:

- тьютор ва таълим олувчиларнинг умумий таълимий мақсадларини ўзаро мувофиқлаштириш;

- модулар доирасида қўйилган мақсадларни таълим олувчилар эришишлари мумкин бўлган имкониятларга мослаштириш;

- модулар бўйича ўқув материалларни ўзлаштириш, назорат топшириқларини бажариш, синхрон машғулотларда фаол иштирок этиш, ўқув фаолиятини муваффақиятли якунлаш ишларини самарали амалга оширишга йўналтириш;

- масофавий ўқитишда таълим олувчилар нимани билиши, бажара олиши, қандай ҳаракатланиши кераклигини ифодалаш;

- таълим олувчи ўқув фаолиятида энг кўп дуч келиши мумкин бўлган масалалар, қийинчиликлар ва уларнинг ечимлари билан таништириш ҳамда истиқболли вазифаларга йўналтириш.

Мотивациялаштирувчилик функцияси — масофавий ўқитишда таълим олувчиларни мотивлаштириш бўйича тьюторлар томонидан қуйидагилар бажарилиши мумкин:

- таълим олувчи томонидан дастлабки кутувлари ва мотивлари, индивидуал эҳтиёжларини қондириш ва шахсий мақсадларига эришиш билан боғлиқ имкониятларни англаб етишга кўмаклашиш;

- таълим олувчиларга масофавий ўқишнинг оптимал усулларини намойиш қилиш орқали билим ва таълим олишга ёндашувнинг янги кўникмалари ҳосил бўлишини рағбатлантириш;

–масофавий ўқиш шароитида таълим олувчиларнинг ўзаро мулоқотларини қўллаб-қувватлаш, асинхрон ва синхрон машғулотларда самарали ўқишида ижобий психологик муҳит яратиш;

–масофавий ўқиш шароитига мос равишда турли хил интерфаол методларни қўллаш орқали таълим олувчиларнинг мотивациясини ошириш;

–таълим олувчиларнинг амалий кўникмаларини индивидуал равишда ривожлантиришга қаратилган истиқболли вазифаларни белгилашида ёрдам кўрсатиш;

–таълим олишни рағбатлантирувчи, ғояларни танқид қилиш ёки фикрларни зўрлаб ўтказишга йўл қўйилмайдиган ижобий эмоционал муҳит яратиш.

Режалаштирувчилик функцияси — тьютор масофавий ўқитиш жараёнини режалаштириш бўйича қуйидагиларни бажариши лозим:

–таълим олувчиларни диагностикадан ўтказиш, эҳтиёжлари, тайёргарлик даражаси, тажрибаси ва бошқа омилларни ўрганиш натижаларининг таҳлилини ҳисобга олган ҳолда ўқув мақсадларини шакллантириш;

–қўйилган мақсадлар ва кутилаётган натижаларга мувофиқ ҳолда ҳаракатлар кетма-кетлигини режалаштириш;

–машғулотлар ва назорат ишларини асинхрон, синхрон режимларда ёки аралаш шаклларда олиб боришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишни режалаштириш;

–ўқув жараёнида турли хил интерфаол машғулотлар, консультациялар ва бошқаларни ўтказишни режалаштириш.

Коммуникатив функцияси — масофавий ўқитишда тьютор таълим олувчилар билан коммуникатив фаолият юритиш мақсадида қуйидагиларни бажариши лозим:

–масофавий ўқиш шароитида “тьютор-тингловчи”, “тингловчи-тингловчи” ва бошқалар билан ўзаро хайрихоҳлик, шериклик муносабатларини ўрнатиш;

–масофавий ўқиш шароитида коммуникатив фаолият учун ижобий эмоционал кайфият, ўзаро ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш муҳити ва шериклик ҳиссиётини шакллантириш;

–таълим олувчиларни илмий тадқиқот фаолияти, интеллектуал ижодий мусобақалашуш ва бошқа тадбирларга жалб қилиш;

–коммуникатив фаолиятда гуруҳлар фаолиятини бошқариш, таълим олувчиларга индивидуал ёки гуруҳлар кесимида вазифалар бериш ва уларнинг ҳар бирини фикр алмашувларга ундаш;

–ўқув жараёнини самарали амалга ошириш мақсадида индивидуал ва гуруҳлар кесимида консультациялар бериш.

Мониторинг ва назорат функцияси — масофавий ўқитишда таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти ва умумий ўқув жараёнини мониторинг ва назорат қилиш учун қуйидагилар бажарилиши лозим:

–мониторинг ва назорат сифатли бажарилиши учун бу функцияни бажаришга анча илгари — режалаштириш жараёнида асос солиниши зарур, чунки айнан шу босқичда мақсадлар, баҳолаш мезонлари ва уларга эришиш кўрсаткичлари шакллантирилади;

–мониторинг жараёнида таълим олувчиларнинг ўзлаштириш динамикасини кузатиш, асинхрон ва синхрон режимда ўқиш шароитида дуч келган қийинчиликлар, муаммолар, имкониятидаги чекланганликларни аниқлаш ва уларни енгиб ўтишда ёрдам кўрсатиш;

–бажарилган назорат топшириқларни текшириш, сифатини баҳолаш ва уларнинг натижаларига кўра камчиликлар ва хатоликларга изоҳлар бериш;

–таълим олувчилар томонидан бажарилган топшириқларни таҳлил қилиш орқали ўқув жараёнининг самарадорлик даражасини аниқлаш, зарур ҳолларда ўқув жараёнини олиб бориш тартибига тузатишлар киритиш;

–таълим олувчиларнинг индивидуал ўқув фаолиятидаги ташаббуслари, фаол ҳаракатларини қайд қилиш;

–масофавий ўқиш жараёнида мақсадга эришиш йўлидан четга чиқиш ҳолатларини аниқлаш учун тескари алоқани ташкил қилиш;

–комплекс баҳолаш сифатида масофавий курсни ташкил этиш концепцияси, модели, ўқитиш технологиялари, мазмуни таълим олувчиларга мувофиқлик даражасини умумий баҳолаш.

Аналитик-рефлексив функциялари — масофавий ўқитишнинг самарадорлик даражасини ошириш мақсадида тьюторлар томонидан аналитик-рефлексив фаолият бўйича қуйидагилар бажарилиши лозим:

аналитик функцияси:

–масофавий курсда бажарилган ишларни таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқариш;

–таълим олувчиларнинг мақсадлари, қизиқишлари, мойилликлари, қондирилиши даражасини кузатиш ва қайд қилиш;

–таълим олувчиларнинг ўқув жараёнида эришган ютуқлари портфолиосини таҳлил қилиш;

–таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини таҳлил қилиш, турли хил ижобий ва салбий ҳолатларни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ва уларни ривожлантириш ёки бартараф қилиш вариантларини муҳокама қилиш.

рефлексив функцияси:

–**рефлексия** (лотинча reflexio — орқага ўгирилиш, акс этиш), бу ўз-ўзини ва ўз ҳатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш ва тушунишга йўналтирилган фикрлаш жараёни эканлигига асосланиш;

–рефлексияни индивидуал ва гуруҳли шаклда амалга ошириш;

–таълим олувчининг ҳаракатларини изоҳлаш, ўзини ўзи баҳолаш, ўзини ўзи назорат қилишга қаратилган тескари алоқа ўрнатиш;

–масофавий курснинг ҳар бир босқичида ўзлаштириш, ўқув жараёни ташкил этилиши ва бошқа турли хил вазиятлар бўйича таълим олувчилар билан бирга рефлексив фаолиятни ташкил қилиш.

Методик функцияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

–ўқув-методик материаллар, турли хил назорат топшириқлар, сўровномаларни масофавий ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари ва талаблари асосида шакллантириш;

–таълим олувчини тегишли модулларни ўрганишида қўллаб-қувватлаш, консультациялар бериш, мустақил ўқув фаолиятида дуч келадиган муаммоли вазиятларда ёрдам бериш;

–таълим олувчиларга олинган назарий билимларини амалиётда қўллаш мақсадида йўл-йўриқ кўрсатиш;

–таълим олувчиларга индивидуал таълим траекторияси вариантларини ишлаб чиқишида қўмаклашиш;

–юқори малакали тьюторлар билан тажриба алмашиш ва илғор тажрибаларни ўз фаолиятига жорий қилиш.

Юқорида баён этилганлар тьюторнинг масофавий ўқитишдаги функцияларини аниқлаштириш имконини беради. Тьюторнинг фаолият майдони кенглиги унга ўзини ҳар томонлама намоён қилиш имкониятини беради. Бошқа функцияларнинг ортиб кетиши тьюторни бошқа ролни бажарувчи ва ҳатто бошқа касб эгаси қилиб қўйиши мумкин. Масалан, билимларни ўзлаштирилишини назорат қилиш жараёнида ташкилий ва мувофиқлаштириш фаолиятининг ортиб кетиши тьюторни методист-бошқарувчига айлантириб қўйиши, коммуникатив фаолиятнинг устуворлиги — педагогнинг эмас, фасилитатор, тренер функциялар бажарилиши каби бўлиши мумкин.

III. БОБ.

**МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШДА
ТЪЮТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
БОСҚИЧЛАРИ**


3.1. Масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятини ташкил этишда педагогик дизайн моделлари

Масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятини ташкил этиш жараёни бир-бири билан мантиқан боғланган босқичлар кетма-кетлигида амалга оширилиши назарда тутилади. Бу босқичларнинг ҳар бири тьюторлар ишини ташкил этишда ҳам, таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятида ҳам акс этади. Тадқиқот жараёнида масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятини жаҳон талаблари сифатида педагогик дизайн моделлари кўриб чиқилади [31, 47]:



Хорижий тажрибаларда педагогик дизайннинг 4 та модели мавжуд ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари амалиётга жорий этиш бўйича босқичлари етарлича ёритилган [47].

Булардан мисол сифатида **ADDIE** модели асосида тьюторлик фаолиятини ташкил этишни кўриб чиқамиз. **ADDIE** модели — таҳлил қилиш, лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, жорий этиш ва баҳолаш босқичларини ўз ичига олади (14-расм).



14-расм. Педагогик дизайннинг ADDIE модели таркибий элементлари

Мазкур модел орқали масофавий ўқитиш ва тьюторлик фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

Таҳлил босқичида масофавий ўқитишни ташкил этиш учун қуйидагилар амалга оширилиши керак:

- таълим оловчиларнинг билим олишига қўйилган талабларни таҳлил қилиш, билим ва кўникмаларини диагностика қилиш, эҳтиёжлари, қизиқишлари, мойилликлари ва келажакда эришишни истаётган мақсадларини аниқлаш;

- таълим оловчилар билан алоқа ўрнатиш орқали уларнинг муаммоларини аниқлаш ва уларнинг аҳамиятлилики даражасини улар билан биргаликда баҳолаш;

- таълим оловчи билан биргаликда муаммо ва қийинчиликнинг келиб чиқиш сабабларини излаш, вазиятга ташқаридан назар ташлаш;

- таълим оловчилар ҳақида бирламчи маълумотни йиғиш ва улар билан ўзаро ўқув фаолиятини ташкил қилиш мақсадида танишиш, билим олишга бўлган қизиқишларини аниқлаш ва яққоллаштириш;

Шунингдек, таълим оловчи томонидан тьюторга ўзи тўғрисида ва ўзининг билим олишга бўлган қизиқишлари, эҳтиёжларини онгли равишда тақдим этилиши ҳам мумкин.

Бу босқич масофавий курсларни ташкил этиш учун энг аҳамиятли босқич бўлиб, унда асосий таянч элементлар қайд этилади, таълим оловчиларнинг эҳтиёжлари, муаммолари, қизиқишлари ва бошқа шу каби омиллар ўрганилади ва булар асосида тьюторнинг келгусидаги вазибалари белгиланади, ўқитишнинг ўлчанадиган ва тушунарли мақсадлари ифодаланади, кўзда тутилладиган таълим оловчилар аудиторияси ва уларни ўқитиш шакллари, баҳолаш усуллари аниқланади, шунингдек, кутиладиган натижаларнинг рўйхати тузилади. Бу босқичдаги ишлар сўровнома ўтказиш, тест синови, эркин суҳбат ва бошқа методлар асосида олиб борилиши мумкин.

Таҳлил бажарилгандан кейин масофавий ўқитиш курсини амалга ошириш ва унда тьюторлик фаолиятини юритиш мақсадлари аниқланади, бу эса ўз навбатида масофавий курснинг ўқув жараёнини лойиҳалаш, режалаштиришга киришиш, тьюторлик фаолиятини ташкил этиш имконини беради.

Тьюторлик фаолиятини ташкил этишда ушбу дастлабки босқичда «ижобий муҳит», психологик қулайлик яратиш муҳим аҳамият касб

этади ва бу кейинчалик таълим олувчи билан тьютор биргаликдаги фаолиятига киришишига, ҳамкорликни давом эттиришга имкониятлар яратилади.

Лойиҳалаш босқичи, бу фақат ўқув дастурини лойиҳалаш эмас, у билан бирга, айниқса масофавий ўқитиш технологиялари, шакллари учун алоҳида аҳамиятли бўлган биринчи босқич саволларига боғлиқ ҳолда шакллантиришдир. Бунда тьютор билан таълим олувчининг ҳаракатларини амалга ошириш, муаммоларини ҳал этиш бўйича жавобгарлик функцияларини тақсимлаш, билим олишга қизиқишлар бўйича индивидуал таълим дастурини тузиш ишлари ҳамда мазкур таълим олиш жараёнини амалга ошириш учун мустақил ва аудитория ўқув юкламасининг ўзаро нисбати, асинхрон ва синхрон режимда машғулотларни олиб бориш жараёни лойиҳалаштирилади.

Бу босқични амалга оширишнинг зарур шартларидан бири қайд қилинган билим олиш, қизиқишга оид ахборотларни тўплашни ташкил қилиш ҳисобланади. Бу ахборотларга тьютор ва таълим олувчи ўзи белгиллаган режаларни ва уларнинг амалга оширилишини таққослаш, бир-бирига солиштириш уёки бу ишларни амалга оширишда фойдаланиш жараёнида кейинчалик кўп марта мурожаат қилади.

Бунда тьюторнинг асосий вазифалари таълим олувчиларнинг мустақиллигини ва фаоллигини, уларнинг билим олиш бўйича эҳтиёжларга оид маълумотларни ўзлари излаб топишга интилишларини қўллаб-қувватлаши зарур ҳисобланади.

Ишлаб чиқиш босқичида масофавий курс нима учун ишлаб чиқиляётгани, нимага эришиш, курс якунида қандай натижа олиш кераклигини аниқ тушуниш дастлабки вазифа ҳисобланади. Кўпинча ўқув дастурларнинг мақсадлари таълим олувчиларнинг реал ҳаётий мўлжалларидан сезиларли фарқ қилади, бу таълимда кутилган мақсад билан ҳақиқий ҳолат орасидаги номувофиқликнинг сабаби бўлади. Номувофиқлик эҳтимолининг олдини олиш учун мақсадлар глобал бўлмаслиги, балки таълим олувчиларнинг қизиқишлари ва ҳақиқий эҳтиёжларига жавоб берадиган бўлиши керак.

Масофавий курснинг мақсадларини яхши тушуниш учун таълим олувчилар фаолиятининг аниқ натижасини тавсифлаб бериш, улар курсда модулларни ўрганиш давомида оладиган кўникмаларни ёзма равишда **аниқ кўрсатилиши зарур**. Таълим олувчиларнинг

ўзлари ўқув жараёнидан кўзланган мақсадларни англашлари, олган билимларидан келгусида қандай фойдаланишлари мумкинлигини тушунишлари — ўқув фаолиятига маъно-мазмун **бахш этади ва мотивациянинг юқори даражасига олиб келади.**

Амалиётга жорий қилиш босқичи, бу босқичда масофавий курснинг ўқув-методик материаллари танланган масофавий ўқитиш технологиялари ва моделлари асосида амалиётга жорий этилади ва таълим олувчиларнинг билимларини чуқурлаштириш, муайян муаммолар бўйича консультациялар бериш, ташкилий-ахборот алмашув жараёни ташкил этилади. Бу босқич гўё кам аҳамиятли кўринишига қарамай, у ўқув материалларини амалиётда фойдаланилиши, қўлланишини баҳолаш имконини беради. Айнан шу ўринда машғулотлар ёки курс танланган аудиторияга қанчалик даражада мос келишини текшириб кўриш, унинг самарадорлиги тўғрисида дастлабки маълумотларни олиш, таълим олувчилар жамоаси билан алоқа ўрнатиш мумкин.

Бу босқичда таълим олувчи реал изланишни (лойиҳа, тадқиқотни) амалга ошириши ҳам мумкин ва кейин ўзи бу изланишдан олган натижаларини тақдим қилиши назарда тутилади.

Тақдимот қуйидагича турли хил усуллар орқали амалга оширилиши мумкин:

- тьютор консультацияси вақтида (билим олишга қизиқишлари бир соҳада бўлган таълим олувчиларнинг кичик гуруҳларида) оғзаки кичик ахборот бериш;

- ўқув жараёнида баён этиш (тьютор таълим олувчилар билан баён этилиши назарда тутилган маълумотлар бўйича олдиндан келишиб олиши мумкин);

- ўқув тадқиқот ва лойиҳа ишларини турли хил семинар, вебинарларда махсус ташкил қилинган тақдимотларда чиқишлар қилиш.

Шунингдек, масофавий ўқитишда тьютор томонидан таълим олувчиларга ёрдам кўрсатиш қуйидаги **иш элементлари** орқали амалга оширилади:

- курсни тақдимот қилиш орқали йўналтирувчи машғулотларни ташкил этиш;

- ўзаро мулоқот ўрнатиш мақсадида гуруҳлар ташкил қилиш;

- тьюторлик маслаҳатлари, савол-жавоблар ўтказиш;

- синов материалларини текшириш;
- консультациялар, имтиҳонларга тайёргарлик.

Кўриб турганимиздек, масофавий ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари (машғулотларнинг қисқалиги, уларнинг интенсивлик хусусияти, катта ёшдагилар билан ишлаш ва бошқа) ўқитувчи-тьюторга анъанавий талаблардан жиддий фарқ қиладиган, энг аввало, тьюторнинг сифат жиҳатидан бошқа мақоми бўйича талаблар қўяди.

Баҳолаш босқичи, бунда масофавий ўқитиш курсида таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларини, олинган кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш ҳамда умумий ўқув жараёнининг натижалари, самарадорлиги юзага чиқади. Жумладан, таълим олувчиларнинг курсни яқунлагандан кейинги ютуқлари, камчиликлари таҳлил қилинади ва қўйилган мақсадларга қанчалик даражада эришилганлиги баҳоланади.

Бу босқичда **аналитик-рефлексив** муносабат асосида бажарилган ишни таҳлил қилиш ва рефлексия қилиш, эришилган ютуқлар йиғиндисини расмийлаштириш ва коррекция қилиш муҳим аҳамият касб этади, яъни таълим олувчи томонидан тьютор ёрдамида ўзининг босиб ўтган йўлини, эришилган натижаларни рефлексия қилишга йўналтирилади. Бунда ўзини ўзи адекват баҳолашни, ўзининг ҳаракатлари усуллари ҳам, атрофдагиларнинг ҳаракатлари усуллари ҳам таҳлил қилиш, ўзида ва атрофидагиларда рўй бераётган ўзгаришларни тушуниш кўникмасини ривожлантириш, фаолиятининг олдинги босқичларидаги муваффақиятсизликлар ва ютуқларни таълим олувчилар билан бирга муҳокама қилиш, муаммони ҳал қила олиш, фактни қайд қилиш ёки қийинчиликни қайта ифодалаш, таълим олувчи ва тьютор томонидан ўқув фаолиятининг янги тажрибасини англаб етишга ёрдам беради.

Бу босқичда амалга оширилган ишлар натижалари масофавий курсни ташкил этишнинг ҳар бир босқичини қанчалик даражада қайта кўриб чиқиш, таҳрирлаш, тузатиш, ўзгартиришлар киритиш кераклигини аниқлаштириш имконини беради.

Педагогик дизайннинг айнан шундай циклли схемаси ғоят сезиларли натижалар беради ва курснинг тузилиши билан боғлиқ кўп масалаларни комплекс ҳал этиш имконини беради. Амалда бундай схеманинг ҳар бир босқичида тескари алоқа мавжуд, шунинг учун *тизим ўзини ўзи коррекциялайди*.

3.2. Масофавий ўқитишни ташкил этишда дастлабки таҳлил ўтказиш ва унда тьюторлик фаолияти

Масофавий ўқитиш курсларини ташкил этишда таҳлил босқичи — бу ташкил этиладиган курснинг мақсад ва вазифаларини аниқлашдан иборат бўлиб, масофавий курсларни ташкил этиш учун энг аҳамиятли босқич ҳисобланади. Бу босқичда таълим олувчиларнинг эҳтиёжлари ўрганилади ва курсни ташкил этишнинг асосий ғоялари илгари сурилади, тьюторнинг вазифалари прогнозлаштирилади, ўқитишнинг ўлчанадиган мақсадлари ифодаланади, кўзда тутиладиган таълим олувчилар аудиторияси ва уларни ўқитиш шакллари, усуллари, технологиялари аниқлаштирилади, шунингдек, кутиладиган натижаларнинг рўйхати тузилади.

Таҳлил жараёнида масофавий ўқитиш курсига жалб этиладиган таълим олувчиларнинг имкониятлари, шароитлари, ёши ва уларнинг тайёргарлик ҳолати, салоҳияти, таълим-тарбия олиш ёки малака ошириш учун қўйилган талаблари ўрганиб чиқирилиши зарур ва шунга кўра масофавий ўқитиш курсларини ишлаб чиқиш, ўқитиш шакллари, усуллари, технологияларини танлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бу ўз навбатида масофавий курснинг умумий самарадорлигига таъсир кўрсатадиган омиллар ҳисобланади, сабаби, масофавий ўқитиш ишлаб чиқаришдан ажралмасдан туриб амалга оширилиши жиҳатидан кундузги ўқитишни ташкил этишдан фарқ қилади. Шунинг учун тьюторлар масофавий ўқитиш курсларини ташкил этиш учун юқоридаги каби ўзига хос хусусиятлардан хабардор бўлиши ҳамда бу ишларни масофавий курсга жалб этилган таълим олувчилар аудиториясини аниқлаштиришдан бошлаш мақсадга мувофиқ.

Бу каби масалаларга ойдинлик киритиш учун дастлаб Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида узлуксиз таълим тизимида мавжуд бўлган таълим турлари ва уларда таълим-тарбияни ташкил этишга қўйилган талаблар, вазифалар ва бошқа жиҳатларини кўриб чиқиш, таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Таълим тўғрисидаги қонун

“Таълим тўғрисида”ги қонунга асосан узлуксиз таълим тизими мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, мактабдан ташқари таълимдан иборат [1].

Мазкур узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичида ўқув жараёни ваколатли органлар томонидан белгиланган таълим-тарбия ва бошқа тартиб-қоидалар асосида амалга оширилади. Жумладан, масофавий курслар мазмунини ишлаб чиқиш ва ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа ваколатли органлар томонидан тасдиқладиган талабларни таҳлил қилиш ва уларга асосланиш талаб этилади.



Масофавий курсни узлуксиз таълим тизимида барча турлари учун ташкил этиш мумкин, фақат, унда тьютор курснинг ўқув-методик таъминотни ишлаб чиқиш, ўқитиш технологиясини танлашда таълим олувчининг ёш (гинетик) хусусиятини инобатга олиши зарур [31].

Узлуксиз таълим тизимининг дастлабки босқичлари таълим-тарбияга қўйилган талабларда белгиланган билим, кўникма, малака ва компетенциялар амал қилади, кейинги босқичлари олий таълимдан кейинги ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар асосида олиб борилади ва ихтисослаштирилган йўналишлар бўйича чуқур билим олиш, эҳтиёж бўйича билим, кўникма, малака ва компетенциялар ривожлантирилиши назарда тутилади.

Қуйида масофавий курсларни ташкил этиш учун узлуксиз таълим тизими турлари босқичма-босқич қайд этилди ва корреспондентлик, кейсли, тармоқли, телевизион, мобиль ўқитиш моделлари ва синхрон, асинхрон, аралаш ўқитиш шакллари тизимлаштирилди ҳамда таълим олувчиларнинг ёшига қараб педагогик ёки андрогогик ёндашув қилиш муҳим аҳамият касб этиши акс эттирилди (15-расм).

Узлуксиз таълим тизимида масофавий ўқитиш технологиялари



15-расм. Узлуксиз таълим тизимида масофавий ўқитиш технологиялари

Мазкур расмдан кўриш мумкинки, узлуксиз таълим тизимининг қайсидир босқичида масофавий курсларни ташкил этиш учун тьютор томонидан дидактика қоидалари сифатида Кимни ўқитиш керак?, Нимани ўқитиш керак?, Қандай ўқитиш керак? деган саволларга ўз ўрнида ва ўз вақтида жавоб топиш жиддий аҳамиятга эга.

Тьютор томонидан мазкур саволларга жавоб топиши узлуксиз таълим тизимининг турли хил босқичларида турлича бўлади, шунинг учун аввало масофавий курслар кимлар учун ташкил этилаётганлиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиши зарур. Бунинг аҳамиятли жиҳати шундаки, таълим олувчи аудиторияси хусусиятига кўра ўқув-методик материаллар ишлаб чиқилиши, ўқитиш усуллари танланиши зарур, сабаби, аввал бошидан тўғри йўналиш олиш бутун курс самарадорлигини таъминлашга таъсир кўрсатади.

Изданишлар жараёнида тьюторлик фаолиятида зарур бўладиган узлуксиз таълим тизимида ёшлар ва катта ёшдагилар учун ўқув жараёнини ташкил этиш ва ундаги айрим ўзига хос хусусиятларни аниқлаштириш мақсадида қуйидагича қиёсий таҳлил ишлари амалга оширилди (3-жадвал).

3-жадвал.

Ўқувчи ёшлар ва катта ёшдагиларнинг таълим олишининг ўзига хос хусусиятлари

Ўқувчи ёшларнинг таълим олишининг ўзига хос хусусиятлари	Катта ёшдагиларнинг таълим олишининг ўзига хос хусусиятлари
Ўқув дастур аввалдан маълум бўлган, чегараланган билимлар доирасида ишлаб чиқилади.	Ўқув дастур катта ёшдагиларнинг эҳтиёжлари ва муаммолари асосида ишлаб чиқилади.
Ёшлар таълимида ўқув дастурлар ва уларда ўзлаштирилиши лозим бўлган билим ва кўникмалар асосан ўзгармас ҳисобланади.	Ўқув дастур ҳажми объектив (янги маълумот киритиш) ва субъектив (эҳтиёж, муаммолар) сабабларга кўра ўзгариши мумкин.

Ёшлар ўқитувчи томонидан қўйиладиган умумий муаммоларни ечиши мумкин.	Катта ёшдагилар касбий фаолиятга доир хусусий муаммоларни бартараф этишга ҳаракат қилади.
Ўқитиш ёшларнинг дарсликларда мавжуд бўлган билимларни мажбурий ўрганишига йўналтирилади.	Ўқитиш катта ёшдагиларнинг касбий ва ҳаётий эҳтиёжларига ва амалий фаолиятига йўналтирилади.
Ўқитувчи ва бошқаларда мавжуд бўлган тажрибаларни ўзлаштириш орқали шахсий тажрибалар шакллантирилади.	Шахсий тажрибаси асосида ўқийди ва тажрибасини янада ошириш учун керакли маълумотлар олишга ҳаракат қилади.
Ёшлар фақат машғулотларда мажбурий ўрганиши лозим бўлган, чекланган билим ва кўникмаларни ўзлаштиради.	Катта ёшдагилар касбий фаолиятида қўллаш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни ўзлаштиради.
Ўқиш жараёнида асосий эътибор синовлар ва имтиҳонларни яхши топшириш, яхши баҳолар олишга қаратилади.	Ўқиш жараёнида асосий эътибор фаолиятини такомиллаштириш, касбий эҳтиёж ва қизиқишларини қондиришга қаратилади.
Ёшлар таълимида ўқитувчилар ўзлари асосан янги билимлар манбаси бўлиб хизмат қилади ва улар асосий билимларни беради.	Катталар таълимида ўқитувчилар янги билим ва кўникмаларни эгаллашда йўналтирувчи, маслаҳатчи бўлиб хизмат қилади.
Ўқиш жараёнида ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни келажакда қўллаш назарда тутилади.	Ўқув жараёнида билим ва кўникмалар ўзлаштирилиши билан амалиётда қўлланилади

Тьютор ушбу жадвалда келтирилган умумий гинетик хусусиятлар узлуксиз таълим тизимида масофавий курсларни ташкил этиш мақсадида “Кимни ўқитиш керак?”, “Нимани ўқитиш керак?”, “Қандай ўқитиш керак?” деган саволларга жавоб топишида ёрдам беради.

Таҳлил бажарилгандан сўнг, ўқув мақсадларини, курслар мазмуни, ўқитиш шакллари, методлари, воситалари, назорат қилиш усулларини

аниқлаштириш зарур. Бу масофавий курсларни режалаштириш, ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқишга киришиш имконини беради. Ўқув мақсадларини белгилашда мустақил ўзлаштириши мумкин бўлган мавзуларни масофавий равишда мустақил ва мураккаб мавзулар, амалий машғулотларни ишдан ажралган ҳолда таълим муассасасида ўтказишни режалаштириш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, масофавий курсларни ташкил этишда тьюторнинг маҳорати — узлуксиз таълим тизимининг барча турларининг ўзига хос хусусиятларини тўғри тасаввур қилиши ва таълим олувчилар аудиториясига кўра “Кимни ўқитиш керак?”, “Нимани ўқитиш керак?”, “Қандай ўқитиш керак?” деган саволларга ўз ўрнида, ўз вақтида тўғри жавоб топиши ва тўғри қарорлар қабул қилишидадир.

3.3. Масофавий ўқитиш курслари ўқув-методик материалларини ишлаб чиқишда тьюторлик фаолиятининг ташкил этилиши

Масофавий ўқитишни амалиётга жорий этишда албатта курснинг ўқув-методик материаллари, методик тавсиялар ва кўрсатмаларини ишлаб чиқиш ва уларни экспертиза, тажриба-синовдан ўтказиш талаб этилади. Бунда эса тьюторлик фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Тьютор масофавий ўқитиш курсларида шахсан ўзи томонидан ёки тегишли муаллифлар, мутахассислар томонидан тайёрланган ўқув материаллар асосида ўқув жараёнини олиб бориши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам тьютор масофавий курслар мазмунини ишлаб чиқиш ва унга қўйиладиган минимал талабларни билиши зарур.

“.....
Масофавий курснинг ўқув-методик материаллари шундай :
ишлаб чиқилган бўлиши керакки, бунда таълим олувчи ўқитувчи :
раҳбарлигида бажариладиган фаолиятдан мустақил равишда :
ташкил қилинадиган фаолиятга ўта олиши, ўқитувчи назоратини
ўзини-ўзи назорат қилиш билан максимал даражада алмаштира
олиши керак.”

Тьютор ўз фаолияти жараёнида масофавий ўқитиш курслари мазмунини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишдаги минимал талабларни аввалдан билиши зарур, шунинг учун масофавий ўқитиш курслари ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқиш масалаларини кўриб чиқамиз.



Бунда дастлаб масофавий ўқитиш курслари ўқув-методик материалларини ишлаб чиқишдан олдин унинг таркибий қисмини аниқлаштириб олиш лозим.

Масофавий ўқитиш курслари ўқув-методик материалларининг таркиби **3 та** асосий ва қўшимча ўқув материаллар ҳамда адабиётлар, ахборот манбалар рўйхатидан иборат бўлади ва уларнинг мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат [31].

1) Асосий ўқув материаллар — дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-методик мажмуалар ҳисобланади.

Асосий ўқув материаллар ихчамлаштирилган, ахборот узатиш технологияларига мослаштирилган, интерфаол ва турли хил аудио, видео, медиа шаклларда тақдим этилади. Асосий ўқув материаллар **таркибига** — ўқув материалларни ўзлаштиришини жорий текшириш мақсадида **интерфаол** ва **муаммоли вазиятли топшириқлар** ҳамда мураккаб тушунчалар, атамалар глоссарий сифатида киритилади. Асосий ўқув материаллар ва жорий назорат топшириқлари аниқ белгиланган мақсадлар асосида ишлаб чиқилади ҳамда таълим олувчилар томонидан мажбурий ўрганилиши ва бажарилиши лозим ҳисобланади.

2) Қўшимча ўқув материаллар — мавзуга оид ўрганилиши тавсия этиладиган меъёрий ҳужжатлар, иккинчи даражали ўқув қўлланмалар, аудио, видео, медиа ва бошқа материаллар ҳисобланади. Қўшимча ўқув материаллар таълим олувчиларга асосий билимларни кенгайтириш мақсадида ўз устида мустақил ишлаши учун тавсия сифатида берилади ва улар ихтиёрий равишда ўзлаштирилиши назарда тутилади.

3) Адабиётлар ва бошқа ахборот манбалари рўйхати. Масофавий ўқитиш курсида таълим олувчилар фойдаланилиши лозим бўлган адабиётлар ва бошқа ахборот манбалар рўйхати берилади. Бу рўйхатга қуйидагилар киради:

- меъёрий ҳужжатлар рўйхати;
- асосий ўқув адабиётлари рўйхати;
- қўшимча ўқув адабиётлари рўйхати;
- Интернет тармоқларидаги манбалар рўйхати;
- ОАВ материаллари рўйхати.

Масофавий курс ўқув материалларида фойдаланилган ва цитаталар олинган адабиётлар рўйхати алифбо тартибида ва юқорида келтирилган кетма-кетликда ёзилади.

Тьютор масофавий ўқитиш курслари ўқув материалларини амалиётга тақдим этилишида унинг таркибий қисми ва мазмунига қўйилган талабларни билиши ва бир вақтнинг ўзида мазкур талаблар асосида шахсан ишлаш кўникмасига эга бўлиши лозим.

Юқорида таъкидланган фикрлар таркибий қисмига қўйиладиган талаблар бўлса, бундан ташқари ўқув материаллар мазмунини ишлаб чиқишга қўйиладиган қуйидаги талаблар ҳам мавжуд.

Асосий ўқув материалларда мақсадлар ва кутилаётган натижаларни шакллантиришга қўйиладиган талаблар.

Масофавий курсда мақсадлар таълим олувчининг билим ва кўникмаларига қўйилган талабларга мувофиқ қўйилади ва ўқув дастурларда модулнинг мақсади аниқ ва равшан ифодаланади.



Масофавий курсларда мавзулар бўйича ўқув мақсадлар қўйилиши зарур. Бу мақсадларни эслаб қолиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, баҳолаш даражаларида шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Бунда **эслаб қолиш даражасида** таълим олувчи аниқ қоидалар, атамалар, тушунчалар, фактларни эслаб қолиши, билиши, тушуниш даражасида таълим олувчи фактлар, қоидалар, схема, жадвалларни тушуниши, мавжуд маълумотлар асосида келгуси оқибатларни тахминий тафсифлай олиши, **қўллаш** даражасида таълим олувчи олган билимларидан анъанавий ва ноанъанавий ҳолатларда фойдаланиши ва уларни тўғри қўллай олиши, **таҳлил қилиш** даражасида яхлит қисмларнинг ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ажрата олиши, фикрлаш мантиқидаги хатоларни кўриши, фактлар ва оқибатлар орасидаги фарқларни ажратиши, маълумотларнинг аҳамиятини баҳолай олиши, **умумлаштириш** даражасида ижодий иш бажариши, бирор тажриба ўтказиш режасини тузиши, бир нечта соҳалардаги билимлардан фойдаланиши, маълумотларни янгилик яратиш учун ижодий қайта ишлай олиши, **баҳолаш** даражасида таълим олувчи мезонларни ажрата олиши, уларга риоя қила олиши, мезонларнинг хилма-хиллигини кўриши, хулосаларнинг мавжуд маълумотларга мослигини баҳолаши, фактлар ва баҳоловчи фикрлар орасидаги фарқларни ажратиши лозим.

Тьюторлар мазкур мақсадлардан масофавий курслар ўқув материалларини ишлаб чиқишда ва таълим олувчининг ўзлаштириш даражасини баҳолашда самарали фойдалана олиши мақсадга мувофиқ.

Асосий ўқув материалларни ишлаб чиқишга қўйиладиган умумий педагогик талаблар.

Масофавий курс модуллари бўйича асосий ўқув материалларни синхрон ва асинхрон режимларига мос равишда ишлаб чиқишда қўйидаги умумий педагогик талаблар қўйилади.

Жумладан, масофавий курс ўқув материаллари модулли тамойил асосида ишлаб чиқилади ва унда таълим олувчиларнинг билим олишига қўйилган талаблар, эҳтиёжлар, диагностика натижасида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш, мавжуд тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ва куннинг долзарб масалалари қамраб олинади. Масофавий курс ишдан ажралмаган ҳолда амалга оширилиши имкониятларидан келиб чиқиб, ўқув материалларни амалиётда қўллаш, амалиёт жараёнида аниқ бир натижага эришишга қаратилган ҳолда ишлаб чиқилади.

Асосий ўқув материаллар ўқув мақсадларга эришиш учун тўғридан-тўғри хизмат қилмайдиган ва таълим олувчиларнинг эътиборини жалбитадиган ортиқча маълумотлар киритилмаслиги ва мазмуннинг қўйилган дидактик мақсадга эришишга етарлилиги таъминланиши ҳамда уларни мустақил ўзлаштириш учун зарур тушунтиришлар — топшириқларни бажариш учун йўл-йўриқлар, турли топшириқларни бажариш вақтида огоҳлантирувчи ёки йўналтирувчи товушлар, ёзувлар, автожавоблар билан бирга ишлаб чиқилиши керак.

Ўқув материаллар визуал ҳолатда — мазмунни англаш, тушуниб етиш, эслаб қолиш имконини берадиган кўرғазмали иллюстрациялар, тасвирлар, графиклар, чизмалар, жадваллар, схемалар, расмлар, хариталар, анимация эффектлари, аудио, видеолар ва бошқа мультимедиа воситалар асосида бўлиши ҳамда уларнинг турли қисмлари орасида интерфаол гиперҳаволалар мавжудлиги ва уларда ички ва ташқи ахборот манбаларига мурожаат қилиш имконияти яратилиши лозим. Модул ёки мавзунинг ўқув материаллари олдинги модул ёки мавзу материаллари билан мантиқий боғланган бўлиши, мураккаблик даражалилигини таъминлаш учун оддийдан мураккабга тамойили асосида ишлаб чиқилиши ҳамда унда масофавий ўқитиш шароитида қўллаш мумкин бўлган самарали методлар, воситалар, шакллардан фойдаланиш назарда тутилади.

Асосий ўқув материалларни ишлаб чиқишга қўйиладиган эргономик талаблар.

Анъанавий ўқитишдан фарқли равишда масофавий ўқитиш курсида ўқув материалларни асосан компьютер, планшет, телефон каби воситалар орқали ўқишда таълим олувчиларнинг кўриш ҳолатидаги зўриқишнинг олдини олиш, вақтни тежаш мақсадида ўқув материални ишлаб чиқишда қуйидаги эргономик талаблар қўйилади. Мазкур талаблар мисол сифатида iSpring Suite дастури асосида жорий этишга мўлжалланган ҳолда шакиллантирилди.

Масофавий курсларда ихчамлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган асосий ўқув материаллар слайдларга интерфаол шаклларда жойлаштириш ва iSpring Suite дастури имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда амалиётга жорий этиш мумкин. Бунда слайдлар сарлавҳалари бўлиши ва улар максимал маъно юкласига эга бўлиши, шунчаки асосий матнга қўшимча бўлмаслиги керак. Таълим олувчи сарлавҳа билан танишганида тегишли бўлимда ёки абзацда гап нима ҳақида боришини аниқ тасаввур қилишига эришиш лозим. Слайднинг ичидаги матнлар зарур ҳолларда алоҳида микроблокларга ёки мантикий фрагментларга ажратилиши ва улар ҳам алоҳида аниқ ифода қилинган сарлавҳага эга бўлиши мумкин.

Ахборотлар таълим олувчилар томонидан осон ва тез идрок қилиниши учун асосий мазмунни ҳамда кўзга яхши ташланмайдиган жойларда жойлашган объектларни, сўзларни, қисмларни энг самарали воситалар, турли хил кўринишдаги шрифтлар билан ажратиб кўрсатилиши лозим. Материалларни ўқиётган вақтда сўзларнинг ҳаракатланиши ёки ўлчамлари ўзгариб туриши сезиларли даражада ёмон идрок қилинишидан келиб чиқиб, матн кўзғалмас ҳолатда ёзилиши лозим. Таълим олувчи компютерида махсус шрифтлар бўлмаслиги мумкинлигидан келиб чиқиб, турли символлар, математик формулалар слайд матнига GIF-файллар кўринишида шаффоф фон билан қўйилади. Экранда бир вақтда тақдим қилинадиган объектлар сони кўп бўлса, улар маъноси бўйича гуруҳлаштирилади. Саҳифада кичикроқ иллюстрация, график, диаграмма ва бошқаларни жойлаштириш мумкин.

Материал овозли тайёрланганда, овоз ва кўринадиган сўзлар, расмлар ўзаро мос бўлиши керак ва расмий адабий сўзлардан фойдаланилади. Турли хил жаргон, шева каби сўзлардан фойдаланиш

керак эмас. Асосий ва қўшимча ўқув материаллари — RTF, MS Word, PDF ва аудио, видео шаклларда юклаб олиш имконияти бўлиши керак.

Масофавий курсда анимациядан фақат электрон тренажёр, виртуал лабораториялар, амалий кўникмаларни ривожлантиришни кўзда тутадиган қисмларда фойдаланиш керак, ахборот қисмида эса анимациядан кам фойдаланиш лозим. Чунки, ҳаракатланаётган тасвир одамнинг периферик кўриш қобилиятига кучли таъсир кўрсатади. Анимациядан қуйидаги мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилади:

- ўтиш жараёнларини кўрсатиб бериш учун;
- ҳаракатнинг йўналганлигини кўрсатиш учун;
- вақт ўтиши билан рўй берадиган ўзгаришларни кўрсатиш учун;
- саҳифада алоҳида акс эттирилган ахборотни алмаштириш учун;
- график тақдимотни бойитиш учун;
- ҳажмли структураларни визуализация қилиш учун;
- эътиборни жалб қилиш учун.

Слайдда видео материалдан фойдаланилганда таълим олувчилар унинг мазмуни тўғрисида тасаввурга эга бўлиши учун асосий ёки олдинги саҳифага видео материалдан бир нечта кадрларни жойлаштириш ва баъзи тавсияларни бериш лозим. Видео маърузани ишлаб чиқишда академик соатлар, яъни 40, 45, 80, 90 минут давом этадиган машғулотларнинг давомийлиги асос сифатида хизмат қилади. Бунда ушбу давомийликнинг фақат асосий жойларига видео маърузалар тайёрланиши ҳамда маърузани бир нечта мантиқан тугалланган қисмларга бўлиш ва орасида қисқа сўровлар ўтказиш, топшириқлар бериш орқали тақдим этилиши назарда тутилади. Видео маърузада маърузачининг матнни ўқиши, умуман маъруза қилиши, маълумотларни тушунтириши эмоционал хусусиятга эга бўлиши керак, уриторик саволлар, аудиторияга мурожаатларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ. Маърузачи нутқи интонация, талаффуз, овоз жаранги тозалиги бўйича намунали бўлиши керак.

Ахборотни оммавий маъруза кўринишида баён қилишдан ташқари видео маърузалардан муайян механизмларнинг ишлашини, бирор ҳодиса, воқеяларни намойиш қилиш, назарий билимлардан амалиётда фойдаланилишини кўрсатиш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Видео материалларни амалий вазиятларни таҳлил қилиш, гуруҳларда муҳокама қилиш учун материал сифатида ҳам қўллаш мумкин. Бу видео кейслар, видео топшириқлар сифатида хизмат қилади.

Мазкур эргономик талаблар масофавий ўқитишда тьюторлик фаолиятида таълим олувчиларнинг билим ва кўинкмаларини ривожлантириш учун ўқув материалларнинг талаб даражасида ишлаб чиқирилиши ва амалиётга жорий этилишида жуда муҳим аҳамият касб этади.

Назорат ишларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар.

Масофавий курсда модулар ва мавзулар бўйича ўқув материалларнинг ўзлаштирилишини текшириш мақсадида назорат ишлари қуйидаги талаблар асосида ишлаб чиқилади.

Масофавий курсда назорат топшириқлари айнан ўрганилаётган ўқув материаллар мазмунидан келиб чиқиб, ишлаб чиқирилиши талаб этилади. Назорат топшириқларининг барча жавоблари, яъни тўғрилари ҳам, вариант сифатида бериладиган нотўғри жавоблари ҳам ўрганилаётган ўқув материалга мос ҳолда ишлаб чиқирилиши лозим. Бунда тест синовидан ташқари, фикрлашга йўналтирилган — ижодий саволларга жавоб ёзиш, муаммоли топшириқларнинг ечимини ёзиш, лойиҳаларни бажариш, диаграммалар тузиш, алоқа воситаларида муҳокама қилиш, Интернет тармоғидан излаш ва бошқа турдаги назорат топшириқлари ишлаб чиқилади.

Масофавий курсда турли хил далилларни таҳлил қилиш орқали умумий хулосалар чиқариш ва умумий хулосалар асосида айрим ягона хулосалар чиқариш жараёнларини мустақил равишда амалга оширишга қаратилган топшириқларга асосий ўрин берилади. Таълим олувчиларнинг жавобидаги типик хатоларни аниқлаш, улар тўғрисида огоҳлантириш ва уларга йўл қўймаслик, уларни тузатиш тўғрисида йўл-йўриқлар бериб боришга оид маълумотлар ишлаб чиқирилиши зарур.

Масофавий курсда қўлланиладиган топшириқлар турлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- битта тўғри жавобли тест;
- кўп танловли жавобли тест;
- тўғри/нотўғри ёки ҳа/йўқ жавобли тест;
- қисқа жавобли топшириқ;
- жавоби сондан иборат топшириқ;
- жавобларни тартиб билан жойлаштириш;
- мосликни аниқлаш;

- бўш қолдирилган сўзлар ўрнига зарур сўзларни ёзиш;
- бўш қолдирилган сўзлар ўрнига тўғри жавобни танлаш;
- бўш қолдирилган сўзлар ўрини тўғри жавоб билан тўлдириш;
- эссе ёзиш;
- объектни танлаш;
- объектни танланган жойга қўйиш.

Тьюторлар масофавий ўқитишдаги фаолиятида юқоридаги каби тест топшириқларини шахсан ишлаб чиқишни билиши ва улардан амалиётда фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши лозим.

Шунингдек, масофавий ўқитишда кенг кўламда автоматик бажариладиган ва тьютор томонидан баҳоланадиган қуйидаги каби амалий топшириқ турларидан ҳам фойдаланилади:

файл кўринишида бажариладиган топшириқ — таълим оловчи томонидан бажарилган топшириқнинг натижалари битта файл кўринишида ўқув порталга жойлаштирилади ва тьютор томонидан тегишли мезонлари асосида баҳоланади;

матн кўринишида бажариладиган топшириқ — таълим оловчи томонидан жавобнинг матни бевосита ўқув порталдаги топшириқлар жавобини киритишга мўлжалланган дарчага киритилади ва тьютор томонидан тегишли мезонлари асосида баҳоланади;

ўқув порталдан ташқарида бажариладиган топшириқ — таълим оловчидан бирор бир топшириқ жавобини ўқув порталга юклаши талаб этилмайди. Бажарилган топшириқлар текшириш ва баҳолаш учун тьюторга нашр шаклида тақдим қилинади.

Масофавий ўқитишда анъанавийдан фарқли равишда топшириқларнинг бир нечта захира вариантлари бўлиши зарур, бу топшириқлар ва унинг жавоби тармоқ орқали тез тарқалиши билан боғлиқдир.

Масофавий ўқитиш курслари учун методик тавсиялар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар.

Масофавий ўқитиш курсларида таълим оловчиларнинг мустақил ўқиш жараёнида методик ёрдам кўрсатиш, қўйилган мақсадга эришишга йўналтириб бориши мақсадида тьюторлар томонидан методик тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилиши лозим.

Тьюторларнинг ўзига тегишли модуллари мазмунини ўрганиш

бўйича методик тавсиялар ва кўрсатмаларида қуйидагилар акс этиши мумкин:

- модул мазмунининг таълим олувчилар учун аҳамияти ва роли;
- модул мақсади ва кутилаётган натижалари;
- модулни ўрганишда таълим олувчиларнинг вазифалари;
- модулни ўрганиш вақтларини режалаштириш ва ташкил этиш;
- модулдаги асосий ва қўшимча материаллар ҳамда адабиётлар билан ишлаш бўйича тавсиялар.

Назорат ишлари бўйича методик тавсиялар ва кўрсатмаларда қуйидагилар акс этиши мумкин:

- курсда қўлланиладиган назорат ишлари турлари;
- ўзини-ўзи текшириш синовлари;
- назорат ишларини бажариш (қайта) шартлари ва муддатлари;
- амалий машғулотларни бажариш бўйича тавсиялар;
- баҳолаш мезонлари ва тартиби (балл кўрсаткич ва даражалари);
- якуний назоратга тайёрланиш бўйича маслаҳатлар;
- назорат ишлари якуни бўйича қабул қилинадиган қарорлар.

Тескари (қайта) алоқа қилиш бўйича методик тавсиялар ва кўрсатмаларда қуйидагилар акс этиши мумкин:

- қайта алоқа ўрнатиш воситалари турлари;
- қайта алоқа ўрнатиш усуллари ва шартлари;
- “таълим олувчи — тьютор — таълим олувчи» мулоқотини ташкил қилиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар.

Тьютор томонидан бу каби ишлаб чиқилган методик тавсиялар ва кўрсатмалар масофавий курс ўқув порталига жойлаштирилиши ва ундан таълим олувчилар мустақил фаолият юритишида самарали фойдаланишини таъминлаш лозим.

Ўқув-методик материалларни экспертиза ва тажриба-синовдан ўтказишга қўйиладиган талаблар.

Масофавий курс ўқув-методик материаллари янгидан ишлаб чиқилганида, унинг сифатини баҳолаш учун экспертиза ва тажриба-синовдан ўтказиш назарда тутилади. Экспертиза ва тажриба-синовда ўқув-методик материалларининг таркибий тузилиши, мазмуни, методологик, технологик жиҳатлари қуйидаги каби тартибда кўриб чиқиш мумкин:

ўқув-методик материалларнинг таркибий тузилишида ўқув материаллар тегишли йўналишлар бўйича таълим олувчиларнинг компетентлигига қўйилган талабларга, курснинг намунавий ўқув дастурлари, режаларига мувофиқлиги, масофавий курснинг ўқув-методик материалларини шакллантиришда таркибий тузилишига қўйиладиган талабларга мослиги кўриб чиқилади;

ўқув-методик материаллар мазмуни тегишли йўналишдаги таълим олувчилар учун белгиланган компетенциялар, малака талаблари, эҳтиёжлари, тизимли муаммоларни бартараф этишга, касбий диагностика асосида аниқланган бўшлиқларни тўлдиришга қаратилган ҳолда ишлаб чиқилганлиги кўриб чиқилади;

ўқув-методик материалларнинг методологик мувофиқлиги ўқув-методик материалларининг ишлаб чиқилиши анъанавий малака оширишдан фарқи равишда, методологик жиҳатдан синхрон ва асинхрон ўқитиш режимларига, масофавий ўқитишни жорий этиш моделлари, ўқитиш технологияларига мослиги ҳамда масофавий курс ўқув материалларини ишлаб чиқишга қўйиладиган умумий педагогик талаблар асосида ишлаб чиқилганлиги кўриб чиқилади;

ўқув-методик материалларнинг технологик мувофиқлиги ўқув-методик материаллар ўқув порталнинг дидактик функциялари ва имкониятига мослиги, эргономик талабларга риоя қилинганлиги кўриб чиқилади.

Янгидан ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар қуйидаги **босқичларда экспертизадан ўтказилиши** мумкин:

–янгидан ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар дастлаб ишлаб чиқилган кафедра ва бўлимнинг ички муҳокамасидан ўтказиш;

–ички муҳокамадан сўнг ўқув материаллар мазмунига яқин йўналишда фаолият юритадиган кафедра ва бўлимлар билан ҳамкорликда муҳокамадан ўтказиш;

–муҳокамалардан сўнг соҳанинг малакали, тажрибали, амалиётчи мутахассислар томонидан тақризлаш ва бошқа фикрларни ўрганиш асосида экспертизадан ўтказиш;

–ўқув-методик материалларнинг таркибий тузилиши, методологик, технологик мувофиқлиги жиҳатидан экспертиза ишларини тегишли бўлимлар билан биргаликда амалга ошириш;

–муҳокамалардан сўнг янгидан ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар ҳамкасблар, таълим олувчилар иштирокида синов

тариқасида курс ташкил этиш асосида тажриба-синовдан ўтказиш;

–муҳокама, тақризлаш, тажриба-синов ишларида аниқланган камчиликларни қайта таҳрирлаш орқали курсни амалиётга жорий этиш;

–курсни амалиётга жорий этишда таълим олувчиларнинг фикрларини ўрганиш, қайта алоқа ўрнатиш орқали ўқув-методик материаллар узлуксиз такомиллаштирилиб борилади.

Мазкур талаблар асосида масофавий курсларнинг ўқув-методик материалларини экспертиза ва тажриба-синовдан ўтказиш ўқув жараёнининг сифатли ташкил этилишига хизмат қилади.

Бу каби талаблар тьюторларнинг фаолиятини тизимли равишда ташкил этишга хизмат қилади.

3.4. Масофавий ўқитиш машғулотларида тьюторлик фаолиятининг ташкил этилиши

Масофавий ўқитишни жаҳон стандартлари асосида ташкил этиш учун замонавий ўқитиш шаклларида фаол фойдаланиш талаб этилади, бу ўз навбатида тьютор ва таълим олувчининг ўқув фаолиятини самарали амалга оширишга хизмат қилади.



Масофавий ўқитиш шакллари халқаро олимлар А.А.Андреев, Е.С.Полат, М.В.Моисеева, М.Е.Вайндорф-Сысоева, М.Ю.Бухаркина ва бошқаларнинг ишларида ёритилган [13, 19, 23].

Мазкур ишларда масофавий ўқитиш курсларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш учун қуйидаги концептуал педагогик қоидаларга асосланиш зарурлиги таъкидланган.

1. Ўқув жараёнининг марказида таълим олувчининг мустақил билим олиш фаолияти туради (ўрганиш, ўқитиш эмас). Ҳозирги кунда ахборотлашган жамиятда таълим бериш, мустақил билим олиш ва уларни амалиётда қўллаш одамларнинг ҳаёти давомида заруриятга айланди. Бунда таълим олувчилар томонидан масофавий курс материаллари мустақил ўрганилиши лозим бўлади, тьюторлар эса мустақил равишда таълим олувчиларни мақсадга йўналтириш ва уларнинг ўқув фаолиятини қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширади.

2. Масофавий ўқитиш таълим олувчиларга исталган жойда ва вақтда билим олиш имконини берадиган мослашувчан таълим тизими ҳисобланади. Бунда таълим олувчи нафақат маълум бир қўзланган билимларни ўзлаштиради, балки тьюторлар ёрдамида мустақил билим олишга, маълумот билан ишлашга ўрганади, келажакда амалиётда қўллаш мумкин бўлган усулларни ўзлаштиради ҳамда бу борада етарлича компетентлилик даражаси ошади.

3. Мустақил равишда билимларни эгаллаш нофаол бўлмаслиги керак, аксинча, фақат билимларни ўзлаштириш билан чекланиб қолмаслиги, балки атрофдаги мавжуд турли муаммоларни ҳал қилиш

учун уларни қўллашни таъминлаши керак. Бунда тьюторлар ёрдамида олиб борилган машғулотлар давомида таълим олувчилар, аввало, билимларни қандай эгаллашни ва амалда қўллашни ўрганишлари, зарур ўқув воситалари ва маълумот манбаларини излашлари ва ушбу маълумотлар билан ишлаш имкониятига эга бўлишлари керак.

4. Таълим олувчиларнинг мустақил ўқишида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш лозим. Бунда мустақил ўқиш фаолиятини ташкил этиш камида кунлик ўқиш, ҳар бир таълим олувчининг ички хусусиятларини очишни рағбатлантирадиган ва шу билан бирга шахснинг ижтимоий фазилатларини шакллантиришга ёрдам берадиган янги педагогик технологиялардан фойдаланишни ўз ичига олади. Аввало, тьюторлар ёрдамида лойиҳа услуги, ҳамкорликда ўқитиш, тадқиқот, муаммоли усуллар, кўп босқичли ўқитиш, модулли ўқитиш ва бошқалардан фойдаланиш зарур.

5. Масофавий ўқитишда ҳамкорлик қилиш. Масофавий ўқитишнинг ўзига хос хусусиятига кўра бир вақтнинг ўзида нафақат тьютор билан, балки бошқа иштирокчилар билан ҳам алоқа, турли хил билим ва ижодий фаолият жараёнида ҳамкорлик қилиш имкониятини истисно этмаслиги керак. Ижтимоийлаштириш муаммолари масофавий ўқитиш учун жуда долзарбдир.

6. Масофавий ўқитиш у ёки бу дифференциацияни назарда тутати, чунки у дастлаб таълим хизматларига қаратилган. Бинобарин, кўп даражали ўқитиш технологиялари ёки дидактикада маълум бўлган, ахборот технологиялари воситаларида мавжуд бўлган дифференциаллаш усуллари жуда зарурдир.

Умуман олганда, масофавий ўқитиш курслари тьюторлар учун таълим олувчиларнинг фаолиятини батафсил режалаштириш, уларни ташкил этиш, машғулотнинг мақсад ва вазифаларини аниқ баён қилиш, зарур ўқув материалларини етказиб беришни ўз ичига олади.


Масофавий курсларда ўқитиш шакллари сифатида синхрон маъруза, вебинар, маслаҳатлар, виртуал моделлаштирилган муҳитда ўтказиладиган амалий машғулотлар, мустақил ишлашга қаратилган машғулотлар, лойиҳалар ҳимояси ва бошқалардан фойдаланилади. Ушбу ўқитиш шакллари масофавий ўқитишда фойдаланишнинг айрим хусусиятларини кўриб чиқамиз.



Синхрон маъруза — таълим олувчиларга назарий жиҳатдан билим беришга қаратилган асосий машғулот ҳисобланади. Масофавий ўқитишда синхрон маърузага бўлган умумий, яъни илмийлик, шакл ва мазмун бирлиги, машғулотнинг бошқа турлари билан алоқаси каби талаблар сақланиб қолади. Синхрон маърузанинг мақсади — илмий билимларнинг тизимли асосини бериш, маълум бир фан соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини очиб бериш, энг мураккаб ва муҳим масалаларга эътибор қаратишдир.

Анъанавий ва масофавий ўқитишда маърузани ташкил этишнинг фарқлари мавжуд. Бунда ўқитувчилар маърузасидан фарқли равишда тьюторлар маърузаси масофавий ўқитиш шароитида асинхрон ва синхрон режимларда амалга оширилади, шунингдек, масофавий ўқитишда автомаърузалардан ҳам фойдаланилади.

Масофавий ўқитишда маърузалар тьютор билан жонли алоқа қилишни инкор қилмайди, шу билан бирга, у бир қатор устунликка ҳам эга. Жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб маърузани анимацияли ва виртуал кўринишда ташкил этиш мумкин бўлиб, бунда маърузаларни хоҳлаган вақтда ва хоҳлаган жойда, масофадан туриб тинглаш, кўриш, ўқиш мумкин.



Амалий машғулотлар — масофавий ўқитишда назарий ўзлаштирилган билимларни амалий ишларни бажариш орқали мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтиришга хизмат қилади ва ўз навбатида таълим жараёнининг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади. Тьюторлар амалий машғулотларни ўтказишда масофавий ва анъанавий ўқитиш орасида фарқларни билиши ва уни масофавий ўқитиш шароитида ташкил этиш кўникмасига эга бўлиши лозим. Анъанавий ўқитишда ўқитувчилар махсус асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан ишлайдиган бўлса, масофавий ўқитишда тьюторлар зарур бўлган асбоб-ускуналар ва бошқа жиҳозлар компьютерда виртуал моделлаштирилган муҳитда ўтказиши керак бўлади. Бунда осон ва мураккаб тажрибаларни, шу билан бирга, анъанавий ўқитишда ўтказиш қийин ёки имкони бўлмаган тажрибаларни ҳам масофавий шаклда ўтказиш имкони мавжуд бўлади.

Тажрибалардан кўриш мумкинки, амалий машғулотларни анъанавий таълим шароитида ўтказиш учун махсус асбоб-ускуналар талаб этилади ва моддий-техник базаси талаб даражасида бўлмаган таълим муассасалар учун ўтказиш қийинчилик туғдиради, аммо бу муаммоларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида виртуал моделлаштирилган муҳитда ташкил этиш ва ундан хоҳлаган вақт ва жойда масофадан туриб фойдаланиш мумкин.

Бунинг натижасида эса, ҳар бир таълим оловчи ўз компютерида мавжуд бўлган гўёки ўзининг хусусий амалий машғулоти ўтказадиган хонасига эга бўлади, деб ҳисоблаш мумкин. Бу каби имкониятлар амалий машғулотларни масофавий шаклда ташкил этиш борасида, албатта самарадорликка эришишга хизмат қилади.

Семинарлар. Масофавий ўқитишда семинарлар ташкил этиш ва ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Семинарлар масофавий ўқитишда форум, чат, видеоконференция, вебинар ва бошқа шаклларда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этиш мумкин. Ҳозирги кунда масофавий ўқитишда семинарларни ўтказишда интернет орқали веб-технологиялардан кенгроқ фойдаланилмоқда. Шундай технологиялардан бири вебинар ҳисобланади.




Вебинар — махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда интернет орқали таълим оловчилар билан интерфаол семинарлар ўтказиш шаклидир [58, 60]. Бунда тьютор ва таълим оловчи бир биридан маълум бир узоқликда жойлашган ҳолда тармоққа уланган компютер орқали ўқитиш, ўрганиш бўйича биргаликда фаолият юритади.

Вебинар ўтказиш тьютордан юқори даражадаги тайёргарликни, шунингдек, педагогик, психологик, эргономик ва бошқа нуқтаи назардан пухта ва обдон ўйланган ишланмалар ишлаб чиқишни талаб этади. Вебинар ўтказиш методикаси интернет-муҳитининг ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда юзма-юз маърузалар ва семинарлар ўтказиш методикасидан бир мунча фарқ қилади.

Тьюторлар томонидан сифатли вебинар ўтказилиши учун ахборотни аудиторияга содда, мантиқий, тушунарли тарзда етказиш, интерфаол мулоқотни қўллаб-қувватлаш, ахборотни максимал даражада тўлиқ баён қилиш малакаси билан бир вақтда вебинар ўтказишнинг юқори суръати, аудитория диққатини жамлаб туриш маҳорати ҳамда тьюторнинг ташкилотчилик қобилиятлари ҳам муҳим ҳисобланади.

Вебинарнинг асосий ютуғи иштирокчилар сони чекланмагани ва турли ҳудудлардан туриб иштирок этиш имконияти яратилишидан иборат. Бунда маслаҳатлар тьюторлар томонидан долзарб ва муаммоли масалалар бўйича тезкор маълумотлар шаклида берилиши мумкин.

Шунингдек, масофавий ўқитишда асосий ўқув машғулотлар билан биргаликда консультациялар, мустақил ишларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, тьюторлар томонидан таълим олувчилар учун консультациялар ташкил этиш.



Консультациялар — масофавий ўқитишда тьюторлар томонидан таълим олувчиларга ўқув материалларни мустақил ўрганиш жараёнида методик ёрдам кўрсатиш шаклининг бири ҳисобланади.

Консультациялар **индивидуал** ва **гурӯҳлар** бўйича ўтказилиши мумкин. Консультациялар вақтида таълим олувчининг индивидуал хусусиятлари сифатида интеллектуал, ахлоқ сифатлари, айниқса, онг ва психологик хусусиятларидан диққат, хотира, ўйлаш, фикрлаш қобилиятлари юзага чиқади.

Консультациялар қуйидаги режимларда ўтказилиши мумкин:

–синхрон (онлайн) — видеоалоқа дастурлари (Skype, Messenger, вебинар ва бошқа платформалар) ва чатдан фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

–асинхрон (оффлайн) — масофавий ўқитиш учун веб-сайт, форум, электрон почта орқали шахсий хабарлар.

Ушбу синхрон ва асинхрон режимлар асосида консультацияларни ташкил этиш масалаларини айрим алоқа воситалари мисолида кўриб чиқиш мумкин.



Индивидуал тьюторлик консультацияси тьюторлик ёрдам кўрсатишнинг индивидуал ташкилий шакли ҳисобланади ва тьютор билан ҳар бир таълим олувчининг шахсий ривожланиши ва таълим олиши билан боғлиқ муҳим масалаларни муҳокама қилишдан иборат бўлади.

Индивидуал тьюторлик суҳбатлари ёрдам кўрсатиш жараёнини кўпроқ мақсадга мувофиқ самарали ташкил қилиш, ҳар бир таълим олувчининг фаоллигини ошириш имконини беради.

Индивидуал тьюторлик консультациясининг **мақсади**, энг аввало, ҳар бир таълим олувчининг қобилияти, хусусияти, мулоқот кўникмалари ва бошқаларни ҳисобга олиш асосида мустақил ишлашини фаоллаштиришдан иборат ҳисобланади.

Тьюторҳарбиртаълимолувчибиланмулоқотгакиришганда таълим олувчининг имконияти, шароити даражаси ва индивидуал таълим олиш жараёнидаги муаммолари, қийинчиликлари аниқлаштирилади ҳамда уларнинг ечимлари муҳокама қилинади. Ушбу индивидуал тьюторлик консультацияси муваффақиятли ўтиши учун **диалогли ва эмоционал қулай муносабатлар** ўрнатилиши зарур. Диалогнинг асосини муаммони ечиш усулини биргаликда излаш ташкил қилади, бу диалог жараёнда тьюторлар ва таълим олувчилар ўз тахминларини айтишлари ва тенг равишда ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилишлари мумкин.

Умуман олганда, индивидуал тьюторлик консультацияси ҳар доим фақат таълимий эмас, келгусида ҳар бир таълим олувчига тегишли муаммоли вазиятнинг янада чуқурроқ таҳлилини ўтказиш мумкин бўладиган эмоционал самарага ҳам эга бўлиши лозим.

Гуруҳли тьюторлик консультацияси гуруҳлар кесимида ташкил этилган машғулотларда ва билим олишга қизиқишлари ўхшаш бўлган таълим олувчиларнинг индивидуал таълим дастурлари асосида ташкил этилган машғулотларда тьюторлик ёрдам кўрсатиш шаклида амалга оширилади.

Бундай гуруҳли машғулотлар доирасида, тьютор бир вақтда бир нечта турдаги ишларни, **яъни мотивацион, коммуникатив ва рефлексив** ишларни амалга оширади (16-расм).



16-расм. Масофавий ўқитишда гуруҳли консультацияларнинг турлари

Тьюторнинг **мотивацион иши** таълим олувчиларнинг билим олишга қизиқишларини ривожлантиришга бўлган мотивация даражаси, кутаётган турли натижалари, уларнинг индивидуал таълим олиш дастурларини тузишдаги устуворликлари ва мақсадларининг боғланишини аниқлашдан иборат бўлади.

Тьюторнинг **коммуникатив иши** гуруҳда икки томонлама алоқани ва унинг натижалилигини таъминлашга, диалог олиб бориш кўникмасига йўналтирилган бўлади, чунки самарали тьюторлик олиб бориш учун таълим олувчилар билан тьюторнинг биргаликдаги иши ҳам, таълим олувчилар орасидаги ўзаро муносабатлари ҳам муҳимдир.

Тьюторнинг **рефлексив фаолияти** гуруҳда тушунишни таъминлашга, конструктив танқидни ўз вақтида ташкил қилиш ва жамоавий ечимни излашга йўналтирилган. Айнан тьюторлик машғулотларида рефлексия шундай гуруҳли хусусиятга эга бўлади ва уни ўтказиш давомида муҳокама қилинаётган масалалар бўйича гуруҳнинг жамоавий ечими аниқланади. Рефлексия ҳар бир машғулотда ўтказилиши муҳим ва унда гуруҳдаги барча таълим олувчилар фаол иштирок этишлари зарур.



Масофавий ўқитишда тьютор индивидуал ва гуруҳли консультация ўтказишда ҳисобга олиши зарур бўлган «ошкор этилмайдиган» деб номланган қуйидаги қоидалар мавжуд [33]:

–консултациялардан ўғит, панд-насихат қилиш учун фойдаланмаслик керак, акс ҳолда, бундай тадбирлар бошланишининг


ўзидаёқ ижодий кайфиятни тушириб юборади;

– тьюторлик консультациясини биргаликда ижод қилиш жойига айлантиришга ҳаракат қилиш лозим;

– таълим олувчиларга консультация ўтказиш учун суҳбат мавзуларини танлаш имкониятини бериш зарур;

– ёдда тутиш керак, рефлексияга одатланиш ва унинг учун керакли кўникмалар аста-секин ҳосил бўлиб боради, олдинига тьютор томонидан рефлексив саволлар таклиф қилиниши мумкин, кейинроқ эса, таълим олувчилар ўзлари учун аҳамиятли мавзуларни ўзлари шакллантиришлари мумкин.

Шундай қилиб, таълим олувчилар билан олиб бориладиган **тьюторлик консультациясининг типологиясини** мавжуд тажрибаларга кўра қуйидагича ифодалаш мумкин (17-расм).



**17-расм. Масофавий ўқитишда тьюторлик
консультациясининг типологияси**

Масофавий ўқитишда тьюторлик консультацияси типологиясининг мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат.

Бошланғич консультация — масофавий курс бошида ўтказилади, унда тьютор таълим олувчилар билан биргаликда энг зарур мақсадлар ва вазифаларни белгилайди, ўзларининг кутаётган натижаларини ифодалайди, ишларни индивидуал ёки гуруҳ бўйича режалаштиради.

Таҳлилий консультация — масофавий курснинг маълум бир босқичи ва бунда таълим олувчилар дуч келган қийинчиликлар, кутилмаган ҳолатлар таҳлил қилинади ҳамда амалга оширилган ишларнинг «ютуқлари» ва «камчиликлари» аниқланади, шунингдек, келгусида бажариладиган вазифалар юзасидан таклифлар айтилади.

Ишчи консультация — масофавий ўқитишда амалга оширилган жорий ишларнинг натижаларига кўра, индивидуал таълим олишдаги қийинчиликлар, уларнинг сабаблари ва бартараф қилиш усуллари белгиланади.

Якуний консультация — масофавий ўқишда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал таълим олишининг маълум бир босқичида дастлаб қўйилган мақсадлар ва вазифалар бўйича олға силжиши қайд қилинади ва бу бўйича тегишли маслаҳатлар берилади.

Мавзули консультация — масофавий курснинг ўқув режасида белгиланган мавзулар, таълим олувчиларнинг талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Масофавий ўқитишда ўтказиладиган тьюторлик консультацияларининг мавзуларини гуруҳдаги барча таълим олувчилар билан муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ. Бу бир томондан хайрихоҳлик муҳитини ва консультациянинг ўзини ўтказишда ўзаро тушунишни ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди, бошқа томондан эса, тьюторлар ва таълим олувчиларни биргаликдаги ижодий изланишга ундайди, бунинг натижасида консультациянинг унумдорлигини таъминлайди.

Тьюторлик ўқув семинари (тьюториал). Масофавий ўқитишда тьюторлик ўқув семинари таълим олувчиларнинг фикрлаш, коммуникатив ва рефлексив фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилган фаол гуруҳли таълимни назарда тутати. Бу индивидуал таълим дастурларини тузишда модели ва ностандарт вазиятлардан фойдаланиш тажрибасини эгаллашга йўналтирилган интерфаол ва интенсив таълим методларини қўллаган ҳолда ўтказиладиган очик ўқув машғулоти дир [37].

Тьюторлик ўқув семинари, масофавий ўқитиш жараёнини жонлантириш ва хилма-хиллаштириш, таълим олувчиларнинг билим олиш фаолиятларини фаоллаштириш, ижодий қобилиятларини намоён қилишга чақириш, назарий билимларни амалда қўллашга ундаш мақсадларига ҳам хизмат қилади.

Тьюторлик ўқув семинарининг етакчилари ролида тьюторлар ёки таълим олувчиларга юқори савиядаги ёрдам кўрсатишни амалга оширувчи тегишли соҳанинг малакали мутахассислари бўлади. Улар масофавий ўқитиш жараёнини фаоллаштиришга ёрдам беради: гуруҳда ўзаро ишонч, бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, қизиқиш, манфаатдорлик муҳитини яратади ва сақлаб туради, ишда шахсий тажрибаларидан фойдаланади, фаол таълим методларини: ишчанлик ўйинлари ва ролли ўйинлар, гуруҳли баҳс-мунозаралар, case-study, тренинглар, «ақлий ҳужум» методи ва бошқаларни жорий қилган ҳолда гуруҳ ишининг ва ўз ҳаракатларининг рефлексиясини амалга оширади.

Тьюторлик ўқув семинарини ташкил қилишда қуйидаги хусусиятларни ҳисобга олиш зарур:

- машғулотнинг мақсадлари мазмун билан боғлиқ равишда (муаммоли вазият ечимини излаш, амалий кўникма ва малакаларни мустақкамлаш, маълум шароитлардаги ҳаракатлар моделини ишлаб чиқиш ва бошқалар);

- машғулот шакли (ишчанлик ўйини ёки ролли ўйин, тренинг, ақлий ҳужум, тақдимот, ўқув вазияти таҳлили, тўғарак стол, конференция, лойиҳа ҳимояси ва бошқалар);

- машғулотни ўтказишда унинг самарадорлигини ошириш, кўргазмалиликни таъминлаш, вақтни қисқартириш ва машғулот мақсади, техник имкониятлар ҳамда тьюторнинг у ёки бу техник воситадан эркин фойдаланишига боғлиқ равишда видеолар, слайдлар, компьютердан фойдаланиш мумкин;

- машғулотда ижобий психологик муҳит яратиш методлари ва йўлларида фойдаланиш;

- машғулотнинг мавзуси, мақсади ва шакли — таълим олувчилар мустақил равишда ўз тайёргарликларини кўриш учун уларнинг эътиборига олдиндан етказилиши лозим.

Агар тьюторлик ўқув семинари ролли ёки ишчанлик ўйин шаклида ўтказилса, гуруҳ аъзолари билан муҳокама қилиш ва имконият даражасида ҳар кимга унинг учун фақат энг қизиқарли эмас, шу билан бирга, унинг индивидуал интеллектуал ва психологик хусусиятларига ҳам мос бўлган ролни ёки ишнинг бирор қисмини топшириш учун ролларни тақсимлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тьюторлик ўқув семинарларини ташкил қилиш самарадорлигини ошириш учун тьютор уларни ўтказишни таълим олувчилар билан биргаликда таҳлил қилиши зарур.

Тьютор таълим олувчилар томонидан конструктив ва самимий баҳо берилишидан манфаатдор бўлгани учун у бундай таҳлилий гуруҳли ишни ўтказиш вақтида ҳар турли фикрлар, эҳтимол бўлган салбий фикрларни ҳам қўшган ҳолда, билдириладиган шароитда ишлашни билиши лозим. Бундай фикрлар танланган мавзуга ҳам тьюторлик ўқув семинарининг мазмунига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Тьюторнинг бундай иши таълим олувчилар томонидан индивидуал ва гуруҳли рефлексия технологияларини эгаллашга, умуман гуруҳ

ишининг самарадорлиги натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Синхрон тренинг. Сўнгги вақтларда синхрон тренинглар тьюторлик ёрдам кўрсатишнинг самарали шаклларида бири сифатида тьюторлар томонидан борган сари фаол қўлланилмоқда. Синхрон тренинг вақтида зарур кўникма ва малакаларни ўзлаштириш фақатгина уларни эслаб қолишни эмас, балки тренинг иши вақтининг ўзидаёқ дарҳол амалиётда фойдаланишни назарда тутати.

Синхрон тренингларда, тьюторлик ўқув семинарларидагидек, лекин бир мунча интенсив равишда фаол таълимнинг турли методлари — ишчанлик ўйинлари, ролли ва имитацион ўйинлар, муайян вазиятлар таҳлили ва гуруҳли баҳс-мунозаралар кенг қўлланилади. Тренинг вақтида рефлексия, психологик зўриқишни пасайтирадиган ижобий эмоционал муҳит туфайли ҳамда асосий тартиб қоидаларини эгаллаш орқали келгусидаги тьюторлик ёрдамларини кўрсатиш учун ижобий шароитлар яратилади.

Тренинг вақтида **асосий иш қоидаларига** қуйидагилар киради:

- тренингда иштирок этаётган барча таълим олувчиларни гуруҳ ишига жалб қилиш, уларнинг интеллектуал, эмоционал, жисмоний фаолликларини намоён қилишни назарда тутадиган фаолликни ўрганиш;

- таълим олувчиларнинг муҳокамаларда иштирок этиш, машқлар, топшириқларни бажариш вақтида бир-бирларини эмоционал қўллаб-қувватлашлари, мулоқотда самимийлик ва ишонччилик бўлишини таъминлаш;

- таълим олувчига бевосита баҳо беришларга йўл қўймаслик (шахсий сифатлари эмас, фақат уларнинг муайян ҳаракатлари баҳоланади);

- гуруҳларда бўлаётган ҳамма нарсаларнинг сир сақланиши.

Тренингни ўтказишда муҳим роль тьюторга берилади, у тренингни ўтказиш вақтида кўп жиҳатдан **фасилитатор** — таълим олувчиларга ташаббус кўрсатишларини ва ўзаро фаолиятларини енгиллаштирувчи, зарур ҳолда психологик ёрдам кўрсатувчи, лекин ҳеч қандай ҳолда баҳо бермайдиган одам ролида бўлади. У эътибор ва ғамхўрликни намоён қилган ҳолда тренинг гуруҳида ўзаро қабул қилиш ва эмпатик ҳамфикрлик муҳитини яратади.



Чат — таълим олувчиларга реал вақт давомида синхрон равишда ёзма мулоқот қилиш имкониятини беради. Чат бир марталик тадбир бўлиши ёки ҳар кун ёки ҳар ҳафтада бир вақтда тақорланиши мумкин.

Чат-сессиялар сақланиб қолади ва ҳамма ёки айрим фойдаланувчиларнинг кўриши учун имконият берадиган бўлиши мумкин. Масофавий ўқитишда махсус чат кабинетлар ташкил этилади ва унда тьюторлар таълим олувчиларнинг турли хил саволларига жавоблар бериши, мақсадга йўналтириш бўйича тегишли тавсияларни бериши мумкин.



Форум — тьютор билан таълим олувчилар ва таълим олувчилар ўзаро бир-бирлари билан мулоқотларини амалга оширишнинг жиддий воситаси ҳисобланади.

Бу мулоқот тури асинхрон деб номланади, у “бир вақтда рўй бермайдиган”, деган маънони билдиради. Форум мулоқотнинг асинхрон тури бўлгани туфайли, таълим олувчиларнинг жавоб беришда шошилмасликлари ва тайёрлаган маълумотларини жўнатишдан олдин текшириб кўришларига имкон берилади. Курснинг ушбу элементи ёрдамида тьюторлар томонидан кўп сонли мунозаралар ташкил қилиш ва ўтказилиши мумкин.

Тьютор таълим олувчилар учун форум ташкил қилиш жараёнида уларнинг фаолиятини бошқариши зарур ва тьютор масофавий ўқитиш машғулоти графигида таълим олувчиларнинг саволларга жавоблар беришлари ҳамда шу ҳақда улар юборадиган хабарлар устидан назоратнинг қандай даврийликда олиб борилиши тўғрисида хабардор қилиши лозим. Шунингдек, тьютор таълим олувчиларнинг форумдаги фаолликларини баҳолаш мезонларини ўрнатиши ҳам зарур. Таълим олувчиларнинг иштирокини рағбатлантиришнинг пировард стратегик вазифаси уларнинг мустақил форумлар ўтказишлари ҳисобланади.



Вики — битта лойиҳа устида бир нечта тьютор ва таълим олувчининг биргаликда ишлаш имкониятини берадиган восита ҳисобланади. Бунда таълим олувчилар курсни ўрганиш давомида ушбу воситанинг имкониятларидан

фойдаланиб биргаликда конспект тузишлари мумкин. Таълим олувчилар викига янги мақолаларни қўшишлари, мақоланинг мазмунини ўзгартиришлари, шарҳлар ёзишлари мумкин.

Шундай қилиб, масофавий ўқитишда тегишли модулар бўйича мураккаб ёки долзарб масалалар юзасидан тьютор ва таълим олувчи орасида консултациялар ўтказиш, фикр алмашишлар, ижодий ишлаш муҳитини яратиш юқорида таъкидланган воситаларнинг бирортаси орқали амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, масофавий ўқитишда таълим олувчилар учун тьюторлар томонидан мустақил ишлар ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мустақил иш — бу анъанавий ўқитиш тизимида барчага маълум шакл. Лекин у масофавий ўқитишда асосий ҳисобланиб, мустақил иш индивидуал, жуфт ёки гуруҳлар бўйича ташкил этилиши лозим. Мустақил иш жараёнида таълим олувчилар орасида ўзаро ёрдам беришни ташкил этиш ўзининг ижобий томонларини кўрсатиши тажрибалардан маълум.

Тьюторлар масофавий ўқитиш жараёнида таълим олувчиларнинг мустақил ишлаш фаолиятини қуйидагилар бўйича ташкил этиши мумкин.

- назарий материал ва адабиётларни мустақил ўқиш;
- маъруза ва семинарларга тайёргарлик кўриш;
- топшириқларга жавоб тайёрлаш;
- имтиҳонга тайёргарлик кўриш.

Ушбу мустақил ишларни масофавий ўқитиш машғулотларининг таркибий қисми сифатида киритиш мумкин. Масофавий ўқитиш курсларида самарали ўқиш учун, таълим олувчилар мустақил таълим олиш кўникмаларини, ўқув материаллар билан мустақил ишлашни, режалаштириш методларини эгаллаган бўлиши лозим.

Тьюторлик фаолиятида аниқ ўқитиш шакллари танлаш тьюторнинг қатъий индивидуал танлови ҳисобланади ва тьюторнинг ўзиулардан қайсиларини шахсий ва касбий жиҳатлардан афзал кўриши ҳамда таълим олувчининг ёш ва шахсий хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Тьюторлик фаолиятида таълим олувчилар билан ишнинг дастлабки босқичида тьютор кўпинча гуруҳни жипслаштиришга, ўзаро ишончни ҳосил қилишга, ўзига ишонадиган бўлишга, ҳамкорлик ва ўз мавқеини, ўрнини белгилаб олиш кўникмаларига эга бўлишларига йўналтирилган ижтимоий-психологик тренинглардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Масофавий ўқитишда тьюторлик ёрдам кўрсатишнинг асосий **натижаси** сифатида эркин, мустақил ва ташаббускор таълим олувчини шакллантириш ва ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш ҳисобланади. Таълим олувчиларнинг мустақиллигини ташкил қилувчилар сифатида қуйидаги **4 та асосий** жиҳатларни белгилаш мумкин:

- масофавий ўқитиш жараёнида таълим олувчининг фаолиятида ташқи мажбурлашнинг йўқлиги;

- масофавий ўқитиш жараёнида турли хил муаммоли вазиятда ташқи муҳит имкониятларидан фойдаланиш мумкинлиги;

- масофавий ўқитиш жараёнида турли хил вазиятларда фаолият юритиш учун ҳар хил техник имкониятлар, усулларнинг мавжудлиги;

- масофавий ўқитиш жараёнида ички фаолликни ошириш мақсадида таълим олувчининг эркин, мустақил, ташаббускорлик ҳаракатларни намоён қилиш имконини берадиган психологик сифатлар йиғиндисининг мавжудлиги.

Булар мустақил ва ташаббускор таълим олувчини шакллантириш ва ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этади.

3.5. Масофавий ўқитишнинг дидактик воситалари ва ундан фойдаланиш

Масофавий ўқитишда дидактик воситалар курс мазмунини тақдим этиш, таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш, ривожлантириш, ўқув фаолиятини бошқариш, назорат қилишга хизмат қилади. Кенгроқ маънода масофавий дидактик ўқитишда воситалар таълим мақсадларига эришишга ёрдам берувчи ҳисобланади.

Анъанавий таълим шаклида ўқитувчилар ўқитиш воситалари объектив — дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, компьютер, слайдлар, синф доскасидаги ёзувлар, плакат, кодоскоп, магнитофон, лаборатория жиҳозлар, асбоб-ускуналар кабилар ва субъектив — ўқитувчи нутқи, намунаси, муайян фаолиятига оид мисоллар ва бошқалардан фойдаланади. Шунингдек, ўқув жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган тарқатма материаллар — карточкалар, саволномалар, йўриқномалар, қизиқарли савол ва топшириқлар, амалий ишни ташкил этиш бўйича технологик хариталар ва ҳоказолар ҳам мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, масофавий ўқитишда ҳам босма ўқув материаллар кўринишидаги анъанавий ўқитиш воситалари кенг қўлланилади. Шу билан бир қаторда, масофавий ўқитишда анъанавий ўқитиш воситаларининг ўрни ва аҳамиятини сақлаган ҳолда, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситаларига устунлик берилади. Бунинг учун тьюторлар ўқув материалларнинг ҳар бирини ўзига хос дидактик хусусиятларга эга бўлган бир неча хил ўқитиш воситалари асосида акс эттиришга ҳаракат қилади.



Мавжуд адабиётларда масофавий ўқитишда фойдаланиладиган ахборот-коммуникация технологиялари воситаларининг дидактик функциялари ва уларни амалиётда қўллашда тьюторларнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Масофавий ўқитишда самарадорликни ошириш мақсадида фойдаланиладиган ахборот-коммуникация технологиялари

воситаларининг дидактик **функциялари** [23; 13 б] ва бу воситаларни амалиётда қўллаш учун тьюторлар томонидан амалга ошириладиган ишлар қуйидагилардан иборат:

- воситалар тьюторлар учун таълим олувчиларга методик, техник ёрдам кўрсатиш ва тезкор маслаҳат беришга хизмат қилади;

- тьюторлар учун воситалар таълим олувчиларнинг қизиқтирган саволларига тезкор маълумот бериш орқали билим ва кўникмаларни ривожлантиришга эришишга хизмат қилади;

- тьютор ва таълим олувчилар орасида мулоқот кўникмалари, бунда фикрларни қисқа ва аниқ билдириш, бошқаларнинг фикрини тинглаш, мунозарали муҳитга мослашиш, ўз фикрларини асослаш, исботлаш ва шу каби кўникмалари ривожлантирилади;

- тьюторлар учун амалий хусусиятга эга бўлган машғулотларни виртуал моделлаштирилган муҳитда ўтказиш имконияти яратилади;

- тьюторлар ва таълим олувчиларнинг турли хил манбалардан маълумотларни олиш, саралаш, қайта ишлаш ва мустақил равишда масофавий маълумотларни юбориш ва қабул қилиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Юқорида таъкидланганларнинг ҳаммаси масофавий ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари воситаларининг дидактик функциялари ҳисобланади ва улар асосида тьютор билан таълим олувчининг ўқув фаолияти самарали ташкил этилади.

Масофавий ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари воситаларнинг дидактик хусусиятлари ва функциялари ҳақида фикр юритилганда, қуйидаги иккита муҳим омилни ёдда тутиш керак [23; 14 б].

Биринчиси ўқитиш (мустақил ўқиш эмас) таърифига кўра, тьютор ва таълим олувчининг ўзаро фаолиятини ўз ичига олади. Шу тарзда тьюторнинг ўқув жараёнида мавжуд бўлиши мажбурий ҳисобланиб, у ўқув жараёнини бошқариш функциясига эгадир.

Иккинчиси ҳар бир ўқув жараёни муайян дидактик концепцияга асосланади ва у мазмун, усул, ташкилий шакллар ҳамда ўқув воситаларини танлашни белгилайди.

Мавжуд адабиётларда масофавий ўқитишда фойдаланиладиган дидактик воситаларнинг таркибий қисми сифатида қуйидагилар келтирилган [23, 30, 56]:

- электрон дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-методик қўлланмалар;

–ўқув-методик мажмуалар (ўқув режа, дастур, ўқув материаллар, тавсиялар, глоссарий, адабиётлар рўйхати, назорат саволлари);

–водкаст, подкаст материаллар;

–компьютерли ўқитиш дастурлари, мультимедиа иловалар;

–виртуал лаборатория машғулоти;

–электрон тренажёрлар;

–электрон кутубхоналар ва медиатека;

–электрон таълим ресурслари ва манзиллар;

–виртуал моделлаштирилган муҳит;

–назоратни амалга оширувчи дастурлар ва бошқалар.

Мазкур дидактик воситаларнинг айримларини кўриб чиқамиз.



Электрон дарслик — давлат таълим стандарти талаблари асосида юқори илмий ва услубий даражада яратилган, муайян ўқув фани бўйича таълим мақсади, ўқув дастури

ва дидактик талабларга мувофиқ белгиланган билимларни берувчи манба сифатида белгиланадиган электрон нашр ҳисобланади.

Мавжуд адабиётларда электрон дарсликлар қуйидаги дидактик вазибаларни бажариши таъкидланган ва бу ўз навбатида тьюторлар учун ҳам масофавий ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади:

–рағбатлантириш (таълим оловчиларни фанни ўрганишга йўналтириш, уларда фан асосларини ўзлаштиришга нисбатан ижобий муносабат ва қизиқишни шакллантириш);


–ахборот узатиш (таълим оловчиларга ахборотларни етказиш, самарали усуллар ёрдамида уларнинг билимлари ҳажмини кенгайтириш);

–назорат-тузатиш (машқ қилиш; таълим жараёни, унинг натижаларини текшириш, таълим оловчиларда ўзини баҳолаш, тузатиш лаёқати ва зарур кўникма, малакаларни шакллантириш учун машқларни тавсия этиш);

–мувофиқлаштириш (материал устида ишлаш жараёнида таълимнинг бошқа воситалари — хариталар, кўргазмали материаллар ва бошқаларни жалб этиш);

–ривожлантириш-тарбиялаш (дарслик мазмунининг таълим олувчиларга маънавий-ахлоқий таъсир кўрсатиши, китоблар билан ишлаш жараёнида улардан меҳнатсеварлик, фаол фикрлаш, ижодий қобилият каби сифатларни шакллантириш);

–ўқитиш (дарслик билан ишлашда мустақил билим олиш учун зарур бўлган конспект ёзиш, умумлаштириш, асосийсини ажратиб кўрсатиш, мантиқий эслаб қолиш каби малакаларни ривожлантириш).



Электрон шаклдаги ўқув қўлланмалар — бу дарслик таркибини кенгайтирувчи ва тўлдирувчи, босма иллюстратив материаллар, мультимедиа элементлари ва интерфаол ҳаволаларга мос келадиган тузилиши ва таркибига мос келадиган электрон шаклда тайёрланган электрон нашр.

Тьюторлар электрон шаклдаги ўқув қўлланмалардан масофавий ўқитиш жараёнида кенг қўллашни ташкиллаштириши мумкин, бу иллюстратив материаллар, мультимедиа элементлари ва интерфаол ҳаволалардан кенг фойдаланиш имкониятини беради.



Электрон таълим ресурси — электрон шаклда тақдим этиладиган, ўз ичига предметлар мазмуни ва медиаматълумотларни оладиган электрон таълим ресурси ҳисобланади. Одатда, электрон таълим ресурслари — бу элементлар ва манбалар бўлиб, уларни танлаш ўқув мақсадларидан келиб чиқади.

Тьюторлар электрон таълим ресурсларини масофавий ўқитишда электрон шаклда тақдим этиладиган медиаматълумотлардан кенг фойдаланишда ўқув мақсадларга эришишини таъминлаши зарур.



Электрон кутубхона — анъанавий шаклдаги кутубхоналарнинг электрон кўриниши деб ҳисоблаш мумкин. Электрон кутубхона навигация ва қидириш воситалари билан таъминланган турли хил электрон манбалардан иборат бўлади.

Тьюторлар масофадан ўқитишда модуллар бўйича асосий ва қўшимча ўқув материаллардан фойдаланишни, бунда қўшимча ўқув материалларни асосан электрон кутубхонада сақлашни назарда тутиши мақсадга мувофиқ.



Медиатека — «Медиа» (лат. media — medium сўзидан келиб чиқиб — восита, воситачи) — бу нафақат аппарат воситалари, балки қўшимча қурилмалардан алоҳида сақланадиган ва тарқатиладиган сақлаш воситаси ва қўшимча равишда ахборотнинг ўзи ҳисобланади.

Тьюторлар масофадан ўқитиш курсларида медиатеканинг таркибий қисми сифатида қуйидагилардан фойдаланиши мумкин:

- машғулотлар учун мультимедиа материаллари;
- мультимедиа энциклопедиялар, луғатлар;
- интерфаол репетиторлар;
- таълим олиш ва уни ривожлантиришга оид дастурлар;
- медиа объектларини йиғиш (аудио, видео, мультимедиа манбалари ва бошқалар);
- таълим олувчилар томонидан тайёрланган лойиҳалар тўпламлари ва яқуний мультимедиа тақдимотлари.



Электрон тренажёр — бу индивидуал ўрганиш учун воситадир, бу сизга матн киритиш, график объектлар билан ишлашнинг автоматик кўникмалари, ёзма ва оғзаки сўзлашув, машқ қилиш, диагностика ва ўқув функцияларини бажариш имконини беради.

Тьюторлар электрон тренажёрлардан таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларини аниқлаш ва аниқланган бўшлиқларни бартараф этиш бўйича ўқув материалларини ўзлаштиришини ташкиллаштириши мумкин.



Компьютер дастурлари — ўқитишга йўналтирилган дастурий воситалар, ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Тьюторлар учун компьютер дастурлари қуйидагиларни бажаришда ёрдам бериши мумкин:

- ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференцияллаш;
- диагностика ўтказиш ва аниқланган хатоликларни тузатиш бўйича қайта алоқа қилишни амалга ошириш;
- ўқув фаолиятида ўзини ўзи назорат қилиш ва тузатишни амалга ошириш;
- кўп меҳнат талаб қиладиган ҳисоблаш ишларни тезкорлик билан бажариш ҳисобидан ўқиш учун етарли вақт ажратишга эришиш;
- ўқув маълумотларини визуаллаштириш;
- ўрганилаётган жараёнлар ёки ҳодисаларни моделлаштириш ва имитация қилиш;
- табiiй ҳолатда ўтказиладиган лаборатория ишлари ва тажрибаларни виртуал муҳитда амалга ошириш;
- турли хил вазиятларда оптимал қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантириш;
- назарий, кўргазмали таққослаш фикрлашини ривожлантириш;
- дастурий воситаларнинг визуаллиги ва ўйинли вазиятлари билан ўқишга бўлган мотивацияни кучайтириш;
- когнитив фаолияти маданиятини шакллантириш ва бошқалар.




Дидактик аудио ва видео ўқув материаллари — масофавий курсларда дидактик аудио ва видео ўқув материаллар жуда фойдали воситалардан бири ҳисобланади.

Булар ҳар бир мавзунинг мазмун-моҳиятини таълим олувчиларга етказиш ва қўйилган дидактик мақсадга эришишда самарали ёрдамчи воситалардир.


Тьюторлар таълим олувчилар учун модуллар бўйича ўқув материалларни аудио, видео шаклда исталган жойда ва вақтда

кўриш, эшитиш имкониятини яратиши мумкин. Бу кўплаб таълим оловчиларга соҳанинг энг яхши, тажрибали мутахассисларнинг маърузаларини тинглаши, кўришига имкон беради. Бунда видео материаллар катта дидактик юкни ўз зиммасига олишига тўғри келади, чунки анъанавий аудиторияда етказиш мураккаб бўлган ҳолатларни видеолар орқали кўргазмали, анимацион, образли етказишга тўғри келади. Видео материалларнинг ушбу имкониятлари туфайли бошқа ўқув қўлланмалар, китоблардан устунлик қилиши мумкин. Шунинг учун видео материалларда тушунтирилиши лозим бўлган маълумотларни сифатли ишлаб чиқирилиши учун замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.



Виртуал конструкторлар — математик ва жисмоний ҳақиқатнинг визуал ва рамзий моделларини яратишга ва бундай моделлар билан тажриба ўтказишга имкон берадиган дастурий воситалар ҳисобланади.

Тьюторлар виртуал конструктор орқали таълим оловчиларга ўзлаштирилиши лозим бўлган маълумотларни моделлаштириш ва визуаллаштириш орқали етказиш имконини яратиши мумкин. Бу таълим оловчиларнинг ўқув вазифаларини моделлаштирилган муҳитда бажариш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади.



Синов муҳити — автоматлаштирилган тестларни ишлаб чиқиш ва қўллаш имконини беради, бунда таълим оловчи тўлиқ ёки қисман компьютер орқали топшириқ олади ва топшириқнинг натижаси автоматик равишда тўлиқ ёки қисман баҳоланади.

Шундай қилиб, масофавий ўқитишда қайси ўқитиш воситасидан фойдаланишдан қатъий назар, тьютор билан доимий маслаҳат қилиш имконияти таъминланиши, таълим оловчиларга мустақил ўқиш, қўшимча адабиётларга кам мурожаат этиш зарур ҳисобланади.

Шу ўринда савол тўғилади, масофавий ўқитиш воситалари анъанавий ўқитиш воситаларидан нимаси билан фарқ қилади? Шунини таъкидлаш жоизки, масофавий ўқитиш воситалари асосан

интерфаоллиги — маълумотлар алмашиш тезлиги ҳисобланади. Масофавий ўқитишда интерфаоллик асосий тушунча ҳисобланади.

Масофавий ўқитишда интерфаол электрон таълим ресурслари билан дидактик мақсадларга эришиш мақсадида фойдаланиш тьюторлар билан таълим оловчиларнинг фаол мулоқотлар ўрнатишида зарур ҳисобланади.

3.6. Масофавий ўқитиш методлари ва уларни амалиётда қўллашда тьюторлик фаолияти

Масофавий ўқитишда тьюторлар томонидан асинхрон ва синхрон ўқитиш режимларга мос равишда замонавий методларни қўллаш умумий таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Одатда анъанавий таълим жараёнида қўлланиладиган бир қатор замонавий методлар масофавий ўқитиш жараёнида ҳам қўлланилади. Анъанавий ўқитишдан фарқли равишда масофавий ўқитиш шароитида методларни қўллашда тьюторлар ва таълим олувчиларнинг ташаббус кўрсатишларига имкониятлар яратилиши, кичик гуруҳ, катта гуруҳ, бутун гуруҳ жамоаси биргаликда ишлаши учун топшириқлар бериш, ёзма ишлар бажариш ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда ўзига хос аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу йўналиш бўйича халқаро тажрибаларда бир қатор тадқиқотлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Халқаро тажрибаларда масофавий ўқитишда фойдаланиладиган методлар классификация қилинган ва ўзига хос хусусиятлари ва уларни амалда қўллаш аҳамиятига кўра қуйидаги 4 та гуруҳга бирлаштирилган [23, 30].



18-расм. Масофавий ўқитишда методлар классификацияси

Мазкур масофавий ўқитишда фойдаланиладиган методлар классификацияси элементларининг ўзига хос хусусиятлари ва мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат.

1. Тьютор ва таълим олувчининг биргаликдаги фаолиятининг минимал ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда электрон таълим ресурсларини мустақил ўқишни таъминлашга қаратилган методлар. Бунда масофавий ўқитиш курси ўқув дастурдан келиб чиқиб, модуллар, мавзулар бўйича турли хил электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш назарда тутилади. Масалан, электрон дарсликлар, электрон ўқув қўлланмалар, виртуал лаборатория ишлари, виртуал тренажёрлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

2. Тьютор ва таълим олувчининг якка ёки бошқа таълим олувчилар билан ўзаро мулоқот қила олишидан иборат ўқитиш ва ўқишнинг индивидуаллаштирилган методлари (якка тартибдаги таълим методи). Бу методлар масофавий ўқитишда турли хил алоқа воситалари асосида ва бошқа интерфаол ҳамкорлик ўрнатиш мумкин бўлган дастурлар орқали амалга оширилади.

3. Тьютор томонидан ўқув материални баён этишга асосланган, таълим олувчилар коммуникацияда фаол роль ўйнамайдиган методлар (бир киши кўпчиликини ўқитиш). Бу методлар анъанавий ўқитиш тизимига хос бўлиб, замонавий ахборот технологиялари асосида янгича ривожланиб бормоқда. Масалан, синф-дарс шаклида аудиторияда ўтказиладиган маърузалар ҳозирги кунда масофавий ўқитишда турли видео алоқалар асосида ўтказиладиган маърузаларга алмаштирилади.

4. Ўқув жараёнининг барча иштирокчилари орасидаги ўзаро фаол алоқани тавсифловчи методлар (“кўпчилик-кўпчиликка” таълими). Бу методлар ахборот-коммуникация технологияларининг жадаллик билан ривожланиб бориши билан боғлиқ равишда сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Таълим олувчиларнинг кичик гуруҳларга бўлиниб биргаликда, ҳамкорликда ўқитишга йўналтирилганлиги билан масофавий ўқитишда катта қизиқиш уйғотишга сабаб бўлади. Шунингдек, ушбу методлар шахсга йўналтирилган ўқитиш муаммоларини ечишни самарали ҳал этишга хизмат қилади.

Мазкур классификация ва бошқа тажрибаларга асосланган ҳолда масофавий ўқитишда қўлланиладиган айрим методларни мавжуд тажрибалар асосида кўриб чиқамиз.

Мавжуд тажрибалар шуни кўрсатадики, ўқитиш методикаси соҳасидаги йирик мутахассисларнинг бири И.Я.Лернер томонидан ишлаб чиқилган ўқитишнинг **5 та** умумий дидактик методи анъанавий ўқитишда қўлланилмоқда, улар **ахборот-рецептив, репродуктив, муаммоли ўқитиш, эвристик ва илмий-тадқиқот методлар ҳисобланади** [45]. Бу методлар масофавий ўқитишда ҳам қўлланилади ва уларни қўлланилишида муҳимлик, аҳамиятлилиқ даражасига кўра қуйидагича акс эттириш мумкин (19-расм).



19-расм. Масофавий ўқитишда дидактик методларни қўллаш муҳимлилиқ даражаси

Мазкур методлар масофавий ўқитишда тьютор ва таълим олувчининг ўзаро алоқасида педагогик таълим беришнинг барча жиҳатларини қамраб олади ҳамда уларнинг орасидан эвристик методлардан фойдаланишни кўпроқ самарали бўлади деб ҳисоблаш мумкин [13, 19, 23, 32, 35, 47].

Эвристик метод — бу йўналтирувчи саволлар бериш йўли билан ўқитиш, топқирлик, фаолликни ривожлантиришга ёрдам берувчи таълим методи бўлиб, ўқув-изланиш жараёнидан иборат ва таълим олувчида оптималлаштирилган тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилади. Эвристик методлар масаланинг ечимига бевосита олиб борадиган аниқ қоидалардан фойдаланиш имконини бермайди.

Бутьютортомонидан фақат оддий эмас, балки мураккаб масалаларни ҳам ижодий, ностандарт ечишни ўргатишда фойдаланиладиган турли йўللار ва усуллар ҳисобланади. Эвристик методлар гуруҳига мунозара, ролли ўйинлар, ишчанлик ўйинлари, вазиятлар таҳлили ва бошқалар киради. Бу методларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

Мунозара методи. (лотинча discussion — тадқиқот, кўриб чиқиш, таҳлил). Мунозара методи жамоа иштирокидаги очиқ баҳс бўлиб, унинг мақсади турли нуқтаи назарларни аниқлаш ва солиштириб кўриш, ҳаққоний фикрни излаш, аниқлаш, баҳсли масаланинг тўғри

ечимини топишдан иборат. Баҳс-мунозара бирор бир натижага эришишда ёки бир фикрга ёки хулосага келишда энг самарали усул ҳисобланади. Мунозарани масофавий ўқитиш шароитида ташкил этишда тьюторлар томонидан мавзу бўйича савол мазмунини ва тегишли кўрсатма ва тавсияларни таълим олувчиларга аввалдан тақдим этиши ва уларга тайёргарлик кўришига имконият яратиш мақсадга мувофиқ.

Тьютор мунозара худди семинардагидек савол-жавоб тарзида ўтказилмаслигига алоҳида эътибор қаратади ва бунда тьютор таълим олувчилар қизғин равишда ўзларининг фикр ва мулоҳазалари ҳамда таклифларини асосли равишда ҳимоя қилиши ҳамда лозим топилган тақдирда турли манбалардан мисоллар келтирган ҳолда ўз ғояларида қатъий туриши каби тарзда ўтишини ташкиллаштиради. Бунда ўзгаларнинг ҳам фикр-мулоҳазаларига ҳурмат билан қараган ҳолда иш олиб бориш керак бўлади.

Тьютор таълим олувчиларнинг фикрларини тўғри йўналтириб туради ва умумий жараёни мувофиқлаштиради, бошқаради. Тьютор мунозаралар масофавий ўқитишнинг танланган моделига мос равишда олиб борилишини ташкиллаштиради, масалан тармоқ орқали ташкил этилганда форум, чат, вебинар шаклларида ўтказилиши мумкин. Бунда тьютор топшириқлар, йўл-йўриқлар, маслаҳатлар, турли хил эслатмаларни эълонлар саҳифасига аввалдан ёзиб қўяди ва таълим олувчилар улардан фойдаланган ҳолда баҳс-мунозарада қатнашади.

Дидактик ўйинлар методи. Амалиётда мавжуд бўлган барча ўйин турлари функционал, мавзули, конструктив, дидактик, спорт ва ҳарбий ўйинларга ажратилади. Буларнинг орасидан дидактик ўйинлар ўқитиш вазифаларини амалга ошириш имкониятини бериши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Тьюторлар дидактик ўйинларни анъанавий ўқитишдан фарқли равишда масофавий ўқитиш шароитида қўллашни билиши лозим. Сабаби, ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологиялари асосида амалга оширилаётган дидактик ўйинлар алоҳида ўринга эга бўлиб бормоқда. Жумладан, **компьютер воситалари асосидаги ўйинлар** — тегишли мавзуга доир мультимедиа, виртуал тренажёрлар ва бошқа электрон дастурлар асосида амалга оширишга қаратилган ўйинлар. Шунингдек, **ишчанлик ўйини** — мавзу бўйича масалаларни ҳал этиш жараёнида таълим олувчиларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш орқали янги билимларни ўзлаштириш машқи

ҳисобланади, **ролли ўйин** — мавзу бўйича масалаларни ўрганишда таълим олувчиларга олдиндан маълум ролларни тақсимлаш ва дарс жараёнида шу ролни бажаришларини ташкил этиш асосида билимларни мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Масофавий ўқитишда бу методларни қўллашда ўқув портали ўйин муҳити бўлиб ҳисобланади, мулоқот эса, виртуал бўлади. Тьюторлар томонидан масофавий ўқитишда ролли ўйинлар ва ишчанлик ўйинларидан фойдаланиш бўйича ҳамма зарур материаллар ўқув порталга жойлаштирилади ва унда вебинар, чат каби алоқа воситалари кенг қўлланилади. Бу каби алоқа воситалари билан машғулотларни ўтказиш жараёнида видео материалларни кўрсатиш ёки аудио файлларни тинглаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Муаммоли ўқитиш методи. Бу методлар масофавий ўқитишда таълим олувчиларнинг диққатини долзарб муаммолар ва уларнинг ечимини топишга қаратиш, уларнинг билиш фаоллигини ошириш ва муаммони ечиш бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга ёрдам беради. Бунда таълим олувчилар масофавий курсларда турли гуруҳларда ишлаши мақсадга мувофиқ.

Тьюторнинг вазифаси ўқув жараёнини кузатиб, уларни қўйилган мақсадга эришиш учун тўғри йўналтириб боришдан иборат бўлади. Тьюторлар масофавий курс машғулотлари жараёнида муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш ва уларни ечиш усулларини олдиндан кўзда тутишлари керак.

Тьюторлар масофавий ўқитишда асинхрон ёки синхрон режимларда муаммоли вазиятларни яратиш, ҳал этиш, уларнинг ечимларини топиш жараёнини қуйидагича ташкил этиши ва олиб бориши мумкин.

Масофавий ўқитиш шароитида муаммоли вазиятларни яратиш усуллари қуйидагилардан иборат:

- тьютор таълим олувчиларга мавзу билан боғлиқ зиддиятли ҳолатни тушунтиради ва уни ечиш йўлини топишни таклиф қилади;
- бир масалага доир турли нуқтаи назарларни баён қилади;
- ҳал этиш учун етарли бўлмаган ёки ортиқча маълумотлар бўлган ёки саволнинг қўйилиши нотўғри бўлган масалаларни ечишни таклиф этади.

Масофавий ўқитиш шароитида муаммоли вазиятни ҳал этиш даражаси қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- тьютор муаммони қўяди ва ўзи ечади;
- тьютор муаммони қўяди ва унинг ечимини таълим олувчилар билан биргаликда топади;
- таълим олувчиларнинг ўзлари муаммони қўяди ва унинг ечимини топади.

Масофавий ўқитиш шароитида муаммоли вазиятларни ечишда қўлланиладиган усуллар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- муаммони турли нуқтаи назардан ўрганиш, таҳлил қилиш;
- солиштириш, умумлаштириш;
- фактларни аниқлаш ва қиёслаш;
- вазиятга боғлиқ хулосалар чиқариш;
- таълим олувчиларнинг ўзлари аниқ саволлар қўйиши ва бошқа.

Мазкур босқичларни масофавий ўқитиш шароитида тўғри қўллаш тьюторлар ва таълим олувчилардан фаолликни талаб қилади. Анъанавий ўқитишдан фарқли равишда масофавий ўқитишда тьюторлар томонидан топшириқларнинг таълим олувчиларга тўғри етказилиши асосий вазифаларнинг бири ҳисобланади.

Вазиятлар таҳлили ёки кейс, казусларни масофавий ўқитиш шароитида ечишни ўргатиш йўли билан таълим бериш ҳам мумкин. Вазиятлар таҳлилининг асосий мақсади назарий билимларни амалиётда қўллашга, тўғри стратегик ва тезкор қарорлар қабул қилишга ўргатишдан иборат.

Вазиятлар таҳлили методи асосида муайян ҳолатда келиб чиқадиган вазиятни таҳлил қилишга ва амалий ечимини ишлаб чиқишга йўналтирилган яқка ёки гуруҳнинг ҳамкорликдаги иши ётади. Кейс таҳлили натижаси — таклиф қилинган алгоритмларни баҳолаш ва энг яхшисини қўйилган муаммо асосида танлашдан иборат.

Масофавий ўқитиш шароитида ушбу методни қўллашда маълум қоидалар бўйича муайян реал ҳаётда рўй берган вазиятнинг модели ишлаб чиқилади ва таълим олувчилар олишлари керак бўлган билимлар ва амалий кўникмалар комплекси акс эттирилади.

Тьюторнинг вазифаси — таълим олувчиларни ягона эмас, кўп маълумотларни олишга, яратилган муаммоли майдонда мўлжал ола билишга ўргатишдир. Бунда тьютор бошловчи, саволни чиқарувчи,

жавобларни ҳисобга олувчи, мунозарани қўллаб-қувватловчи ролида бўлади.

Вазиятлар таҳлили методи назарий билимларни амалий вазифаларни ҳал этишда қўллаш имконини берувчи воситадир. У мустақил фикрлаш, тинглаш ва альтернатив нуқтаи назарни ҳисобга олиш, ўз фикрини далиллар билан айтиш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Тьютор томонидан таълим олувчиларнинг таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларини намоён қилиши, жамоада ишлашни ўрганиши, қўйилган муаммоларнинг энг рационал ечимини топиш кўникмалари ривожлантирилади.

Тьюторлар томонидан масофавий ўқитишда кейс, казусларни ечиш ёки унинг муҳокамаси электрон ахборот-таълим муҳитида ўтказилади, бунда тьюторлар муҳокама қилинадаган кейслар, казуслар ёки бошқа муаммолар вазиятлар аввалдан тегишли саҳифага жойлаштириши лозим.

Ахборот-рецептив метод тьютор билан таълим олувчининг бирга ишлашини тушунтириш-иллюстратив усул билан ташкил этиш ҳисобланади. Бу метод масофавий ўқитиш шароитида зарурий билимларни назарий материаллар, лаборатория ишлар, намойиш тажрибалар ва турли анимацияли иловалар, виртуал тренажёрлар асосида таълим олувчиларга етказиш назарда тутилади. Бунда тьютор тайёр ахборотни етказиш, таълим олувчи эса, ахборотларни қабул қилади, тушунади ва ўз онгида шакллантиради. Бунда билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш мумкин, лекин ижодий қобилиятни оширишни таъминламайди.

Репродуктив метод тьютор томонидан тайёр билимнинг етказилиши ва қабул қилиниши билан боғлиқ. Бу методларга ҳикоя, тушунтириш, маъруза, намойишли тажрибалар, ўқув дарслик билан ишлаш, компьютер технологиялари ва бошқалар киради. Ушбу методлар масофавий ўқитиш жараёнида тьютор ва таълим олувчи ўртасидаги ўзаро фаолиятнинг умумий педагогик ҳаракатларини қамраб олади.

Амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланадиган методлар тегишли фанларни ўқитишда таълим олувчиларнинг назарий ўзлаштирган билимларини лаборатория ишлари, масалалар ечиш, намойиш тажрибалар ўтказиш ва бошқаларда қўллашда муҳим ҳисобланади. Бунда тьюторлар анъанавий ўқитишдан фарқли

равишда ахборот-коммуникация технологиялари воситалари, виртуал моделлаштирилган муҳитда фаол фойдаланиши талаб этилади.

Лойиҳалаш методи муаммони ҳал этиш йўлларининг кетма-кет, босқичма-босқич, тушунган ҳолда ҳамда аниқ далилларга таяниб, қўйилган мақсад сари дадил қадамлар билан бориш демакдир. Натижада яхлит умумлаштирилган аниқ мақсадга эришилади.

Тьюторлар мазкур методни масофавий ўқитиш шароитида амалда қўллашда таълим олувчиларнинг назарий билимларини, аниқ бир маҳсулотни яратишда қўллаш, уларни тақдимот ёки дискуссиялар орқали ҳимоя қилиш ҳамда ақлий ҳужум, ролли, ишга оид ўйинлардан ҳам самарали фойдаланиш назарда тутилади.

Тьюторлар масофавий ўқитишда асинхрон ва синхрон режимларда самарали бажаришга қаратилган лойиҳалардан кенг фойдаланиши лозим. Шунингдек, тьютор лойиҳада иштирок этаётган таълим олувчиларни ўзаро келишган ҳолда амалга ошириш мумкин бўлган усуллар асосида натижаларга эришишга йўналтириши керак.

Масофавий ўқитиш шароитида бажариладиган лойиҳа ишларида таълим олувчилар ўз шерикларини кўрмасликлари мумкин. Лекин кичик гуруҳларни тузишда айрим таълим олувчиларнинг олдиндан тармоқ орқали мулоқат қилиш орқали таниш бўлиб қолганликларини ҳисобга олиш керак бўлади. Бунда тьюторлар таълим олувчиларнинг ўзаро алоқаларини чат, форум, вебинар ва бошқа алоқа воситалари ёрдамида мулоқотда бўлишларини ташкиллаштириши зарур.

Лойиҳалаш методи асосида таълим олувчиларнинг билимларни ўзлаштириш, ижодий тафаккурини рағбатлантириш, мустақил равишда ўз билимини ривожлантириш ва турли хил электрон дарсликлар, электрон ўқув қўлланмалар, мультимедияли иловалар ва бошқа электрон таълим ресурслари билан ишлашда танқидий фикрлашини ривожлантириш имкониятлари яратилади.

Ҳамкорликда ўқитиш масофавий ўқитиш шароитида ижодкор шахсини шакллантиришга йўналтирилган ижодий муҳитни яратиш, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тьюторлар масофавий ўқитиш шароитида ҳамкорликда ўқитиш жараёнини ҳамкорликда фикр алмашиш, суҳбат, таҳлил, музокара, амалий вазифалар бажариш, бирор нарсани яшаш, масалалар ечиш ва бошқалар тарзида амалга ошириши мумкин. Бунда тьютор — кичик гуруҳ, тьютор — катта гуруҳ, тьютор — таълим олувчи, таълим олувчи

— таълим олувчи каби жуфтликда ишлашига тўғри келади.

Тьюторлар ҳамкорликда ўқитиш методларини амалда қўллашда қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим. Жумладан, таълим олувчилар умумий вазифаларнинг ечимини топишга эришиш ёки ўрганиш фаолиятини амалга ошириш учун гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган ҳамда ижтимоий қабул қилинган хулқ-атвор мезонларига риоя қилиши, таълим олувчилар ижобий ва мустақил бўлиши ўқув жараёнининг талаб даражасида амалга оширилишига таъсир кўрсатади.

Масофавий ўқитиш шароитида ҳамкорликда ўқитишнинг ҳар бир методининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда қўллаш самарадорликни таъминлашда хизмат қиладиган омиллардин бири ҳисобланади.

Геймификация — бу ўқув жараёнида ўйинли вазиятлар бўлмаган ҳолда ўқувга оид ўйин элементларидан фойдаланишни назарда тутадиган янгича атама ёки ёндашувлардан бири ҳисобланади. Геймификациядан кўзланган асосий мақсад — таълим олувчиларни ўқув жараёнида турли хил билишга оид ўйинлар орқали фаоллаштиришдан иборат [32].

Масофавий ўқитиш шароитида геймификациянинг турлари сифатида қуйидагиларни кўриш мумкин. Мавзуга доир топшириқларни масофавий ўқитиш воситалари асосида ўйин шаклда қўллаш имкониятини яратиш ва унинг давомини одатий жараёнига айлантириш ҳамда мавзуга оид билимларни ўзлаштиришни осонроқ қилиш учун тьюторлар томонидан турли хил рағбатлантириш усулларида фойдаланилиши, бунда асосийси, таълим олувчи нима учун рағбатлантирилганлигини англаши муҳим аҳамият касб этади. Сабаби, бу таълим олувчини фаоллаштиришга хизмат қилади. Бунда тьютор нафақат яхши ишни, балки таълим олувчилар томонидан кўрсатилган янгича маҳоратларини ҳам рағбатлантириши керак бўлади, бу ҳам ўз навбатида таълим олувчиларнинг янги қирраларини очишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, масофавий ўқитишда замонавий методларни қўллаш анъанавий ўқитишда қўллашдан бироз фарқ қилади. Бунда методлар мазмунан деярли бир хил бўлса-да, шакл жиҳатидан, яъни асинхрон ва синхрон режимларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалда қўллаш зарурлиги томонларидан фарқ

қилади. Бу каби фарқларни тьюторлар албатта билиши талаб этилади.

Масофавий ўқитиш шароитида замонавий методларни қўллаш натижасида таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш, зарурий хулосалар чиқариш, ўз фикрини эркин баён қилиш, уни асосланган ҳолда ҳимоя қила билиш, фаол мулоқот, мунозара, баҳс олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда тьюторлар ва таълим олувчилар, таълим олувчиларнинг ўзаро ўртасидаги фаолликни оширишни таъминлаш мумкин.

3.7. Масофавий ўқитишда назорат ишларини ўтказишда тьюторлик фаолияти

Масофавий ўқитиш курсларини ташкил этишда унинг сифатини холис ва самарали баҳолаш, назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур масаланинг ижобий ҳал қилиниши масофавий курснинг самарали амалга оширилиши ва таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларига қўйилган талабларга мос бўлишига хизмат қилади.

“.....
Масофавий ўқитишда назорат ишларини самарали ташкил этиш учун тьютор биринчи навбатда қандай мақсад қўйиши, қандай натижа кутиши, таълим олувчи қандай назорат ишларини бажариши кераклиги ва баҳолаш мезонларини аниқлаб олиши керак.”

Амалиёт шуни кўрсатадики, катта ҳажмдаги назорат ишларини бир неча босқичларга бўлиш тавсия этилади ва шу билан таълим олувчининг топшириқни бажариши осонлашади ва у тьютор томонидан тезкорлик билан текширилиши, баҳоланиши мумкин.



Масофавий ўқитишда қўлланиладиган назорат ишларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллаш масаласи муаллиф томонидан жаҳон ва маҳаллий тажрибалар асосида тайёрлаган услубий қўлланмаларда бироз мунча ёритилган [31, 32].

Мазкур назорат ишлари турларидан айримларини тьютор томонидан қўлланилишини қисқача кўриб чиқамиз. Масофавий ўқитишда назорат ишларининг турлари ва уларни ўтказишнинг вақтлари қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин (20-расм).



20-расм. Масофавий ўқитиш курсларида назорат ишлари турлари ва уларни ўтказиш вақтлари

Бу чизма асосан малака ошириш курслари учун тўғри келади. Мазкур назорат ишлари турлари ва уларни ўтказишнинг мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат.

Дастлабки назорат — ўқитиладиган модуллар бўйича таълим олувчиларнинг билимларини аниқлашга қаратилган. Бошланғич назорат натижалари тьюторга таълим олувчилар билан бирга ишлаш учун ўз ишларини режалаштириш, билим ва кўникмаларини диагностика қилиш, қайси мавзуларни ўқитишга кўпроқ вақт ажратишни аниқлаш, таълим олувчиларнинг индивидуал таълим олиш траекториясини шакллантириш учун имконият беради.

Жорий назорат — тьюторлар томонидан таълим олувчиларнинг модуллар бўйича ўқув материалларни ўзлаштирганлигини текшириш, кундалик назорат қилиш мақсадида ўтказилади. Жорий назоратга мавзуни ўрганишдан олдин бериладиган турли хил ўзини-ўзи текшириш қаратилган диагностик саволлар ва мавзуни ўзлаштирганлигини текшириш ва билимларини мустақамлаш мақсадида бериладиган турли хил машқ ва топшириқлар ҳам киради.

Бунда ҳар бир янги мавзу бўйича ўқув материалларни ўқиш, ўрганиш олдидан таълим олувчиларга турли хил диагностик саволлар берилади, бу диагностик саволлар жорий назорат жараёнида берилса ҳам, аслида шу мавзу бўйича бошланғич назорат ҳисобланиб, тьютор ёки компьютер томонидан баҳоланмайди, фақат таълим олувчига ўрганмоқчи бўлиб турган мавзуга киришиш, янги мавзу ҳақида ўйлаш, фикрлаш, тасаввурга эга бўлишига ёрдам беради ҳамда мотивациясини оширишга хизмат қилади.

Тьюторлар учун жорий назорат ўта муҳим дидактик ғояга эга бўлиб, таълим олувчиларнинг ўқув жараёнидаги натижаларини ҳолислик билан баҳолаш, йўл қўйилган хато, камчиликларни ўз вақтида тузатиш имконини беради ҳамда албатта, натижаларга қўра, навбатдаги иш давомида ҳисобга олиниши зарур бўлган вазиятларни аниқлаштиришга ёрдам беради.

Оралиқ назорат — ҳар бир модул охирида модулнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган синов иши ўтказилиши назарда тутилади. Оралиқ назорат таълим олувчиларнинг модул бўйича берилган ўқув материалларини қай даражада ўзлаштирганликларини текширишлари учун берилади. Бу назорат орқали таълим олувчи ўзини ҳолисона баҳолаши, лозим топганда, модулни қайта ўрганиб чиқиши мумкин бўлади.

Оралиқ назорат топшириқлари тегишли мезонлар асосида баҳоланади ва белгиланган ўтиш балидан кам натижага эришган таълим олувчини етарли балл тўплай олмаган деб ҳисоблаш мумкин.

Якуний назорат — масофавий ўқитиш жараёнида таълим олувчининг эгаллаган билим ва кўникмаларини аниқлаш ҳамда ўқиш сифати мониторингини олиб бориш учун ўтказилади. Бу назорат курс якунида таълим олувчилар ўқув материалларини қанчалик ўзлаштирганликлари, шу материалларда берилган вазифаларни қанчалик даражада бажара олишларини аниқлаш ва шу асосда уларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини текшириб баҳолаш мақсадида ўтказилади. Ушбу назорат материаллари бутун курс мазмунини қамраб олган якуний тест саволлари ва турли хил лойиҳа ишларини ҳимоя қилишдан иборат бўлади.

Масофавий ўқитиш курсларида ўқув фаолияти қандай ва ким томонидан баҳоланишини аниқлаштириш ва уларнинг вазифаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунга эътибор қаратиладиган бўлса масофавий ўқитишда баҳолаш ишлари тьютор, иштирокчилар жамоаси, автоматлаштирилган тизим, таълим олувчиларнинг ўзини-ўзи ва бошқа таълим олувчиларни баҳолаши мумкин. Бу жараён қандай амалга оширилишини кўриб чиқамиз.



Тьютор томонидан баҳолаш. Назорат ишларини баҳолаш тьютор томонидан амалга оширилганда, таълим олувчиларнинг тьютор билан шахсий алоқа ўрнатиши ва утаълим олувчининг муваффақиятини кузатиб бориши ҳамда унинг ўқув фаолиятини бошқариши зарур бўлади.

Бундай назоратнинг самарадорлиги курснинг ўзига хос хусусиятларига, назоратни ташкил этиш шаклларига ва тьюторга бириктирилган таълим олувчилар сонига боғлиқ.

Тьютор томонидан ўтказиладиган назорат ишлари қуйидаги турларга бўлинади:

- қайд қилинувчи, тьютор ёрдамида таълим олувчининг ихтиёрий бир топшириғини бажариш жараёнининг ўрнатилганлиги;

- текширувчи, тьютор томонидан таълим олувчининг билим, кўникма ва малака, компетенцияларини эгаллаганликларини аниқлаш;

- якуний назоратда эришилган билим ва кўникмалар Давлат таълим стандартлари ва бошқа талабларига мос келиши.

Буларнинг ҳаммаси назорат ишларини баҳолаш тьюторлар томонидан амалга оширилганида инобатга олишини муҳим бўлган жиҳатлар ҳисобланади.

Иштирокчилар жамоаси томонидан баҳолаш. Масофавий ўқитишда ҳамкорлик кенг қўлланилади. Жумладан, ўқув жараёнида тьютор бир нечта таълим олувчига битта топшириқ бериши, вазифаларни тақсимлаши ва ҳар бир иштирокчи учун бажариши керак бўлган ишни белгилаши мумкин. Топшириқлар ўқув порталнинг махсус танланган қисмида, яъни форум, wiki ва бошқаларда муҳокама қилинади ва умумий топшириқнинг ягона вариантини тузади ҳамда у тьюторга юборилади. Бундай ҳолда, жамоавий назорат “ҳар бири учун” тамойилига мувофиқ амалга оширилади. Кейин ҳисобот материаллари жамоатчилик эътиборига тақдим этилади, биргаликда муҳокама қилинади ва баҳоланади. Бундай ҳолатда тьюторнинг вазифаси курсни кузатиш ва мунозарани тузатиш масаласини кўриш керак бўлади.

Тингловчилар томонидан баҳолаш. Масофавий ўқитишда кўпинча ёзма ишларнинг жуфт ёки гуруҳли текшируви қўлланилади. Тьютор гуруҳларни жуфтларга ажратади. Ҳар бир таълим олувчи ҳисобот ишини тайёрлаб, уни тармоқ орқали таҳлил қилиш учун шеригига топширади. У топшириқ билан танишади, баҳолайди, хулосасини ёзади ва асл ёзма топшириқ билан бирга тьюторга юборади. Бунда ҳар бир таълим олувчи ишни ўз вақтида бажара олмаслигига тайёр бўлиш керак ва шу билан унинг шериги уни бажаришига йўл қўймайди. Шунинг учун тьютор таълим олувчини чалғитмасликлари ва улар учун қўшимча қийинчиликлар туғдирмаслик учун ушбу элементни бошқаришда эҳтиёт бўлишлари муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, масофавий ўқитишда курслар сифатини назорат қилишда қуйидаги педагогик методлардан кенг қўлланилади.

Ўқув фаолиятини кузатиш методи. Масофавий ўқитишда тьюторлар ва таълим олувчилар виртуал аудиторияда фаолият юритишади, шунинг учун ўқув фаолиятини анъанавий методлар асосида бевосита кузатиш методлари билвосита кузатиш методлари билан алмаштирилади. Масофавий ўқитиш ўқув порталида ўқув фаолияти ҳаракатларини назорат қилишга имкон беради. Тьютор томонидан таълим олувчилар қачон ва қандай кетма-кетликда ўқув материалларни ўрганиб борганлиги, унинг уёки бу модулларни ўрганишга қанча вақт сарфлагани, тестларни бажариши ва қандай хатоликларга йўл қўйганликлари кузатилади.

Тест ўтказиш методи. Масофавий ўқитишда тьюторлар асосий эътиборни ўқитишга қаратилган тестларга қаратиши лозим бўлади. Улар ўқитиш сифати ва ўқитиш жараёни интеграцияси алоқасини таъминлайди. Масофавий ўқитиш тизимида, ўқув портал тест ўтказишнинг мослашувчан ташкил этилишига имконият беради. Тест ўтказиш ўқитиш ва назорат қилиш режимида бўлиши мумкин. Назорат қилишда таълим олувчи ҳар бир топшириқнинг натижасини яқуний қисмда кўради. Ўқитиш режимида ҳар бир топшириқ текширувга юборилиши мумкин, унда топшириқни бажаришнинг аниқ варианты кўзга ташланади. Тест ўтказиш натижалари тьютор ва компьютер томонидан баҳоланади. Тест методлари асосида билимларни назорат қилиш самарадорлиги кўпинча тест топшириқлари сифати билан аниқланади.

Анкета ўтказиш усули. Тьюторлар учун масофавий ўқитишда турли хил анкета саволлардан фойдаланиш жуда маъқул келади.

Анкета мослашувчан инструмент ҳисобланади. Шу боис, саволларни кўплаб турли усулларда бериш мумкин. Таълим олувчиларнинг масофавий курсларда ҳар бир мавзунини ўзлаштиргандан сўнг анкетадан фойдаланиш зарур. Бунда таълим олувчи қуйидаги каби кўрсаткичлар бўйича ўз ўқув муваффақиятларига эришганлигини ўзи баҳолаши мумкин: тушундим, мустақил еча оламан, бировнинг ёрдами билан еча оламан, тушунмадим, еча олмайман.

Анкета икки вазифани бажаради.

1) Ўқув материаллар мазмунини асосида таълим олувчилар ўзининг ўқув фаолиятидаги эришган натижаларини ўзи баҳолай олиши.

2) Тьюторлар томонидан баҳоланиши, яъни олинган натижалар асосида машғулотларни ўтказиш тартибига тузатишлар киритиш имкониятини беради.

Ўзини-ўзи текшириш. Бу таълим олувчининг мустақил билиш фаолиятини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун тьюторлар масофавий курсларни ташкил этишда албатта таълим олувчиларнинг ўзини-ўзи текширишига ҳам алоҳида эътибор қаратиши керак.

Ўзини-ўзи назорат — бу тьюторлар томонидан қўйилган топшириқларни бажаришда ўзини кўрсатувчи, иш жараёнида ўзини танқидий баҳоловчи, камчиликларни тузатувчи фаолият шакли ҳисобланади.

Таълим олувчилар жавобгарлиги ва максимал мустақиллиги масофавий ўқитиш ўқув жараёнини ташкил этишнинг ҳал қилувчи омиллари ҳисобланади. Таълим олувчиларга тестларни кўп марта бажаришга ва бажарилган ишлардан олинган натижаларни ўзи назорат қилишга имконият бериш жуда муҳимдир. Бунга нотўғри бажарилган топшириқларни кўриш, улардаги тўғри жавобларни аниқлаш ҳам киради. Бу ўз навбатида ўқув билиш фаолиятини фаоллаштиради.

Лойиҳалаш методи асосида баҳолаш. Масофавий ўқитишда лойиҳалаш методи асосида ҳам таълим олувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мумкин. Бу тьюторларга таълим олувчиларни яхшироқ билиб олишга ва уларнинг тайёргарлик даражасини батафсилроқ текширишга имкон беради.

Тьюторлар лойиҳалаш усули орқали таълим олувчиларни баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

–тегишли мавзу бўйича ёзма иш тайёрлаш (индивидуал равишда, бошқа таълим олувчилар билан биргаликда ёки лойиҳа доирасида иштирок этадиган гуруҳнинг бир қисми сифатида);

–бошқа таълим олувчиларнинг ишига референт сифатида намунавий баҳо бериш — тегишли мавзу бўйича лойиҳада иштирок этаётган таълим олувчилар ва бошқа таълим олувчиларнинг ишига намунавий баҳо бериши;

–суҳбат, яъни масофавий ўқитишда тьютор ва таълим олувчиларнинг суҳбатини ташкил этиш асосида баҳолаш;

–битта гуруҳда иштирок этаётганларни бошқа таълим олувчилар томонидан баҳоланиши;

–таълим олувчилар ўзини-ўзи баҳолаш.

Масофавий ўқитишда таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини назорат қилишни ташкил қилишнинг ушбу усуллари синхрон режимда жуда яхши қўлланилиши мумкин.

Тьюторлар синхрон машғулотларда таълим олувчиларни қуйидаги мезонлар бўйича баҳолаш мумкин:

–мунозарадаги фаоллик даражаси;

–муҳокама мавзуси бўйича саволлар бериш салоҳияти;

–саволларга оқилона жавоб бериш қобилияти;

–хабардорлик, дастлабки маълумот манбасини билиш даражаси;

–ўрганилаётган мавзу бўйича атамалар ва тушунчалардан тўғри фойдаланиш қобилияти;

–асосий ғояни таъкидлаш қобилияти.

Шундай қилиб, масофавий ўқитишда ўқув фаолияти сифатини назорат қилишнинг педагогик методлари қайта алоқани таъминлаш, барча ўқитиш босқичларида билимларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўқув жараёнида зарурий таҳрирлаш, тўғрилашни амалга ошириш ва умумий ўқув фаолияти самарадорлигини аниқлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 242-сон Қарори // lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 234-сон Қарори // lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026-сон Қарори // lex.uz
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5438-сон Фармони // Lex.uz
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 февралдаги “Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида мусиқа соҳаси педагоглари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 149-сон Қарори // lex.uz
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони // lex.uz
8. Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 10 апрелдаги «Халқ таълими вазирлигига тасарруфидаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида масофавий ўқитиш орқали малака ошириш ишларини жадаллаштириш тўғрисида»ги 111-сонили буйруғи.
9. Халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 19 апрелдаги «Халқ

таълими тизимида масофадан ўқитиш орқали раҳбар ва педагог кадрлар малакасини ошириш ишларини такомиллаштириш тўғрисида» ги 139-сонли буйруғи.

10. Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 10 декабрдаги 281-сонли буйруғи.

11. Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 26 декабрдаги «Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида» ги 393-сонли буйруғи.

12. Inncheon declaration // Education 2030: Towards inclusive and euitable quality education ang lifelong learning for all (Word Education Forum, 19–22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

13. Андреев А.А. Дидактические основы дистанционного обучения в высших учебных заведениях: дис. ... док. пед. наук. - М.: 1999.- 289 с.

14. Асқаров А.Д. Масофавий ўқитиш таълим шаклининг ривожланиш босқичлари ва моделлари // Замонавий таълим 2015, 10. 59–65 б

15. Беков Х.А., Широбоков С.В., Кирьянов И.И. и др. Терминология в системе дополнительного профессионального образования: Словарь. — М.: ИПК госслужбы, 2001.— 107 с.

16. Бизнес-словарь [Электронный ресурс]. — URL: [http:// www.businessvoc.ru/bv/TermWin.asp?theme=&word_id=28432](http://www.businessvoc.ru/bv/TermWin.asp?theme=&word_id=28432) (дата обращения: 08.06.2016).

17. Большой толковый словарь русского языка. // Авт. — сост. С.А.Кузнецов.— 1-е изд.— СПб.: Норинт. С. А. Кузнецов.— 1998.— 1534.

18. Бочкарева С.М. Подходы к использованию тьюторства в дистанционном обучении // Высш. образование сегодня. 2014. № 10. С. 92–94.

19. Вайндорф-Сысоева, М.Е. Методика дистанционного обучения: учеб. пособие для вузов // М.Е.Вайндорф-Сысоева, Т.С.Грязнова, В.А.Шитова; под общ. Ред М.Е.Вайндорф-Сысоевой. — М.: Издательство Юрайт, 2018.— 194 с.

20. Васильева Е.Н. Тьюторство как механизм непрерывного профессионального образования педагога // Стандарты и мониторинг в образовании. 2006. № 6.

21. Воронцов А.Б., Чудинова Е.В. Учебная деятельность: введение в образовательную систему Д.Б.Эльконина, В.В.Давыдова.-М.,2004.-304 с

22. Деражне Ю.Л. Тьютор в открытом обучении: Учебно-методическое пособие. — М.: Изд-во Департамента федеральной государственной службы занятости населения Московской области, 1998.— 58 с.

23. Дистанционное обучение. / Под ред. Е.С.Полат. — М.: Владос, 1998.— 192 с.

24. Дудчик С.В. Особенности организации тьюторского сопровождения в начальной школе // Организация тьюторского сопровождения в образовательном учреждении: содержание, нормирование и стандартизация деятельности тьютора: Материалы Всероссийского научно-методического семинара.-М.: АПКиППРО, 2009

25. Ерофеева Н.Е., Мелекесов Г.А., Чикова И.В. Опыт реализации тьюторского сопровождения образовательного процесса в вузе / Н.Е. Ерофеева, Г.А. Мелекесов, И.В. Чикова // Вестник Оренбургского государственного университета.— 2015.— № 7 (182) — С. 98-104

26. Жевакина Н. В. Педагогические основы обучения студентов-иностранцев: моногр. — Минск, 2009.— 232 с.

27. Жилина М. Ю. Образовательное событие: варианты прочтения // Организация тьюторского сопровождения в образовательном учреждении: содержание, нормирование и стандартизация деятельности тьютора: Материалы Всероссийского научно-методического семинара. — М.: АПКиППРО, 2009.

28. Жўраев Р, Юлдашев М, Рахманқулова Н, Бахрамов А, Закиров А. Педагог кадрлар малакасини узлуксиз ошириш механизмини такомиллаштириш. — Тошкент: “ООО ADAD PLYUS”, 2014, 160 бет.

29. Ибраймов А.Е. Умумтаълим мактаби физика ўқитувчилари масофавий малака оширишларининг илмий-методик асосларини такомиллаштириш // пед. фан. бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати — Тошкент, 2017.— 51 б.

30. Ибрагимов И.М. Информационные технологии и средства дистанционного обучения. — М: Академия, 2008.— 329 с.

31. Ибраймов А.Е. Масофавий малака оширишнинг педагогик дизайни // услубий қўлланма - Тошкент: “Lesson press”, 2020, 108 бет.

32. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими // амалий қўлланма — Тошкент: “Lesson press”, 2020, 112 бет.

33. Иностранные университеты. Вып. II-й. Университеты Германии и годы студенчества знаменитых людей / под ред. Л.А. Богдановича М., 1899.

34. История педагогики. Интернет проект «Лучшие педагоги России» <http://www.best-pedagog.ru/istoriya/>.

35. Йўлдошев Ж.Ф. Усманов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётда жорий қилиш. Т., “Fan va texnologiya”, 2008, 132 б.

36. Канянина Т.И. Роль тьютора в повышении ИКТ —

компетентности педагогов: URL: <http://msk.ito.edu.ru/section/61/2974> (дата обращения: 08.06.2013).

37. Каптерев П.Ф. История русской педагогики www.portalslovo.ru/pedagogy/06/PAGEN_1=4.

38. Ковалева Т.М. Практика работы с процессом индивидуализации: сборник научных трудов по материалам IV Всероссийской научной тьюторской конференции. Томск, 2000. с.49–53

39. Ковалева Т.М., Кобыща Е.И., Попова (Смолик) С.Ю., Теров А.А., Чередилина М.Ю. Профессия «тьютор». М.-2012. Тверь: «СФК-офис». –246 с

40. Ковалева, Т.М. Тьюторское сопровождение как управленческая технология. Технологии открытого образования / Т.М. Ковалева. — М.: АПКИПРО, 2002.

41. Конова Н.Г., Корнеева Т.Б. Специфика тьюторского сопровождения при организации дистанционного образования школьников: URL: <http://www.10.06.2013>).

42. Краснянский М.Н., Радченко И.М. Основы педагогического дизайна и создания мультимедийных обучающих аудио, видео материалов // Учебно-методическое пособие. Тамбов. 2006 г. 55 с

43. Кривунь М.П. Соотношение педагогического и тьюторского сопровождения // Педагогические и психологические проблемы современного образования: материалы научно-практической конференции «Чтения Ушинского». — Ч. 1. — Ярославль: РИО ЯГПУ, 2015. — С. 85–90.

44. Куклев В.А. Становление системы мобильного обучения в открытом дистанционном образовании: Автореф. дис. ... док. пед. наук. — Ульяновск, УлГТУ, 2010.— 46 с.

45. Лернер И.Я. Дидактические основы методов обучения. — М.: Педагогика, 1981 г.

46. Лях А.Ю. Развивающий потенциал тьюторских технологий в системе обучения старших школьников // Образование и наука. 2013. № 10 (109). ст. 37–51

47. Моисеева М.В., Полат Е.С., Бухаркина М.Ю., Нежурина М.И. Интернет-обучение: технологии педагогического дизайна / Под ред. кандидата педагогических наук М.В.Моисеевой. — М.: Издательский дом «Камерон», 2004.— 216 с.

48. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). / Авт. — сост. Э. Г. Азимов, А. Н. Щукин. — М.: Издательство ИКАР. Э. Г. Азимов, А. Н. Щукин.— 2009.— 448 с.

49. Ожегов, С.И. Толковый словарь русского языка: 80 000 слов и фразеологических выражений / С.И.Ожегов.— 4-е изд., доп. — М.:

Азбуковник, 1999.

50. Педагогика: учеб. пособие для студентов пед. учеб. заведений / В.А. Сластенин, И.Ф. Исаев, А.И. Мищенко, Е.Н. Шиянов.— 4-е изд. — М.: Шк. Пресса, 2002.— 512 с.

51. Педагогический терминологический словарь. // Основы деятельности тьютора в системе дистанционного образования. — М., 2004. — с. 3; 27–28.

52. Словарь-справочник по педагогике / Авт. — сост. В. А.Мижеригов; Под общ. ред. П. И. Пидкасистого. — М.: ТЦ Сфера, 2004.— 448 с.

53. Современный образовательный процесс: основные понятия и термины. / Авт. — сост. М. Ю. Олешков, В. М. Уваров. — М.: Компания Спутник + М.Ю. Олешков, В. М. Уваров.— 2006.— 191 с.

54. Соколова М.Л. Проектирование индивидуальных образовательных маршрутов студентов в ВУЗе: дис. ... канд. пед. наук. Архангельск, 2001. 202 с.

55. Стариченко Б.Е., Синхронная и асинхронная организация учебного процесса в вузе на основе информационно-технологической модели обучения // Педагогическое образование в России.— 2013. № 3 С. 23–31.

56. Теория и практика дистанционного обучения / Под редакцией Е.С.Полат. — М.: Академия, 2004.— 416 с.

57. Теров А.А. К вопросу о моделях тьюторского сопровождения в образовательном учреждении // Перемены.- 2009. - № 3. - С. 37–47.

58. Технология проведения учебник занятий в формате вебинара: методические указания / Рязан. гос. радиотехн. ун-т; сост.: Н.П. Клейносова, Э.А.Кадырова, И.А.Телков, Р.В.Хруничев. Рязань, 2014. 36 с

59. Фоменко С.Л. К вопросу о моделях тьюторского сопровождения обучающихся в образовательном процессе. Педагогическое образование в России. 2017. № 3

60. Фролов Ю.В. Подготовка и проведение вебинаров: Учебно-методические пособие для преподавателей, студентов и слушателей системы повышения квалификации. — М.: МГПУ, 2011.— 30 с.

61. Челнокова Е.А., Набиев Р.Д. Внедрение тьюторской деятельности в образовательное пространство высшего учебного заведения // Вестник Мининского университета. 2014. № 4. С. 23

62. Челнокова Е.А., Тюмасева З.И. Тьюторская деятельность в дистанционном обучении. «Вестник Мининского университета»

2016 — № 3

63. Шедровицкий П.Г. Проблема индивидуальности: сборник научных трудов по материалам IV Всероссийской научной тьюторской конференции. Томск, 2000. С. 13–25.

64. Шишлова Е.Э. Психология управления человеческим потенциалом образовательной организации / Е.Э. Шишлова // Психолого-педагогические аспекты работы преподавателя вуза: межкафедральн. сб. науч. статей: вып. 1.— 2015. — С. 43–50.

65. Щенников С.А Открытое дистанционное образование. — М.: Наука, 2002.— 527.

66. Bates A.W. Technology: Open Learning and Distance Education // A.W.Bates. — Routledge: London, 1995.— 266 p.

67. Berge Z.L. Review of research in distance education, 1990 to 1999 / Z.L.Berge, S.Mrozowski // American Journal of Distance Education.— 2001.— 15 (3). — P. 5–19.

68. Ибраймов А. Effectiveness of Teachers Professional Development through Distance Learning Courses // Eastern European Scientific Journal. — Германия. 2015. № 4. — Б.118–125.

И Л О В А Л А Р

МАСОФАВИЙ МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИ МИСОЛИДА НАМУНА

Масофавий ва аралаш малака ошириш курсларда тьюторлар фаолиятини ташкил этиш бўйича НИЗОМ

Мазкур Низом (*низомни ишлаб чиқишга асос бўладиган ҳужжатларнинг номи ёзилади*) га асосан (*тегишли соҳа*) ходимлари малакасини оширишнинг масофавий ва аралаш курсларида тьюторлар фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1.1. Таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари масофавий ва аралаш малака ошириш курсларида тьюторлик фаолиятини юритиши назарда тутилади.

Тьютор (ўқитувчи-консультант) — масофавий малака ошириш жараёнида тегишли ўқув модули бўйича тингловчилар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва йўналтирувчи, методик ёрдам кўрсатувчи, ўзлаштиришини назорат қилувчи ҳамда ўзига бириктирилган модул бўйича ўқув-методик материаллар ишлаб чиқувчи ҳисобланади.

1.2. Масофавий ва аралаш малака ошириш курсларда тьюторлар фаолияти тегишли соҳа ходимларининг малакасини оширишга қўйиладиган талаблар асосида ташкил этилади.

1.3. Тьюторлар буюртмачилар томонидан ҳар йили киритиладиган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда малака оширишнинг самарадорлиги ва амалий натижадорлиги бўйича таклифлари асосида ўзига бириктирилган модуллар мавзулари, ўқув материалларини такомиллаштириб боради.

II. Масофавий ва аралаш малака оширишда тьюторлар кўникмасига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий педагогик ва эргономик талаблар асосида ўқув материалларни ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фаол фойдаланган ҳолда аудио, видео ва бошқа интерфаол шаклларда ишлаб чиқишни билиши лозим.

2.2. Масофавий малака оширишнинг махсус ўқув порталида, локал ва глобал тармоқларда самарали ишлай олиш, ахборотлар билан ишлаш, саралаш, қайта ишлаш кўникмаларига эга бўлиш ҳамда ахборотлардан педагогик вазифаларни ҳал қилиш учун қўллай олишни билиши лозим.

2.3. Ўқув жараёнини анъанавий малака оширишдан фарқли равишда, масофавий ва аралаш малака ошириш шароитида синхрон ва асинхрон режимларда ҳамда мустақкамловчи хусусиятга эга бўлган амалий машғулотлар шаклда лойиҳалаштиришни билиши лозим.

2.4. Тьютор масофавий ва аралаш малака ошириш курслари шароитида синхрон, асинхрон режимда ҳамда таълим муассасада ташкил этиладиган амалий хусусиятга эга бўлган машғулотларни олиб боришни билиши лозим.

2.5. Масофавий ва аралаш малака оширишда тингловчиларнинг ўқув фаолияти натижаларини, ўқув материалларнинг тингловчиларга қай даражада мослигини таҳлил қилиш ва унга ўз вақтида муносабат билдириш каби рефлексив-аналитик ишларни амалга оширишни билиши лозим.

2.6. Масофавий ва аралаш малака ошириш шароитида барча субъектлар билан интерфаол мулоқот қилишни, электрон алоқа воситаларидан кенг фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши лозим.

2.7. Масофавий ва аралаш малака ошириш шароитида турли электрон дастурлар, иловалар, мультимедиа воситалар билан ишлаш, ахборот технологияларининг энг янги ютуқларини ўзлаштириб бориш ва уларни бошқариш кўникмаларга эга бўлиши лозим.

2.8. Тьютор кўп сонли тингловчиларга нисбатан юқори малакали даражасини сақлаб туриши учун узлуксиз равишда ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб билим орттирувчи шахс бўла олиши лозим.

III. Масофавий ва аралаш малака оширишда тьюторлик фаолияти мақсади ва вазифалари

3.1. Тьюторлик фаолиятининг **мақсади** — масофавий малака ошириш жараёнида тингловчиларни қўйилган ўқув мақсадига ва натижага эришишга йўналтириш ва ўқув фаолиятини мувофиқлаштириш, методик ёрдам кўрсатиш, ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш ҳамда ўзини-ўзи касбий ривожланишига қўмаклашиш,

индивидуал таълим олиш дастурини лойиҳалаштиришга ёрдам кўрсатишдан иборат.

3.2. Тьюторлик фаолиятининг вазифалар қуйидагилардан иборат:

модуллар бўйича ўқув-методик материаллар ишлаб чиқиш ва уларни шахсий кабинети орқали ўқув порталга жойлаштириш, қайта таҳрирлаш, мунтазам такомиллаштириб бориш;

масофавий малака ошириш курсларида синхрон (on-line шаклда масофадан туриб реал вақт режимида машғулотларни олиб бориш) ва асинхрон (off-line шаклда масофадан туриб электрон ўқув ресурсларини мустақил ўзлаштириш) режимларда машғулотларни олиб бориш;

аралаш малака ошириш курсларида таълим муассасада ташкил этилган йўналтирувчи, мустаҳкамловчи хусусиятга эга бўлган амалий, семинар-тренинг ва интерфаол машғулотларни олиб бориш;

назорат ва баҳолаш ишларини тингловчиларнинг ўзлаштириш жараёнида модуллар ва мавзулар кесимида амалга ошириш, турли хил назорат топшириқларини мукамал ишлаб чиқилган мезонлар асосида холисона баҳолаш ҳамда кўзатилган камчиликлар, муаммолар юзасидан ўз вақтида тингловчиларга маслаҳатлар бериш;

тингловчиларга ўзини-ўзи касбий ривожланишига ва индивидуал таълим олиш дастурини лойиҳалаштиришга кўмаклашишдан иборат.

IV. Масофавий малака оширишда тьюторлик фаолиятини ташкил этиш тамойиллари

4.1. Очиқлик тамойили асосида тингловчиларнинг касбий эҳтиёжлари, қизиқишлари, муаммолари асосида масофавий малака ошириш ҳамда индивидуаллаштирилган таълим олиш жараёнининг очиқлиги таъминланади.

4.2. Вариативлик тамойили асосида турли хил ўқув дастурлар асосида курслар яратиш ва ундан тингловчилар ўзлари исталган бирини танлаш орқали ўз эҳтиёжини қондириш, энг асосий ва керакли билим ва кўникмаларни ўзлаштиришига имконият яратиш таъминланади.

4.3. Мослашувчанлик тамойили асосида тингловчиларнинг масофавий малака ошириш жараёнида мунтазам тьютордан ёрдам олиш, малака ошириш тезкорлиги ва вақтларини мустақил белгилаш

имкониятлари яратилади.

4.4. Узлуксизлик тамойили асосида масофавий малака ошириш жараёнида тингловчиларга тьюторлик ёрдам кўрсатиш ва мустақил равишда таълим олишнинг изчиллиги ва узлуксизлиги таъминланади.

4.5. Индивидуал ёндашув тамойили асосида масофавий малака ошириш курсларида ҳар бир тингловчининг алоҳида муаммоларини ўрганиш ва уларга индивидуал методик ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилади.

4.6. Индивидуаллаштириш тамойили асосида тингловчиларнинг касбий эҳтиёжлари, қизиқишлари, иш фаолиятидаги муаммолари ва бошқа омиллар асосида индивидуал малака ошириш дастурларини тузишга қўмаклашиш ишлари амалга оширилади.

V. Масофавий ва аралаш малака оширишда тьюторнинг асосий функциялари

5.1. Масофавий ва аралаш малака оширишда тьюторнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

диагностик функцияси — тингловчининг индивидуал хусусиятлари, тайёргарлик ҳолати, мотивлари, кутувлари, талаб ва таклифлари, касбий эҳтиёжлари, муаммоларини аниқлашлаштириш;

мотивлаштирувчи функцияси — тингловчининг индивидуал мотивлари ва эҳтиёжларини қондириш, тизимли муаммоларини бартараф этишга қаратилган ўқув материалларни ўзлаштиришга тақдим этиш ва фаол коммуникатив фаолиятини ташкил этиш орқали мотивациясини ошириш;

лойиҳалаштириш функцияси — тингловчиларнинг мотивациясини оширишга қаратилган ўқув дастур ва ўқув материаллар тайёрлаш ҳамда курсни гуруҳлар кесимида ёки индивидуал таълим олиш жараёнини лойиҳалаштириш, режалаштириш;

ташкилий функцияси — тингловчиларнинг машғулотлар жадвали асосида синхрон, асинхрон ва таълим муассасасида ташкил этиладиган малака ошириш жараёнини, тингловчиларнинг ўзаро тажриба алмашиш фаолиятини ҳамда якуний назорат ишларига тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш;

билимларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш функцияси – тингловчиларнинг модуллар бўйича асосий ва қўшимча ўқув

материалларни ўзлаштириш ва уларни мустаҳкамлашга қаратилган жорий назорат топшириқларини бажариш, синхрон режимдаги интерфаол машғулотларда иштирок этишини таъминлаш;

коммуникатив функцияси — тингловчиларнинг мавзулар бўйича муҳокамаларини ўзаро ва бошқа иштирокчилар билан амалга ошириш, синхрон машғулотларда вазифаларни кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда биргаликда интерфаол бажариш ишларини ташкил этиш;

мониторинг ва назорат функцияси — тингловчиларнинг ўқув фаолиятини мунтазам мониторинг қилиб бориш орқали индивидуал қийинчиликлари, имконияти ва шароитидаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этишга ёрдам кўрсатиш ҳамда назорат ишларини ўз вақтида бажарилиши ва ҳолис баҳоланишини таъминлашдан иборат.

5.2. Тьюторнинг асосий функциялари ўқитувчи ёки бошқа касблар функцияларидан фарқларини аниқлаштириш имконини беради.

VI. Масофавий ва аралаш малака оширишда тьюторнинг ҳуқуқлари

6.1. Масофавий ва аралаш малака оширишда тьюторнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат бўлиши назарда тутилади:

– масофавий ва аралаш малака ошириш курслари ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

– масофавий ва аралаш малака ошириш курслари ўқув жараёнида юзага келган муаммоли вазиятлар, техник ноқулайликлар, ўқув материалларнинг ўз вақтида етказилмаслиги каби муаммолар юзасидан тегишли бўлимларга таклифлар ва эътирозлар киритиш;

– тьюторга бириктирилган модул бўйича масофавий ва аралаш малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг ўқув фаолияти юзасидан зарурий қарорлар қабул қилинишида иштирок этиш;

– ўқув машғулотларда модул доирасида тингловчиларнинг ўқув фаолиятини кузатиш ва жорий назорат натижаларни таҳлил қилиш;

– масофавий ва аралаш малака ошириш жараёнида тегишли модулни тингловчилар томонидан ўзлаштириш имкониятлари мавжуд эмас ёки бошқа шу каби муаммолар кузатилган тақдирда тегишли бўлимларга таклифлар киритиш;

–ўқув жараёнида иштирок этган тингловчиларнинг фаоллик даражасига кўра алоҳида қайд этиш ва уларни ўрнатилган тартибда рағбатлантириш бўйича ёки бошқа таклифлар киритиш.

6.2. Тьюторларнинг масофавий малака ошириш жараёнидаги бошқа ҳуқуқлари амалдаги мавжуд ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

VII. Масофавий ва аралаш малака оширишда тьюторлик фаолиятини ташкил этиш

7.1. Тьюторлар тегишли соҳа ходимларининг малакасини оширишга қаратилган масофавий ва аралаш курслар давомийлиги 144 соатдан кам бўлмаган ҳамда тегишли қоидалари асосида жамғарилувчи қисқа муддатли курсларни ташкил этишда иштирок этади.

7.2. Тьютор фаолияти ўзига бириктирилган модул доирасида тегишли соҳа ходимларига намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида қонунчиликдаги янгиликлар мазмун-моҳиятини етказиш, касбий кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, соҳанинг илғор ютуқларини ўргатиш, шунингдек, тегишли соҳа ходимларининг фаолиятидаги тизимли камчиликларни бартараф этишга қаратилади.

7.3. Тьюторлар ваколатли орган томонидан тасдиқланган намунавий ўқув режа, ўқув дастурлар ва ишчи ўқув режа, дастурлар ҳамда блок-модулли тизими асосида ишлаб чиқилган машғулотлар жадваллари асосида фаолият юритади.

7.4. Тьюторлар масофавий курс ўқув-методик материалларини тегишли дастурий таъминот (масалан, iSpring Suite)га ва ўқув порталга жойлаштиради ва тингловчиларнинг талаб ва таклифлари асосида узлуксиз такомиллаштириб боришни назарда тутди.

7.5. Масофавий ва аралаш малака оширишда анъанавий малака оширишдан фарқли равишда топшириқларнинг бир нечта захира вариантларини шакллантиради ва унинг тармоқ орқали тарқалиб кетмаслигининг олдини олади.

7.6. Тьютор курс бошида тингловчилар томонидан ўзлаштирилиши режалаштирилган модуллар мазмуни бўйича топширилган кириш тести натижаларини таҳлил қилади ва натижалар асосида ўқув жараёнида зарурий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишни назарда тутилади.

7.7. Тьютор синхрон ва асинхрон режимларда машғулотларни олиб боришда тингловчиларнинг иштирок этиш фаоллигини назорат қилади ва уларнинг курс жараёнида билдирилган таклифлари асосида модул ўқув материалларини такомиллаштиришни назарда тутди.

7.8. Тьютор таълим муассасасида ташкил этиладиган амалий машғулотларда тингловчиларга аввал мустақил равишда ўзлаштирилган билимларини амалиётда қўллашни ўргатади ҳамда тингловчиларга соҳа бўйича етакчи ташкилотларга сайёр машғулотларга олиб боради.

7.9. Тьюторлар ўзига бириктирилган модуллар бўйича тегишли соҳа ходимларининг малакасини ошириш жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, интерфаол ўқитиш ва муаммоли-вазиятли услубларни кенг жорий этишга масъул ҳисобланади.

7.10. Тьютор масофавий малака ошириш жараёнида тингловчилар томонидан мавзулар бўйича асосий ва қўшимча ўқув материалларни кунлик ўзлаштирилишини ва жорий назорат топшириқларини бажарилишини назорат қилади.

Тьютор ўқув жараёни давомида жорий назорат ўзлаштирилган билимларни текшириш, ўзини-ўзи синаб кўриш, ўзини-ўзи баҳолаш, қайта такрорлаш, ўз хатоликларини тузатиш, таҳрирлаш ва билимларни мустаҳкамлашга хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратади.

Тьютор жорий назорат сифатида бериладиган муаммоли-вазиятли топшириқлар билан батафсил танишиб чиқади ва тегишли мезонлар асосида баҳолайди ҳамда топшириқни бажаришда йўл қўйилган камчиликлар ёки ютуқлари бўйича изоҳ ёзади.

7.11. Тьютор масофавий ва аралаш малака ошириш курсларида тингловчилар якуний назоратга тайёргарлик кўришини таъминлаш мақсадида ўрнатилган тартибда суҳбат, малака иши, курс иши, лойиҳалар ҳимояси ва бошқалар бўйича тегишли топшириқлар беради.

7.12. Тьютор томонидан тингловчилар масофавий курсларда сифатли малака ошириши учун ўзига бириктирилган модулни ўзлаштириш бўйича методик тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқирилиши назарда тутилади.

VIII. Якуний қоидалар

8.1. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича келиб чиққан низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

8.2. Тьюторларнинг масофавий курсларни ишлаб чиқиш бўйича ишлари масофавий ва аралаш малака ошириш курсларининг ўқув-методик материаллари, методик тавсиялар ва қўрсатмаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишга қўйиладиган минимал талаблар асосида тартибга солиниши назарда тутилади.

МАСОФАВИЙ МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИ МИСОЛИДА НАМУНА

Масофавий малака ошириш курсларининг ўқув-методик материаллари, методик тавсиялар ва кўрсатмаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишга қўйиладиган МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР

Мазкур минимал талаблар (*талабларни ишлаб чиқишга асос бўладиган ҳужжатларнинг номи ёзилади*) га асосан (тегишли соҳа) ходимларининг малакасини масофавий ошириш курсларининг ўқув-методик материаллари, методик тавсиялар ва кўрсатмаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишга қўйиладиган минимал талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1.1. Масофавий малака ошириш курсларининг ўқув-методик материаллари тегишли соҳа ходимларининг малакасини оширишга қўйиладиган талаблар ҳамда намунавий ўқув режа, ўқув дастурлар ва ишчи ўқув режа, дастурлар асосида ишлаб чиқилади.

1.2. Масофавий малака ошириш курслари мавзулари тегишли соҳа ходимларининг касбий эҳтиёжлари, диагностика натижасида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мавжуд тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳамда долзарб масалалар асосида шакллантирилади.

1.3. Масофавий малака ошириш курси ўқув-методик материаллари тузилиши анъанавий малака оширишдан фарқли равишда, ўқув материалларни мустақил ўзлаштиришини текширувчи интерфаол топшириқлар, ўзини-ўзи текшириш топшириқлари, турли синовлардан муваффақиятли ўтишга, ўқув материалларни мустақил ўзлаштиришга йўналтирувчи методик тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилади.

Масофавий малака ошириш курслари ўқув-методик материаллари шундай ишлаб чиқилган бўлиши керакки, бунда тингловчи ўқитувчи раҳбарлигида бажариладиган фаолиятдан мустақил равишда ташкил қилинадиган фаолиятга ўта олиши, ўқитувчи назоратини ўзини-ўзи назорат қилиш билан максимал даражада алмаштира олиши керак.

1.4. Масофавий курс учун янгидан ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар тегишли босқичларда экспертиза ва тажриба-синовдан ўтказилиши назарда тутилади.

II. Масофавий малака ошириш курсларининг ўқув-методик материаллари таркиби

2.1. Масофавий малака ошириш курси ўқув-методик материаллари таркиби 3 та асосий ва қўшимча ўқув материаллар ҳамда адабиётлар ва бошқа ахборот манбалар рўйхатидан иборат бўлади.

1) Асосий ўқув материаллар — дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-методик мажмуалар ҳисобланади.

Тегисли соҳа ходимларининг малакасини масофавий ошириш курсларида асосий ўқув материалларни слайдларга жойлаштириш орқали “iSpring Suite” дастури асосида амалиётга жорий этиш мумкин.

Бунда асосий ўқув материаллар слайдларга ихчамлаштирилган, ахборот узатиш технологияларига мослаштирилган, интерфаол ва турли хил аудио, видео, медиа шаклларда жойлаштирилган ҳолда тақдим этилади. Мураккаб тушунчалар, атамалар глоссарий сифатида берилади.

Асосий ўқув материаллар **таркибига** — ўқув материалларни ўзлаштиришини жорий текшириш мақсадида **интерфаол** ва **муаммоли вазиятлар топшириқлари** ҳам киритилади.

Асосий ўқув материаллар ва жорий назорат топшириқлари аниқ белгиланган мақсадлар асосида ишлаб чиқилади ҳамда тингловчилар томонидан мажбурий ўрганилиши ва бажарилиши лозим ҳисобланади.

2) Қўшимча ўқув материаллар — мавзуга оид ўрганилиши тавсия этиладиган меъёрий ҳужжатлар, иккинчи даражали ўқув қўлланмалар, аудио, видео, медиа ва бошқа материаллар ҳисобланади.

Қўшимча ўқув материаллар тингловчиларга асосий билимларини кенгайтириш мақсадида ўз устида мустақил ишлаши учун тавсия сифатида берилади ва улар тингловчилар томонидан ихтиёрий

равишда ўзлаштирилиши назарда тутилади.

3) Адабиётлар ва бошқа ахборот манбалари рўйхати. Масофавий малака ошириш курсида тингловчилар фойдаланилиши лозим бўлган адабиётлар ва бошқа ахборот манбалар рўйхати берилади. Бу рўйхатга қуйидагилар киради:

- меъёрий ҳужжатлар рўйхати;
- асосий ўқув адабиётлари рўйхати;
- қўшимча ўқув адабиётлари рўйхати;
- Интернет тармоқларидаги манбалар рўйхати;
- ОАВ материаллари рўйхати.

2.2. Масофавий курс ўқув материалларида фойдаланилган ва цитаталар олинган адабиётлар рўйхати алифбо тартибида ва юқорида келтирилган кетма-кетликда ёзилади.

III. Асосий ўқув материалларни тайёрлашда мақсадлар ва кутилаётган натижаларни шакллантиришга қўйиладиган талаблар

3. Масофавий малака ошириш курсида мақсадлар тингловчининг билим ва қўникмаларига қўйилган талабларга мувофиқ қўйилади ва ўқув дастурларда модулнинг мақсади аниқ ва равшан ифодаланади.

Масофавий курсларда мавзулар бўйича ўқув мақсадлар қўйилиши зарур. Бу мақсадларни эслаб қолиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, баҳолаш даражаларида шакллантириш мақсадга мувофиқ.

3.1. Эслаб қолиш даражасида тингловчи аниқ қоидалар, атамалар, тушунчалар, фактларни эслаб қолиши, билиши лозим:

индикаторлар — асосий тушунчалар ва фактларни эслаб қолиш, такрорлаш, мустаҳкамлай олиш, ахборотни етказа олиш, айтиб бера олиш, ифодалай олиш, фарқлаш, таний олиш, айрим тушунчаларни аниқлаштириш, тасдиқлаш.

3.2. Тушуниш даражасида тингловчи фактлар, қоидалар, схема, жадвалларни тушуниши, мавжуд маълумотлар асосида келгуси оқибатларни тахминий тафсифлай олиши лозим:

индикаторлар — тушунчалар ва фикрларни тушуниш, тан олиш, асослаш, яққоллаштириш, белгилаш, тушунтириш, таржима

қилиш, қайта тузиш, ёритиб бериш, изоҳлаш, тавсифлаш, таснифлаш, ойдинлаштириш, муҳокама қилиш, ахборотни қайта ўзгартириш, сабаб- оқибат боғлиқликларини тавсифлаш.

3.3. Қўллаш даражасида тингловчи олган билимларидан анъанавий ва ноанъанавий ҳолатларда фойдаланиши ва уларни тўғри қўллаш олиши лозим:

индикаторлар — билимлардан амалда фойдаланиш, қўллаш, жорий қилиш, намоиш қилиш, ўргатиш, амалга ошириш, татбиқ қилиш, муаммоларни ҳал қилиш, ишларни алгоритм бўйича бажариш ва вазиятларни соддалаштира олиш.

3.4. Таҳлил қилиш даражасида тингловчи яхлит қисмларнинг ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ажрата олиши, фикрлаш мантиқидаги хатоларни кўриши, фактлар ва оқибатлар орасидаги фарқларни ажратиши, маълумотларнинг аҳамиятини баҳолай олиши лозим:

индикаторлар — маълумотларни таҳлил қила олиш, фарқлаш, ажратиш, таққослаш, табақалаштириш, тартиблаштириш, ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш, тахмин қилиш, келтириб чиқариш, башорат қилиш, тақсимлаш, текшириш, гуруҳлаш.

3.5. Умумлаштириш даражасида тингловчи ижодий иш бажариши, бирор тажриба ўтказиш режасини тузиши, бир нечта соҳалардаги билимлардан фойдаланиши, маълумотларни янгилик яратиш учун ижодий қайта ишлай олиши лозим:

индикаторлар — бирлаштириш, режалаштириш, тизимлаштириш, комбинациялаштириш, тузиш, лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, янгилик яратиш.

3.6. Баҳолаш даражасида тингловчи мезонларни ажрата олиши, уларга риоя қила олиши, мезонларнинг хилма-хиллигини кўриши, хулосаларнинг мавжуд маълумотларга мослигини баҳолаши, фактлар ва баҳоловчи фикрлар орасидаги фарқларни ажратиши лозим:

индикаторлар — бирор бир маълумотни асослаш, тасдиқлаш, ҳимоя қилиш, мезонларни ишлаб чиқиш, фактлар ва ҳодисаларни баҳолаш, танқид қилиш, танлаш, хулосаларни шакллантириш.

3.7. Мазкур мақсадлардан масофавий малака ошириш курслари ўқув материалларини ишлаб чиқишда ва тингловчининг ўзлаштириш даражасини баҳолашда самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

IV. Асосий ўқув материалларни ишлаб чиқишга қўйиладиган умумий педагогик талаблар

4. Масофавий малака ошириш курслари модуллари бўйича асосий ўқув материалларни синхрон ва асинхрон режимларига мос равишда ишлаб чиқишда қуйидаги умумий педагогик талаблар қўйилади.

4.1. Масофавий малака ошириш курслари ўқув материаллари модулли тамойил асосида ишлаб чиқилади.

4.2. Асосий ўқув материаллар ходимларнинг касбий эҳтиёжлари, диагностика натижасида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мавжуд тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳамда долзарб масалалар бўйича ишлаб чиқилади.

4.3. Масофавий малака ошириш курслари ишдан ажралмаган ҳолда амалга оширилиши имкониятларидан келиб чиқиб, ўқув материаллар амалиётда қўллашга, амалиёт жараёнида аниқ бир натижага эришишга қаратилган ҳолда ишлаб чиқилади.

4.4. Асосий ўқув материалларга ўқув мақсадларга эришиш учун тўғридан-тўғри хизмат қилмайдиган ва тингловчиларнинг эътиборини чалғитадиган ортикча маълумотлар киритилмайди ва мазмуннинг қўйилган дидактик мақсадга эришишга етарлилиги таъминланади.

4.5. Асосий ўқув материалларни мустақил ўзлаштириш учун зарур тушунтиришлар — топшириқларни бажариш учун йўл-йўриқлар, турли топшириқларни бажариш вақтида огоҳлантирувчи ёки йўналтирувчи товушлар, ёзувлар, автожавоблар билан бирга ишлаб чиқилади.

4.6. Асосий ўқув материаллар визуал ҳолатда — мазмунни англаш, тушуниб етиш, эслаб қолиш имконини берадиган кўرғазмали иллюстрациялар, тасвирлар, графиклар, чизмалар, жадваллар, схемалар, расмлар, хариталар, анимация эффектлари, аудио, видеолар ва бошқа мультимедиа воситалар асосида ишлаб чиқилади.

4.7. Асосий ўқув материалларнинг турли қисмлари орасида интерфаол гиперҳаволалар мавжудлиги ва уларда ички ва ташқи ахборот манбаларига мурожаат қилиш имконияти яратилиши лозим.

4.8. Асосий ўқув материалларда модул ёки мавзунинг ўқув

материаллари олдинги модул ёки мавзу материаллари билан мантиқий боғланган бўлиши керак.

4.9. Асосий ўқув материалларнинг мураккаблик даражалилигини таъминлаш учун оддийдан мураккабга тамойили асосида ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

4.10. Асосий ўқув материалларни ишлаб чиқишда масофавий ўқитиш шароитида қўллаш мумкин бўлган самарали методлар, воситалар, ўқитиш шаклларида фойдаланиш назарда тутилади.

4.11. Асосий ўқув материалларда тингловчиларнинг синхрон ва асинхрон режимларда интерфаол мулоқот қилиш имкониятини юзага келтирувчи вазифалар, топшириқлар мавжуд бўлиши таъминланади.

4.12. Техник қулайликни таъминлаш учун ўқув материаллардан фойдаланишда техник ва дастурий таъминотнинг максимал даражада қўлайлиги ва ортиқча ҳаракатлар, сарф-ҳаражатлар талаб этилмаслиги таъминланади.

V. Асосий ўқув материалларни ишлаб чиқишга қўйиладиган эргономик талаблар

5. Анъанавий малака оширишдан фарқли равишда, масофавий малака ошириш курсида ўқув материалларни асосан компьютер, планшет, телефон каби воситалар орқали ўқишда тингловчининг кўриш ҳолатидаги зўриқишнинг олдини олиш, вақтни тежаш мақсадида ўқув материални ишлаб чиқишда қуйидаги эргономик талаблар қўйилади.

5.1. Масофавий малака ошириш курсларида ихчамлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган асосий ўқув материаллар слайдларга интерфаол шаклларда жойлаштирилади ва махсус дастурлар имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда амалиётга жорий этилади.

Ўқув материалларни слайдларга стандарт сифатида ўртача 14–30 пунктли шрифт, бир интервалда, ҳошиялари ҳар томондан 2,5 см. қолдирилган, хатбоши бир-биридан бўш сатрлар билан ажратилган ҳолда жойлаштирилиши мумкин. Битта мавзу бўйича ўқув материаллар тахминан 15–40 та атрофидаги слайдларга жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

5.2. Слайдларнинг сарлавҳалари максимал маъно юкламасига

эга бўлиши, шунчаки асосий матнга қўшимча бўлмаслиги керак. Тингловчи сарлавҳа билан танишганида тегишли бўлимда ёки абзацда гап нима ҳақида боришини аниқ тасаввур қилишига эришиш лозим.

Слайднинг ичидаги матнлар зарур ҳолларда алоҳида микроблокларга ёки мантикий фрагментларга ажратилиши ва улар ҳам алоҳида аниқ ифода қилинган сарлавҳага эга бўлиши мумкин.

Слайдларда тақдим этилган ахборот «давоми бор» тамойили бўйича жойлаштирилмаслиги ва ахборот нисбатан тугалланган мазмун юкласига эга бўлиши лозим.

5.3. Ахборот тингловчилар томонидан осон ва тез идрок қилиниши учун асосий мазмунни ҳамда кўзга яхши ташланмайдиган жойларда жойлашган объектларни, сўзларни, қисмларни энг самарали воситалар, турли хил кўринишдаги шрифтлар билан ажратиб кўрсатилиши лозим.

5.4. Шрифтлар сифатида кертиксиз Arial, Verdana, Tahoma каби шрифтлардан кенг фойдаланиш назарда тутилади.

5.5. Асосий матн чап томондан, айрим ҳолларда матннинг катта бўлмаган фрагментларини ўнг томондан, марказдан текислаш мумкин.

5.6. Материалларни ўқиётган вақтда сўзларнинг ҳаракатланиши ёки ўлчамлари ўзгариб туриши сезиларли даражада ёмон идрок қилинишидан келиб чиқиб, матн қўзғалмас ҳолатда ёзилади.

5.7. Саҳифанинг фони ва матни ўзаро контрастли рангларда бўлиши ва оқ фондан кенг фойдаланиш ва унга қора рангга ёзиш мақсадга мувофиқ. Фонда тасвирлар бўлган тақдирда матнни одам кўзи билан таниб олиш қийин бўлишини инобатга олиш лозим.

5.8. Тингловчи компютерида махсус шрифтлар бўлмаслиги мумкинлигидан келиб чиқиб, турли символлар, математик формулалар слайд матнига GIF-файллар кўринишида шаффоф фон билан қўйилади.

5.9. Экранда бир вақтда тақдим қилинадиган объектлар сони кўп бўлса, улар маъноси бўйича гуруҳлаштирилади. Саҳифада кичикроқ иллюстрация, график, диаграмма ва бошқаларни жойлаштириш мумкин.

5.10. Материал овозли тайёрланганда, овоз ва кўринадиган

сўзлар, расмлар ўзаро мос бўлиши керак ва расмий адабий сўзлардан фойдаланилади. Турли хил жаргон, шева каби сўзлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

5.11. Асосий ва қўшимча ўқув материалларни — RTF, MS Word, PDF ва аудио, видео шаклларда юклаб олиш имконияти бўлиши керак.

5.12. Масофавий курсда анимациядан фақат электрон тренажёр, виртуал лабораториялар, амалий кўникмаларни ривожлантиришни кўзда тутадиган қисмларда фойдаланиш керак, ахборот қисмида эса анимациядан кам фойдаланиш лозим. Чунки, ҳаракатланаётган тасвир одамнинг периферик кўриш қобилиятига кучли таъсир кўрсатади.

Анимациядан қуйидаги мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилади:

- ўтиш жараёнларини кўрсатиб бериш учун;
- ҳаракатнинг йўналганлигини кўрсатиш учун;
- вақт ўтиши билан рўй берадиган ўзгаришларни кўрсатиш учун;
- саҳифада алоҳида акс эттирилган ахборотни алмаштириш учун;
- график тақдимотни бойитиш учун;
- ҳажмли структураларни визуализация қилиш учун;
- эътиборни жалб қилиш учун.

5.13. Слайдда видео материалдан фойдаланилганда тингловчилар видео материалнинг мазмуни тўғрисида тасаввурга эга бўлиши учун асосий ёки олдинги саҳифага видео материалдан бир нечта кадрларни жойлаштириш ва баъзи тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ.

5.14. Видео маърузаларни ишлаб чиқишда 40, 45, 80, 90 минут давом этадиган машғулотларнинг давомийлиги асос сифатида хизмат қилади. Бунда мазкур давомийликнинг фақат асосий жойларига видео маърузалар тайёрланиши ҳамда маърузани бир нечта мантиқан тугалланган қисмларга бўлиш ва орасида қисқа сўровлар ўтказиш, топшириқлар бериш орқали тақдим этилиши назарда тутилади.

5.15. Видео маърузада маърузачининг матнни ўқиши, умуман маъруза қилиши, маълумотларни тушунтириши эмоционал хусусиятга эга бўлиши керак, уриторик саволлар, аудиторияга мурожаатларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ. Маърузачи нутқи интонация, талаффуз, овоз жарангининг тозалиги бўйича намунали бўлиши керак.

5.16. Ахборотни оммавий маъруза кўринишида баён қилишдан ташқари видео маърузалардан муайян механизмларнинг ишлашини, бирор ҳодиса, воқияларни намойиш қилиш, назарий билимлардан амалиётда фойдаланилишини кўрсатиш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

5.17. Видео материалларни амалий вазиятларни таҳлил қилиш, гуруҳларда муҳокама қилиш учун материал сифатида ҳам қўллаш мумкин. Бу видео кейслар, видео топшириқлар сифатида хизмат қилади.

VI. Назорат ишларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар

6. Масофавий малака ошириш курсида модуллар ва мавзулар бўйича ўқув материалларнинг ўзлаштирилишини текшириш мақсадида назорат ишлари қуйидаги талаблар асосида ишлаб чиқилади.

6.1. Масофавий малака ошириш курсида назорат топшириқлари айнан ўрганилаётган ўқув материаллар мазмунидан келиб чиқиб ишлаб чиқилиши талаб этилади.

6.2. Масофавий малака ошириш курсида назорат топшириқларнинг барча жавоблари, яъни тўғрилари ҳам, вариант сифатида бериладиган нотўғри жавоблари ҳам ўрганилаётган ўқув материалга мос ҳолда ишлаб чиқилиши лозим.

6.3. Масофавий малака ошириш курсида тест синовидан ташқари, фикрлашга йўналтирилган — ижодий саволларга жавоб ёзиш, муаммоли топшириқларнинг ечимини ёзиш, лойиҳаларни бажариш, диаграммалар тузиш, алоқа воситаларида муҳокама қилиш, Интернет тармоғидан излаш ва бошқа турдаги назорат топшириқлари ишлаб чиқилади.

6.4. Масофавий малака ошириш курсида назорат топшириқларнинг жавобларини фақат «топа билиш»га эмас, тингловчиларнинг мустақил равишда ижодий ва танқидий фикрлаш қobiliятини ривожлантиришга қаратилган креатив топшириқлар ишлаб чиқилади.

6.5. Масофавий курсда турли хил далилларни таҳлил қилиш орқали умумий хулосалар чиқариш ва умумий хулосалар асосида айрим ягона хулосалар чиқариш жараёнларини мустақил равишда

амалга оширишга қаратилган топшириқларга асосий ўрин берилади.

6.6. Масофавий курсда тезкорлик билан тингловчининг жавобидаги типик хатоларни аниқлаш, улар тўғрисида огоҳлантириш ва уларга йўл қўймаслик, уларни тузатиш тўғрисида йўл-йўриқлар бериб боришга оид маълумотлар ишлаб чиқилиши зарур.

6.7. Масофавий курсда ўқув материал мазмунига тўлиқ тушуниб етмаган ҳолда жавоб бериш мумкин бўлган назорат топшириқлари бўлмаслиги таъминланади.

6.8. Масофавий курсда қўлланиладиган топшириқлар турлари:

- битта тўғри жавобли тест;
- кўп танловли жавобли тест;
- тўғри/нотўғри ёки ҳа/йўқ жавобли тест;
- қисқа жавобли топшириқ;
- жавоби сондан иборат топшириқ;
- жавобларни тартиб билан жойлаштириш;
- мосликни аниқлаш;
- бўш қолдирилган сўзлар ўрнига зарур сўзларни ёзиш;
- бўш қолдирилган сўзлар ўрнига тўғри жавобни танлаш;
- бўш қолдирилган сўзлар ўринини тўғри жавоб билан тўлдириш;
- эссе ёзиш;
- объектни танлаш;
- объектни танланган жойга қўйиш.

6.9. Масофавий малака оширишда кенг қўламда бажариладиган ва тьютор томонидан баҳоланадиган амалий топшириқлар турларидан ҳам фойдаланилади:

файл кўринишида бажариладиган топшириқ — тингловчи томонидан бажарилган топшириқнинг натижалари битта файл кўринишида ўқув порталга жойлаштирилади ва тьютор томонидан тегишли мезонлари асосида баҳоланади;

матн кўринишида бажариладиган топшириқ — тингловчи томонидан жавобнинг матни бевосита ўқув порталдаги топшириқлар жавобини киритишга мўлжалланган дарчага киритилади ва тьютор томонидан тегишли мезонлари асосида баҳоланади;

ўқув порталдан ташқарида бажариладиган топшириқ —

тингловчидан бирор бир топшириқ жавобини ўқув порталга юклаши талаб этилмайди. Бажарилган топшириқлар текшириш ва баҳолаш учун тьюторга нашр шаклида тақдим қилинади.

6.10. Масофавий малака оширишда анъанавий малака оширишдан фарқли равишда топшириқларнинг бир нечта захира вариантлари бўлиши зарур, бу топшириқлар ва унинг жавоби тармоқ орқали тез тарқалиши билан боғлиқдир.

VII. Методик тавсиялар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар

7. Масофавий малака ошириш курсларида тингловчиларнинг мустақил ўқиш жараёнида методик ёрдам кўрсатиш, қўйилган мақсадга эришишга йўналтириб бориш мақсадида методик тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилиши лозим.

7.1. Методик тавсия ва кўрсатмаларга қуйидагича таъриф берилади:

методик тавсиялар — масофавий малака оширишда тьюторлар ва тингловчиларнинг ўқув фаолиятини самарали ташкил этиш, тингловчиларнинг малака оширишда мустақил фаолият юритишини самарали амалга оширишда бериладиган турли тавсиялардан иборат;

методик кўрсатмалар — масофавий малака оширишда тьюторлар ва тингловчиларнинг ўқув фаолиятида амал қилиши лозим бўлган қоидалар, тингловчиларнинг мустақил малака ошириши жараёнида бажариши зарур бўлган вазифалар юзасидан бериладиган турли кўрсатмалардан иборат бўлади.

7.2. Методик тавсиялар ва кўрсатмалар соҳанинг малакали мутахассислари томонидан тьюторлар ва тингловчилар учун ишлаб чиқилиши мумкин:

тьюторлар синхрон ва асинхрон ҳамда таълим муассасасида ўтказиладиган машғулотларни олиб бориш, турли назорат топшириқларини тегишли мезонлар асосида баҳолаш ва бошқа тьюторлик фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқилади.

тингловчилар учун масофавий малака ошириш жараёнида кўпроқ мустақил ишлайдиган шароитларда ўқув фаолиятини осонлаштиришга хизмат қиладиган методик кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

7.3. Масофавий малака оширишда методик тавсиялар ва кўрсатмалар қуйидаги йўналишларда ишлаб чиқилади:

масофавий малака оширишда ўқув жараёнини олиб бориш бўйича методик тавсия ва кўрсатмаларда қуйидагилар акс этади:

- масофавий малака оширишнинг тартиб-қоидалари;
- курс ва модулларни ўқишнинг умумий давомийлиги;
- мустақил ўрганиш ва топшириқларни бажариш вақтлари;
- синхрон ва асинхрон машғулотларда иштирок этиш;
- амалий, семинар, муҳокама машғулотларда иштирок этиши;
- масофавий ўқиш учун тингловчига қўйиладиган талаблар;
- мустақил, гуруҳларда ва тьютор билан ишлаш йўллари;
- курсни муваффақиятли якунлаш шартлари.

масофавий малака ошириш ўқув порталида мустақил ишлаш бўйича методик тавсия ва кўрсатмаларда қуйидагилар акс этади:

- асосий ва қўшимча ўқув материаллар билан мустақил ишлаш;
- ўқув порталнинг функциялари ва интерфейси билан ишлаш;
- тьютор ва бошқалар билан қайта алоқа воситасидан фойдаланиш;
- дастурий таъминотга қўйилган талаблар ва улар билан ишлаш;
- ўқув жараёнида ишлаш учун қўшимча зарурий воситалар.

масофавий малака оширишда модуллар мазмунини ўрганиш бўйича методик тавсия ва кўрсатмаларда қуйидагилар акс этади:

- модул мазмунининг тингловчилар учун аҳамияти ва роли;
- модул мақсади ва кутилаётган натижалари;
- модулни ўрганишда тингловчининг вазифалари;
- модулни ўрганиш вақтларини режалаштириш ва ташкил этиш;
- модулда асосий, қўшимча материаллар, адабиётлар билан ишлаш.

масофавий малака оширишда назорат ишлари бўйича методик тавсия ва кўрсатмаларда қуйидагилар акс этади:

- курсда қўлланиладиган назорат ишлари турлари;
- ўзини-ўзи текшириш синовлари;
- назорат ишларини бажариш (қайта) шартлари ва муддатлари;
- амалий машғулотларни бажариш бўйича тавсиялар;
- баҳолаш мезонлари ва тартиби (балл кўрсаткич ва даражалари);

- якуний назоратга тайёрланиш бўйича маслаҳатлар;
- назорат ишлари якуни бўйича қабул қилинадиган қарорлар.

масофавий малака оширишда тескари (қайта) алоқа қилиш бўйича методик тавсия ва кўрсатмаларда қуйидагилар акс этади:

- қайта алоқа ўрнатиш воситалари турлари;
- қайта алоқа ўрнатиш усуллари ва шартлари;
- “тингловчи-тьютор-тингловчи” мулоқотини ташкил қилиш;

7.4. Методик тавсиялар ва кўрсатмалар масофавий малака ошириш ўқув порталининг тегишли жойларига жойлаштирилиши ва ундан тьюторлар ва тингловчилар мустақил фаолият юритишида самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

VIII. Ўқув-методик материалларни экспертиза ва тажриба-синовдан ўтказишга қўйиладиган талаблар

8. Масофавий малака ошириш курси ўқув-методик материаллари янгидан ишлаб чиқилганида, унинг сифатини баҳолаш мақсадида экспертиза ва тажриба-синовдан ўтказиш назарда тутилади.

8.1. Экспертиза ва тажриба-синовдан ўтказишда ўқув-методик материалларининг таркибий тузилиши, мазмуни, методологик, технологик жиҳатлари кўриб чиқилади:

ўқув-методик материалларнинг таркибий тузилишида ўқув материаллар тегишли йўналишлар бўйича ходимларнинг касбий компетентлигига қўйилган талабларга, малака ошириш курслари ўқув дастурлари, ўқув режаларига мувофиқлиги, масофавий курснинг ўқув-методик материаллари таркибий тузилишига қўйиладиган талабларга мослиги кўриб чиқилади.

Бу масофавий ўқитишни ташкил этишга маъсул бўлган тегишли бўлимлар ва ўқув материалларни ишлаб чиқувчи кафедра(бўлим, марказ)лар томонидан кўриб чиқилади.

ўқув-методик материаллар мазмуни тегишли йўналишдаги ходимлар учун белгиланган компетенциялар, малака талаблари, касбий эҳтиёжлари, маълум бир йўналишдаги тизимли муаммоларни бартараф этишга, касбий диагностика асосида аниқланган бўшлиқларни тўлдиришга қаратилган ҳолда ишлаб чиқилганлиги кўриб чиқилади.

Бу ўқув материалларни ишлаб чиқувчи кафедра(бўлим, марказ)лар ва шу йўналишдаги бошқа соҳа мутахассислари ҳамда масофавий ўқитишни ташкил этишга маъсул бўлган тегишли бўлимлар томонидан кўриб чиқилади.

ўқув-методик материалларнинг методологик мувофиқлиги ўқув-методик материалларининг ишлаб чиқилиши анъанавий малака оширишдан фарқли равишда, методологик жиҳатдан синхрон ва асинхрон ўқитиш режимларига, масофавий ўқитишни жорий этиш моделлари, ўқитиш технологияларига мослиги ҳамда масофавий курс ўқув материалларини ишлаб чиқишга қўйиладиган умумий педагогик талаблар асосида ишлаб чиқилганлиги кўриб чиқилади.

Бу масофавий ўқитишни ташкил этишга маъсул бўлган тегишли бўлимлар ва ўқув материалларни ишлаб чиқувчи кафедра(бўлим, марказ)лар томонидан кўриб чиқилади.

ўқув-методик материалларнинг технологик мувофиқлиги ўқув-методик материаллар ўқув порталнинг дидактик функциялари ва имкониятларига мослиги, эргономик талабларга риоя қилинганлиги кўриб чиқилади.

Бу масофавий ўқитишни ташкил этиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга маъсул бўлган тегишли бўлимлар ва ўқув материалларни ишлаб чиқувчи кафедра(бўлим, марказ)лар томонидан кўриб чиқилади.

8.2. Янгидан ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар қуйидаги босқичларда экспертизадан ўтказилиши мумкин:

- янгидан ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар дастлаб ишлаб чиқилган кафедра ва бошқа бўлимларнинг ички муҳокамасидан ўтказилади;

- ички муҳокамадан сўнг ўқув материаллар мазмунига яқин йўналишда фаолият юритадиган кафедра ва бошқа бўлимлар билан ҳамкорликда муҳокамадан ўтказилади;

- муҳокамалардан сўнг соҳанинг малакали, тажрибали, амалиётчи мутахассислар томонидан тақризлаш ва бошқа фикрларни ўрганиш асосида экспертизадан ўтказилади;

- ўқув-методик материалларнинг таркибий тузилиши, методологик, технологик мувофиқлиги жиҳатидан экспертиза ишлари тегишли бўлимлар ва тармоқлар билан биргаликда амалга оширилади;

–муҳокамалардан сўнг янгидан ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар ҳамкасблар, тингловчилар иштирокида синов тариқасида курс ташкил этиш асосида тажриба-синовдан ўтказилади;

–муҳокамалар, тақризлашлар, тажриба-синов ишларида аниқланган камчиликлар қайта таҳрирлаш орқали курс амалиётга жорий этилади;

–курсни амалиётга жорий этиш жараёнида тингловчиларнинг фикрларини ўрганиш, қайта алоқа ўрнатиш орқали ўқув-методик материаллар узлуксиз такомиллаштирилиб борилади.

Мазкур талаблар асосида масофавий малака ошириш курсларининг ўқув-методик материалларини экспертизадан ўтказиш ўқув жараёнининг сифатли ташкил этилишига олиб келади.

IX. Якуний қоидалар

9.1. Масофавий малака ошириш курсларининг ўқув-методик материаллари, методик тавсиялар ва кўрсатмаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишга қўйиладиган минимал талаблар масофавий малака ошириш курсларини ишлаб чиқишда маълум бир қоидалар сифатида хизмат қилади.

9.2. Масофавий малака ошириш курсларининг ўқув-методик материаллари анъанавий малака оширишга ишлаб чиқилган ўқув-методик мажмуа (ЎММ) базаси асосида шакллантирилади.

9.3. Анъанавий малака оширишга ишлаб чиқилган ЎММ масофавий малака ошириш шароитида синхрон ва асинхрон ўқитиш режимида машғулотларни ҳамда интерфаол назорат топшириқларини ўтказишга мослаштириш назарда тутилади.

9.4. Анъанавий ва масофавий малака ошириш курслари учун алоҳида ЎММ шакллари яратилиши назарда тутилмайди.

МАСОФАВИЙ МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИ **МИСОЛИДА НАМУНА**

... ходимларининг малакасини ошириш курсларини масофавий ва аралаш шаклларда ташкил этиш тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом (*низомни ишлаб чиқишга асос бўладиган хужжатларнинг номи ёзилади*)га мувофиқ (*тегишли соҳа*) ходимларининг малакасини ошириш курсларини масофавий ва аралаш шаклларда ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1.1. Масофавий ва аралаш малака ошириш курсларга тингловчилар жалб этилиши тегишли соҳанинг ваколатли органлари томонидан белгиланган ва ўрнатилган тартиблари асосида амалга оширилади.

1.2. Масофавий ва аралаш малака ошириш курслари мазмуни тегишли соҳа ходимларининг малакасини оширишга қўйиладиган талаблар, малака талаблари, компетенциялар асосида ташкил этилади.

1.3. Масофавий ва аралаш малака ошириш курслари (даврийлиги ҳар уч йилда бир марта) давомийлиги 144 соатдан кам бўлмаган ҳамда бошқа жамғарилувчи қисқа муддатли курслар шаклида амалга оширилади.

1.4. Тегишли соҳанинг буюртмачилари томонидан белгиланган муддатларда ёки мунтазам киритилган таклифлари асосида тегишли соҳада амалиётида мавжуд тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган ўқув машғулотлар масофавий ва аралаш шаклларда ташкил этилади.

1.5. Масофавий ва аралаш малака ошириш курслари ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, ўқитиш ва тренингларни интерфаол ҳамда муаммоли-вазиятли услубларни кенг жорий этиш назарда тутилади.

1.6. Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

масофавий малака ошириш — таълим жараёнига хос бўлган барча компонентлар (мақсад, мазмун, шакллар, усуллар, воситалар) масофадан туриб амалга ошириладиган малака ошириш шакли ҳисобланади;

аралаш малака ошириш (“Blended Learning”) — анъанавий малака ошириш билан масофавий ёки бошқа электрон шаклдаги мустақил ўқиш интеграциялашган ҳолда амалга ошириладиган таълим жараёни ҳисобланади;

контакт-сессия машғулоти — аралаш малака ошириш курснинг бир қисми таълим муассасада бевосита йўналтирувчи, мустаҳкамловчи хусусиятга эга бўлган маъруза, амалий машғулоти, лаборатория иши, семинар-тренинг, кўчма (сайёр) машғулоти ва бошқа интерфаол шаклда олиб бориладиган машғулоти ҳисобланади;

синхрон режимида (on-line) малака ошириш — масофадан туриб реал вақт режимида машғулоти олиб бориш ҳисобланади;

асинхрон режимида (off-line) малака ошириш — масофадан туриб электрон ўқув ресурсларини мустақил ўзлаштириш ҳисобланади;

оммавий очиқ онлайн курслар (MOOC) — Интернет тармоғи орқали кўпчилик кириш имконияти мавжуд бўлган очиқ онлайн курслар;

электрон ўқитиш — электрон ахборот-таълим муҳитида ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ва бошқа электрон таълим ресурсларидан фаол фойдаланилган ҳолда мустақил равишда амалга ошириладиган таълим жараёни ҳисобланади;

адаптив ўқитиш — тингловчиларнинг тайёргарлиги, қобилияти, мақсадлари, мотивацияси ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал ўрганишга асосланган ўқитиш модели ҳисобланади;

тьютор (ўқитувчи-консультант) — масофавий малака ошириш жараёнида тегишли ўқув модули бўйича тингловчилар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва йўналтирувчи, методик ёрдам кўрсатувчи, ўқиш ва билиш назоратини амалга оширувчи ҳамда ўзига бириктирилган модул бўйича ўқув-методик материалларни ишлаб чиқувчи ҳисобланади.

таҳлилий хулоса — масофавий малака ошириш курслари охирида

тингловчиларнинг синхрон ва асинхрон машғулотларда иштироки ва ўзлаштириш даражаси бўйича умумлаштирган таҳлилий хулоса тайёрланади ва унга кўра тингловчиларнинг якуний назоратда ёки таълим муассасада ташкил этиладиган машғулотларда иштирок этиш ёки иштирок этмаслик масаласи бўйича қарор қабул қилинади.

II. Масофавий ва аралаш малака оширишнинг мақсади ва вазифалари

2.1. Масофавий ва аралаш малака оширишнинг мақсади — ходимларга ишдан тўлиқ ёки қисман ажралмаган ҳолда қонунчиликдаги янгиликларнинг мазмун-моҳиятини етказиш, тегишли соҳа ходимлари фаолиятининг илғор ютуқларини ўргатиш, фаолият учун зарур касбий маҳоратини такомиллаштириш, шунингдек, тизимли камчиликларни бартараф қилиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

2.2. Масофавий ва аралаш малака оширишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- масофавий ва аралаш малака ошириш шаклларини жорий этиш орқали ҳар йили ўқитиладиган тингловчилар сонини сезиларли даражада оширишга эришиш;

- тингловчиларда тегишли компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишни масофавий ёки аралаш шаклда амалга ошириш;

- тингловчиларнинг соҳа фаолияти бўйича муайян соҳаларидаги қобилиятини аниқлаш бўйича ўтказилган диагностика натижаларига кўра масофавий ва аралаш курсларни ташкил этиш;

- масофавий малака оширишни амалиёт билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш орқали тингловчиларнинг асосий иш жойларидаги фаолиятлари узлуксизлигини таъминлаш;

- тегишли соҳа ходимларининг малакасини ошириш бўйича белгиланган вазифаларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш.

III. Масофавий ва аралаш малака ошириш жараёни иштирокчилари ва уларнинг вазифалари

3.1. Раҳбар — масофавий ва аралаш малака ошириш курсларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда тегишли иштирокчиларнинг ишларини умумий бошқаради.

Раҳбар сифатида масофавий ва аралаш малака ошириш курсларини ташкил этишга ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқишга масъул бўлган бўлим, марказ, кафедранинг раҳбарлари назарда тутилади.

3.2. Эксперт — масофавий малака оширишнинг жараёнининг сифат ва самарадорлигини баҳолаш, таҳлил қилиш ва педагогик дизайни, дидактик тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда бошқа иштирокчиларга методик ёрдам кўрсатиш ишларини амалга оширади.

Экспертлик вазифаси масофавий ва аралаш малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича малакали мутахассислар томонидан амалга оширилади.

3.3. Координатор — масофавий курсларга тингловчиларни қабул қилиш, расмийлаштириш, гуруҳ шакллантириш, синхрон, асинхрон, таълим муассасасида ўтказиладиган машғулотларни ташкил этиш, тьюторлар ва тингловчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, ўқув жараёнининг умумий мониторингини олиб бориш, якуний назорат ишларини ташкил этиш ва натижаларини расмийлаштириш ишларини амалга оширади.

Координатор вазифаси масофавий ва аралаш малака ошириш курсларини ташкил этишга масъуллар томонидан амалга оширилади.

3.4. Администратор — серверлар, компьютерларга зарур техник хизмат кўрсатиш, локал, глобал тармоқларнинг узлуксиз фаолият кўрсатиши ва унинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда тьюторлар ва тингловчиларнинг тармоқдан самарали фойдаланишда техник ёрдам кўрсатиш ишларини амалга оширади.

Администратор вазифаси Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, масофавий ўқитиш бўлимлари ходимлари томонидан бажарилади.

3.5. Тьютор — модуллар бўйича ўқув-методик материаллар ишлаб чиқиш ва уларни шахсий кабинети орқали тармоққа жойлаштириш, қайта таҳрирлаш, мунтазам такомиллаштириб бориш ҳамда ўқув машғулотларни олиб бориш, назорат топшириқларини баҳолаш, тингловчилар ўқув фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик ёрдам кўрсатиш ишларини бажаради.

Тьюторлик фаолияти модуллар бўйича тегишли кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари ва бошқа курс ташкил қилувчи тармоқларнинг ходимлари томонидан юритилади.

3.6. Экспертиза ишчи гуруҳи — янгидан ишлаб чиқилган ўқув-методик материалларни экспертиза ва тажриба-синовдан ўтказиш ишларини амалга оширади.

Экспертиза ишчи гуруҳи таркиби тегишли кафедралар, бўлимлар, марказлар ходимлари ва бошқа малакали мутахассислардан иборат бўлиши назарда тутилади.

3.7. Тингловчи — масофавий ва аралаш малака ошириш курсига касбий билим, кўникма ва малакасини янгилаш ва чуқурлаштириш учун жалб этилган катта ёшдаги таълим олувчи ҳисобланади.

IV. Масофавий ва аралаш малака ошириш курсларини ташкил этиш шакллари

4.1. Тегишли соҳа ходимларининг малакасини ошириш курслари масофавий ва аралаш шаклларда ташкил этилади:

масофавий малака ошириш курслари — синхрон (on-line шаклда масофадан туриб реал вақт режимида машғулотларни олиб бориш) ва асинхрон (off-line шаклда масофадан туриб электрон ўқув ресурсларини мустақил ўзлаштириш) режимларда амалга оширилади;

аралаш малака ошириш курслари — малака оширишнинг бир қисми масофавий шаклда, иккинчи қисми таълим муассасада ташкил этиладиган машғулотлардан иборат бўлади. Таълим муассасада машғулотлар йўналтирувчи, мустақамловчи хусусиятга эга бўлган амалий машғулот, семинар-тренинг ва интерфаол машғулотлар шаклида ташкил этилади.

4.2. Масофавий малака ошириш курслар давомийлиги тўлиқ ва қисқа муддатли 1+0,— 4+0 шаклларда ташкил этилади:

Мазкур курсларнинг якунида якуний назорат ишлари юзма-юз ёки алоқа воситалар асосида синхрон шаклда ўтказилиши назарда тутилади.

4.3. Аралаш малака ошириш курслар давомийлиги тўлиқ ва қисқа муддатли 1+1,— 3+1 шаклларда ташкил этилади:

Таълим муассасада ташкил этиладиган машғулотлар давомийлиги анъанавий малака ошириш талабларига мувофиқ ташкил этилиши назарда тутилади.

4.4. Масофавий ва аралаш малака ошириш курслар давомийлиги ўқув машғулотлар жадвалида календарь муддатларда кўрсатилади, бунда календарь муддатлар академик муддатлардан ортиқ бўлиши мумкин.

4.5. Ўқув машғулотлар жадвалида мавзулар ҳафталик кўринишда ва модулли тамойиллар асосида тақсимланади.

4.6. Масофавий ва аралаш малака ошириш курслари таълим муассасаси кузатуви остида замонавий таълим технологиялари асосида тингловчиларнинг мустақил ўқиши ва изланишини рағбатлантириш мақсадида қуйидаги турли хил шаклларда ташкил этилиши мумкин.

4.7. Масофавий ва аралаш малака оширишда модулли-жамғариладиган тизимдан фойдаланилиши мумкин:

модулли-жамғариладиган тизим асосида курслар — 3 йилда бир марта ташкил этиладиган 144 соатли малака ошириш курслари даврийлиги муддатларини қисқартириш мақсадида ташкил этилади;

модулли-жамғариладиган курслар тингловчиларнинг касбий эҳтиёжлари, диагностика натижалари, талаб ва таклифлари асосида ишлаб чиқилган оптималлаштирилган ёки вариативлаштирилган ўқув дастурлар асосида ташкил этилиши назарда тутилади.

4.8. Масофавий шаклда оммавий очиқ онлайн курслар ташкил этилиши назарда тутилади:

оммавий очиқ онлайн курслар очиклик тамойили (исталган киши онлайн курснинг иштирокчиси бўлиши мумкин) ва кенг қамровлилик тамойили (курсда чекланмаган сондаги таълим олувчилар иштирок этиши мумкин) асосида ташкил этилади.

оммавий очиқ онлайн курслар қуйидаги 3 та йўналишда ташкил этилиши мумкин:

биринчи йўналиш — курс кундузги ва масофавий ўқитишнинг интеграциялашуви асосида машғулотлар маъруза, семинар, мустақил ишлаш учун топшириқлар шаклида амалга оширилади, бунда курснинг муаллифи томонидан дастур тузилади ва мақсадлар белгиланади;

иккинчи йўналиш — тингловчилар (тьютор эмас) таълим мақсадларини қўяди, индивидуал ўқув йўналишини белгилайди, уларнинг биргаликдаги фаолияти янги лойиҳа яратиш билан давом этади, бундай лойиҳа аввалдан тьюторга ҳам номаълум бўлиши мумкин;

учинчи йўналиш — оммавий очиқ онлайн курсларда ўқув материаллар тингловчилар томонидан тьюторлар иштирокисиз мустақил ўзлаштирилади ва бу жараёнда тингловчилар орасида ўзаро фаол мулоқат ўрнатилиши назарда тутилади.

4.9. Масофавий равишда қуйидаги шаклда қисқа муддатли курслар ташкил этилиши мумкин:

аниқ мавзуни чуқурлаштириб ўқитишга қаратилган уч ва беш кунлик курслар;

куннинг долзарб мавзулари, муаммоли мавзулари, муаллифлик мавзуларда қисқа муддатли курслар ёки онлайн семинарлар.

4.10. Модулли-жамғариладиган ва бошқа қисқа муддатли курслар кредит-модуль тизимига мослаштирилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

4.11. Масофавий ва аралаш малака ошириш курсларидан сўнг, таълим муассасасининг сайти, ижтимоий тармоқдаги каналлари ва масофавий курс ўқув порталининг электрон кутубхонаси орқали тингловчиларга мустақил равишда узлуксиз билим ва қўникмаларини ривожлантириш имконияти яратилади.

V. Масофавий ва аралаш малака ошириш курсларда машғулотларнинг шакллари

5.1. Масофавий малака ошириш курсларида машғулотлар синхрон ва асинхрон режимида ўтказилади.

Синхрон машғулотлар — масофавий малака ошириш курсларида реал вақт режимида машғулотларни олиб бориш ҳисобланади.

Синхрон машғулотларда тингловчилар ўқув машғулотлар жадвалида белгиланган вақтларда чат, вебинар ва бошқа алоқа воситалар орқали реал вақт режимда машғулотларда иштирок этади. Очiq дарслар ҳам синхрон режимда ўтказилади.

Асинхрон машғулотлар — масофавий малака оширишда электрон ўқув ресурсларини мустақил равишда ўзлаштириш ҳисобланади.

Асинхрон машғулотларда тингловчилар томонидан масофавий курс ўқув порталига жойлаштирилган модуллар бўйича асосий ва қўшимча ўқув-методик материаллар ўзлаштирилади ҳамда жорий ва оралиқ назорат ишлари бажарилади.

5.2. Аралаш малака ошириш курсларида таълим муассасасида қуйидагилар контакт-сессия машғулотлари сифатида ўтказилади.

Йўналтирувчи машғулотлар — малака ошириш курси бошланишида йўналтирувчи хусусиятга эга бўлган маъруза, амалий машғулот, семинар-тренинг, лаборатория иши, кучма (сайёр) машғулот ва бошқа интерфаол машғулотлар шаклларида олиб борилади.

Мустаҳкамловчи машғулотлар — малака ошириш курси охирида таълим муассасасида мустаҳкамловчи хусусиятга эга бўлган амалий машғулот, семинар-тренинг, лаборатория иши, кучма (сайёр) машғулот ва бошқа интерфаол машғулотлар шаклларида олиб борилади.

Агар гуруҳдаги барча тингловчиларнинг иш ва яшаш жойлари битта ҳудудда жойлашган бўлса, унда кўчма (сайёр) контакт-сессия машғулотларини ташкил этиш ёки бундай машғулотларни видео алоқа воситалари орқали амалга ошириш мумкин.

VI. Масофавий ва аралаш малака ошириш курслари ўқув жараёнини ташкил этиш

6.1. Масофавий ва аралаш малака ошириш курслар таълим муассасасининг иш режаси асосида ташкил этилади.

6.2. Масофавий ва аралаш малака ошириш курслари ходимларнинг иш жойидан тўлиқ ёки қисман ажралган ҳолатида малака оширишнинг умумий давомийлигини белгилаш схемалари бўйича ташкил этилади.

6.3. Малака оширишга жалб тингловчилар рўйхатида ходимнинг

фамилияси, исми ва отасининг исми, қачон ва қайси ўқув юртини битирганлиги, диплом бўйича мутахассислиги, стажи, иш жойи, лавозими, охирги марта малака оширган вақти ва малака ошириш йўналиши кўрсатилган ҳолда шакллантирилади.

6.4. Тегишли соҳанинг ходимини малака оширишга тўлиқ ёки қисман хизматдан ажратган ҳолда тингловчи сифатида жалб қилиш бўйича буйруқ чиқарилиши назарда тутилади.

6.5. Буйруқ асосида курсга қабул қилинган тингловчиларга логин, пароллар ажратиш ва масофавий курс ўқув порталида мустақил малака ошириш имкониятини яратиш масофавий ўқитишга масъул бўлган бўлим томонидан амалга оширилади.

6.6. Масофавий ва аралаш малака ошириш курслари ўқув жараёни намунавий ўқув режа, ишчи ўқув режа ва машғулотлар жадваллари асосида олиб борилади.

6.7. Машғулотлар жадвали масофавий ва аралаш малака ошириш курсининг бутун давомийлигини қамраб олган ҳолда синхрон, асинхрон ва контакт-сессия машғулотлари учун ишлаб чиқилади.

6.8. Масофавий ва аралаш малака ошириш курсларида тингловчи тегишли сабабларга кўра тингловчилар сафидан четлаштирилади.

6.9. Тингловчилар сафидан чиқарилган, лекин касбий фаолиятини давом эттираётган тингловчиларни малака оширишга қайта жалб этилиши янгидан ташкил этиладиган курсларда амалга оширилади.

6.10. Малака ошириш курслари бошланиши олдидан курсга жалб этиладиган ходимларга мустақил тайёргарлик кўришга доир материаллар ва топшириқлар юборилиши мумкин.

VII. Масофавий ва аралаш малака ошириш курсларини амалиётга жорий этиш моделлари

7.1. Тармоқ технологияси асосида ўқитиш — масофавий курснинг ўқув-методик материаллари ўқув порталга жойлаштириш орқали локал ва глобал тармоқлар орқали амалиётга жорий этилади.

Масофавий курснинг асосий ўқув материаллари ва уларни ўзлаштирганлигини текшириш ва мустақамлашга қаратилган интерфаол топшириқлар махсус электрон дастурга жойлаштирилади ҳамда ўқув порталга юкланади.

7.2. Кейс-технология асосида ўқитиш — тингловчига масофавий малака ошириш курсининг асосий ва қўшимча ўқув материалларини махсустўплам “кейс” сифатида ўқув порталдан юклаб олиш имконияти яратилади.

Бунда назорат топшириқларидан ажратилган ҳолда, фақат ўқув материаллар тингловчиларга мустақил ўрганиш учун берилади ва унга тьютор томонидан маслаҳатлар бериб борилиши назарда тутилади.

7.3. Мобил технология асосида ўқитиш — масофавий малака ошириш курсларда тингловчиларга мобил телефонлар орқали ўқишларига имконият яратилиши назарда тутилади.

VIII. Масофавий ва аралаш малака ошириш жараёнини назорат қилиш ва тингловчиларнинг билимини баҳолаш

8.1. Масофавий ва аралаш малака ошириш курслари ўқув жараёнида тегишли масъуллар томонидан назорат ишлари амалга оширилади ва тингловчиларнинг ўзлаштириш даражалари баҳоланади.

8.2. Масофавий ва аралаш малака ошириш курсларида баҳолаш мезонлари 100 баллик тизимда амалга оширилади. Бунда 100–86 балл (аъло), 85–71 балл (яхши), 56–70 балл (қониқарли), 0–55 балл (қониқарсиз) тизимида ҳисобланади.

8.3. Малака ошириш курсларида тингловчилар ўқув дастурларни қай даражада ўзлаштирганлигини аниқлаш юзасидан жорий, оралиқ ва якуний назоратлар ҳамда кириш ва чиқиш тестлари ўтказилади.

8.4. Кириш тести курс бошланишидан аввал малака оширилиши режалаштирилган модуллар бўйича тингловчиларнинг билим ва кўникмасини аниқлашга қаратилган тест синови шаклида ўтказилади.

Кириш тести натижасида тингловчининг билимидаги бўшлиқларни аниқлаш ва шунга кўра тингловчилар билан мустақил ишлаш фаолиятини режалаштириш назарда тутилади.

8.5. Жорий назорат тингловчиларнинг ҳар бир мавзу бўйича асосий ўқув материалларни ўзлаштиришини баҳолаш учун ўтказилади.

Жорий назорат ўзлаштирилган билимларни текшириш, ўзини-ўзи синаб кўриш, ўзини-ўзи баҳолаш, қайта такрорлаш, ўз хатоликларини тузатиш, таҳрирлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Жорий назорат турли хил интерфаол синовлар, ёзма иш, муаммоли-вазиятлар ва бошқа топшириқлардан иборат бўлиб, дастур томонидан автоматик равишда ва тьютор томонидан бевосита баҳоланади.

Тьюторлар томонидан узрли сабабларга кўра топшириқлар ўз вақтида баҳоланмаслик ҳолати юзага келганида, бу ҳолат тегишли кафедра ёки бошқа масъул раҳбарлар томонидан баҳолаш учун бошқа тьюторни бириктириш йўли билан ҳал этилади.

8.6. Оралиқ назорат модул ёки ҳафта охирида ўтказилади.

Оралиқ назоратда модуллар бўйича асосий ўқув материалларнинг тўлиқ мазмунини қамраб олган тестлар орқали тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳар томонлама текширилади.

Оралиқ назорат ишдан ажралмаган ҳолда машғулотлар жадвалида белгиланган муддатда тармоқ орқали мустақил бажарилади.

8.7. Малака оширишнинг масофавий қисми якунланганидан сўнг тингловчилар ўқув фаолияти бўйича таҳлилий хулоса тайёрланади.

IX. Масофавий ва аралаш малака ошириш курсларида якуний назоратни ташкил этиш

9.1. Масофавий ва аралаш малака ошириш курслари охирида синхрон ёки бевосита юзма-юз шаклида якуний назорат ўтказилади.

9.2. Якуний назорат малакали мутахассислардан иборат бўлган комиссия томонидан ўтказилади.

9.3. Якуний назоратини қабул қилиш учун комиссия таркиби таълим муассасаси раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

9.4. Якуний назорат синхрон режимда ёки бевосита юзма-юз имтиҳон, суҳбат, малака иши, курс иши, реферат, лойиҳалар ҳимояси ва бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин, натижалари қайднома шаклида умумлаштирилади ва комиссия томонидан имзоланади.

9.5. Қайднома натижаларига кўра тингловчилар малака ошириш курсини тегишли баллар асосида тугатган ёки “қониқарсиз” тугатган деб ҳисобланади.

9.6. Якуний назорат жараёнида тингловчиларнинг ўқув порталда тўплаган баллари билан якуний имтиҳонларда аниқланган билим даражалари кўрсаткичларида катта фарқлар кузатилганда алоҳида суҳбат ёки ўқув порталда ишлаш кўникмаларини аниқлаш шаклларда

махсус назорат ўтказилиши ҳам мумкин.

9.7. Масофавий ва аралаш малака оширишда умумий ўқув жараёнининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида комплекс баҳолаш ўтказилади. Баҳолаш соҳа мутахассиси, экспертлари томонидан амалга оширилади.

Комплекс баҳолашда — курсни ташкил этишдан аввал таҳлил тўғри ўтказилганлиги, режалаштириш, ишлаб чиқиш, жорий этиш ишлари тўғри амалга оширилганлиги баҳоланади.

Комплекс баҳолаш натижаларига кўра, масофавий ва аралаш малака ошириш курсларининг сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Х. Апелляцияларни кўриб чиқиш тартиби

10.1. Масофавий ва аралаш малака ошириш курсида тингловчилар назорат ишлари натижаларидан норози бўлган тақдирда 3 иш куни давомида апелляция бериши (ёзма равишда) мумкин.

10.2. Апелляция комиссияси таълим муассасаси раҳбарияти томонидан тингловчи малака оширган курс ўқув жараёнида иштирок этмаган 5–7 нафар ходимдан иборат таркибда тузилади.

Апелляция комиссияси таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш 2 иш кунида амалга оширилади ҳамда мурожаат қилинган кун Апелляция комиссияга мурожаат тушган кундан ҳисобланади.

10.3. Апелляция комиссияси 5 иш куни ичида тақдим этилган апелляцияни кўриб чиқади. Тингловчи шикоятини кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

10.4. Апелляция кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

тингловчининг шикоятини қаноатлантириш;

назорат ишлари натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва шикоятни қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида.

10.5. Апелляция комиссияси қарори комиссия раиси, аъзолари ва котиби томонидан имзоланадиган баённомада расмийлаштирилади.

10.6. Назорат ишлари натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор апелляцияда кўрсатилган сабаблар тасдиқланмаганида ва ўрнатилган

тартиб-қоидалар бўзилган бўлса қабул қилинади.

10.7. Апелляцияни қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинса, ўрнатилган тартибда курсни давом эттириш ёки курсни тугатганлиги тўғрисида қарор қабул қилинади.

10.8. Тингловчига қабул қилинган қарор ҳақида ёзма равишда хабар беради.

10.9. Апелляция комиссиясининг қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

XI. Масофавий ва аралаш малака ошириш курсларида тьюторларнинг ўқув юкламаларни ҳисоблаш тартиби

11.1. Масофавий ва аралаш малака ошириш курслари учун ўқув-методик ва назорат ишлари материалларини ишлаб чиқиш ҳамда машғулотлар, назорат ишларини ўтказишда амалга оширилган ишлар тьюторларнинг ўқув юкламасига киритилади.

11.2. Масофавий ва аралаш малака ошириш курслари учун битта мавзу учун ўқув-методик ва назорат ишлари материалларини ишлаб чиқишга қуйидагича соатлар ажратилади:

Матнли ўқув материалга 3 соат, матнли-график ўқув материалга 4 соат, видео, аудио ўқув материалларга (бир академик соатдан кам бўлмаган видеодарс) — 6 соат, назорат учун материалларни ишлаб чиқишга 1 соат берилади.

11.3. Масофавий курсларда синхрон ва асинхрон режимда ҳамда аралаш курсларда таълим муассасасида ўтказиладиган контакт-сессия машғулотларини ўтказишга қуйидагича соатлар ажратилади.

Масофавий малака ошириш курсларида синхрон режимда ўтказилган бир академик соат машғулот учун — 1 соат, синхрон ва асинхрон режимда ўтказилган бир академик соат консультацияга 1 та тингловчи учун — 0,2 соат берилади, бунда ҳар бир ўқув модули учун 6 соатгача бўлади.

Аралаш малака ошириш курсларида таълим муассасасида ташкил этилган бир академик соат машғулот учун — 1 соат берилади. Машғулотлар танаффуссиз икки академик соатдан (80 минут) ўтказилади.

Шунингдек, аралаш малака ошириш курсларида кўчма (сайёр)

машғулоти ташкил қилган тьюторга бир кунда кўпи билан 2 соат берилади. Кўчма машғулоти ташкил қилинган таълим муассасасида очиқ дарс ўтган ўқитувчига 1 соат дарс учун — 1 соат берилади. Таълим муассасаси ўқитувчисига 1 соат очиқ дарсни кузатгани ва таҳлил қилгани учун — 1 соат берилади.

11.4. Масофавий ва аралаш малака ошириш курсларида битта гуруҳда тингловчилар сони 15–30 нафарни, истисно тариқасида, алоҳида йўналишлар машғулотида 3–5 нафарни ташкил этади.

Айрим ҳолларда кўп сондаги тингловчилар бирлашган битта гуруҳда малака ошириши мумкин. Бунда тьюторнинг ўқув юкламаси тингловчиларнинг жами сонини 30 нафар тингловчига тақсимлаган ҳолда чиқарилган гуруҳлар сонига кўра оширилган тарзда ҳисобланади.

11.5. Масофавий ва аралаш малака ошириш курсларида ўқув модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш қуйидагича амалга оширилади:

жорий ва оралиқ назоратларга (ёзма, оғзаки, ижодий) битта тингловчи учун — 0,2 соат берилади. Бунда бир курсда ҳар бир тьютор учун бериладиган соат миқдори 8 соатдан ошмайди;

назорат ишларида жами соат ёзма ишни текширишда иштирок этган модул тьюторларига тенг тақсимланади. Назорат натижалари тегишли қайдномаларда акс этади.

11.6. Масофавий ва аралаш малака ошириш курслари тингловчиларининг битирув, лойиҳа ва малака ишларига раҳбарлик қилиш ва хулоса ёзиш ёки тақризлаши қуйидагича амалга оширилади:

битта малака ишига — 1 соат, битта лойиҳа ишига — 4 соат берилади. Илмий даража ва унвонга эга бўлган тьюторларга 15 нафаргача, бошқаларга 10 нафаргача тингловчилар бириктирилиши мумкин.

11.7. Масофавий ва аралаш малака ошириш курсларида якуний назоратни ўтказишда соатлар қуйидагича тақсимланади:

оғзаки (тақдимот) шаклда битта тингловчи учун — 0,2 соат, ижодий ишларда битта тингловчи учун — 0,3 соат, ёзма ишни текшириш учун ҳар бир ишга — 0,2 соат, лойиҳа ва малака иши ҳимояси учун — 0,3 соат берилади.

11.8. Якуний назорат ўтказадиган комиссия таркиби 3–7 нафардан иборат бўлади.

Комиссия аъзосига бериладиган бир кунлик ўқув ишлари юкламаси ҳажми 8 соатдан ошмайди.

Бир гуруҳда ёзма иш ўтказиш жараёнида иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзоси (кузатувчи)га 3 соатдан берилади.

Якуний назорат оғзаки шаклда ўтказилганда жами соат унда иштирок этган комиссиянинг ҳар бир аъзосига берилади, ёзма иш шаклида ўтказилганда жами соат ёзма ишни текширишда иштирок этган комиссия аъзолари умумий сонига бўлинади ҳамда уларга тенг тақсимланади

11.9. Масофавий ва аралаш малака ошириш курсларида бажарилган ўқув ишлар тьюторларнинг шахсий режаларига киритилиши мумкин.

XII. Масофавий малака ошириш ўқув порталининг дидактик функциялари

12.1. Масофавий малака ошириш ўқув портали ўқув фаолиятини амалга оширишни таъминлашга қаратилган блоклардан ташкил топади.

12.2. Масофавий малака ошириш ўқув портали қўйидаги дидактик функцияларни бажарадиган блоклар таркибидан иборат бўлади:

бошқарув блоки — ўқув порталдан рўйхатдан ўтиш, гуруҳларни шакллантириш, ўқув жараёни муддатларини белгилаш, тьюторлар ва тингловчиларнинг ўқув фаолиятини мониторинг қилиш, қайта алоқа, эълонлар доска, портфолио тизими фаолияти ва бошқа элементлардан иборат бўлади;

ташкилий-методик блоки — бунда курснинг қисқача аннотацияси, мақсад ва вазифалари, ўқув режа ва дастурнинг қисқача тавсифи, ўқиш давомийлиги, ўқишни олиб боришнинг қисқача тартиби, дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар, курсни муваффақиятли ўзлаштириш учун тингловчидан талаб этиладиган билим ва кўникмалар ёритилади;

мазмун ва ўқиш блоки — бунда асосан ўқув режада берилган фанлар, модуллар бўйича асосий ва қўшимча ўқув материаллар, тавсия қилинадиган адабиётлар ва бошқа электрон манбалар берилади;

интерфаол фаолият блоки — масофавий малака ошириш жараёнини турли хил форум, чат, вебинар, видео конференция ва бошқа воситалар орқали “тингловчи-тьютор-тингловчи”нинг ўзаро ҳамкорлик, қайта алоқа, интерфаол фаолияти амалга оширилади;

назорат блоки — ўқув жараёнида ўтказиладиган бошланғич, жорий, оралиқ, якуний назорат ишларини асинхрон ва синхрон режимларда ҳамда ишдан ажралган ҳолда амалга оширишга қаратилади;

электрон кутубхона ва медиатека блоки — меъёрий ҳужжатлар, турли хил адабиётлар, мультимедиали материаллар, ОАВ материаллари, турли хил электрон манбалар ва бошқа электрон шаклдаги материаллар жойлаштирилади ва уларнинг ҳар бири ҳавола аннотацияси билан бўлиши назарда тутилади;

таништириш блоки — бўлим раҳбари, координатор, администратор, тьютор ҳамда экспертлар тўғрисида маълумотлар ва улар билан алоқа ўрнатиш манзиллари ёритилади. Бунда мутахассисларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, фотосуратлари, лавозими, илмий даража, унвонлари, қисқача ижодий биографиялари, илмий ижодий ишлари ёритилиши тавсия этилади;

асосий ҳужжатлар ва талаблар блоки — бунда малака талаблари, компетенциялар рўйхати, масофавий малака оширишнинг тартиб-қоидалари ёритилади;

методик тавсиялар ва кўрсатмалар блоки — бунда “Ўқув модулини ўрганиш бўйича методик кўрсатмалар”, “Тингловчиларнинг мустақил ишлашлари бўйича методик тавсиялар”, “Назорат ишлари турлари ва уларни бажариш бўйича кўрсатмалар” ва бошқа тавсиялар, кўрсатмалар ёритилади.

ХIII. Якуний қоидалар

13.1. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича келиб чиққан низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

13.2. Буюртмачилар томонидан малака ошириш самарадорлиги ва амалий натижадорлиги бўйича киритилган таклифлар асосида масофавий ва аралаш малака ошириш курслар такомиллаштирилиб борилади.

МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШДА ТЬЮТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСЛАРИ

Услубий қўлланма

Мухаррир М.Талипова
Техник муҳаррир Д.Талипов
Саҳифаловчи Б.Ҳайдаров

Босишга рухсат этилди 10.12.2020. Бичими 60x84/16
Офис қоғози, электрографик усулда чоп этилди.
Cambria гарнитураси. Шартли босма табағи 11.3.
Нашр ҳисоб табағи 25.5 Адади 100 нусха. Буюртма №11-20

“IMPRESS MEDIA” МЧЖ босмахонасида босилди Тошкент ш.,
Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 6-уй.

